

Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги ва технологиялари бўйича техник кўмак

**11 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ
КУНИДАН ЛАВҲАЛАР**

**Альфред Эверс:
“НИДЕРЛАНДИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШ
СИРИ «ОЛТИН УЧБУРЧАК»ДА”**

**2023 ЙИЛ МУБОРАК БЎЛСИН!
ҲАМКОРЛАРДАН ЯНГИ ЙИЛ
ТАБРИКЛАРИ**



JURNAL UCHUN



GOLD DRIED FRUITS EXPORT

КОМПАНИЯСИ ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕР
ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАЙДИ.

“Gold Dried Fruits Export” компанияси қуритиш ва музлатиш учун қуйидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини катта миқдорда сотиб олишга тайёрлигини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

- | | |
|--|---------------|
| 1. Укроп | 8. Бақлажон |
| 2. Петрушка | 9. Брокколи |
| 3. Лавлаги (қизил) | 10. Гулкарар |
| 4. Сабзи (қизил) | 11. Пиёз |
| 5. Булғор қалампери
(яшил ва қизил) | 12. Лук-порей |
| 6. Ошқовоқ | 13. Карам |
| 7. Цуккини | 14. Малина |
| | 15. Қулупнай |

Маҳсулотларни сотиб олишда унинг сифати қаттиқ назорат қилинади!
Тўлов нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан тўлаб берилади!

Манзилимиз:

Тошкент шаҳри, Бектемир тумани,

Ҳусайн Бойқаро, 104А

Тел.: +998 71 295 22 62

www.gdf.uz

info@gdf.uz

Таклифлар учун:

+998 97 703 37 10



GOLD DRIED FRUITS EXPORT

Корхона заводлари манзиллари:

1. Тошкент шаҳри, Бектемир тумани

2. Сурхондарё вилояти, Термиз тумани



2022 ЙИЛ БИЗ УЧУН ҚАНДАЙ ЎТДИ? ДУНЁДА-ЧИ?

Журналимизнинг 22-сонини Европанинг икки ривожланган мамлакати – Бельгия ва Нидерландиянинг қишлоқ хўжалиги соҳасига бағишладик. Бу йил одамлар, мамлакатлар ва қитъалар учун кутилган ва кутилмаган вазиятларга бой бўлди. Сайёрамизда табиий офат ёки фавқулодда ҳолатга дуч келмаган жойнинг ўзи бўлмади шекилли. Дунёдаги аксарият мамлакатлар учун бу йил принципиал, қаттиқ ва мурасасиз кечди. Бироқ журналимиз ва лойиҳамиз учун ўтаётган йил жуда омадли келганини таъкидлашимиз жоиз. Фаолиятимиз доирасида кўплаб ижобий таассуротларга эга бўлдик, янги дўстлар ва ҳамкорлар орттирдик. Серқуёш Ўзбекистоннинг ҳосилдор заминидан ноёб мева-сабзавот етиштирадиган деҳқон ва фермерларни учратдик. Улар етиштирган сариқ тарвуз, артишок, спаржа, голубика, банан, папайя, мандарин, апельсин ва ҳатто грейпфрутларни кўриб ҳайратланганимиз ҳам рост.



Сездингизми? Иқлимимизга мутлақо хос бўлмаган маҳсулотлар санаб ўтилди. Демак, нафақат жамият, балки табиат, иқлим ва умуман дунё ўзгаряпти. Мана шу эврилишларга ҳамоҳанг тарзда лойиҳамиз мутахассислари ҳам мамлакатимизда яратилган ноёб навларни келгуси авлодлар учун сақлаб қолиш ҳақида қайғуряпти. Юсупов помидори, Тошкент лимони ёки Ризамат узумининг донғи юртимиздан чиқиб, қўшни давлатларда ҳам эътироф этилгани фанга маълум. Уддабурон тадбиркорлар бу ноёб ва мазали маҳсулотлардан агротуризмни ривожлантиришда муваффақиятли фойдаланиши мумкин. Чунки бунақасини ҳеч қаердан топа олмайди.

Йил давомида биз бир нечта халқаро тадбирларни ўтказдик. Мева-сабзавот соҳасининг биринчи форуми, дейсизми, фермерлар билан учрашувларми, нуфузли Халқаро пресс-клубнинг сессиясими ёки Сурхондарёда бўлиб ўтган биринчи анор фестивалими, хуллас, ShirinMeva лойиҳаси ҳақида кўпчилик билди.

Фурсатдан фойдаланиб, журналимизнинг ушбу сони бағишланган Нидерландия ва Бельгия халқини ва барча ўқувчиларимизни кириб келаётган 2023 йил билан самимий муборакбод этамиз! Умид қиламизки, сабзавотхўр, беозор қуён рамзи остида кириб келадиган янги йилда ҳаммамизга эзгулик, куч-қувват, бахт ва саодат ҳамроҳ бўлади.

Гўзал ПИРЖАНОВА-ШИРИНОВА,

бош муҳаррир,

“Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги
бўйича техник кўмак” лойиҳаси

ЛОЙИҲА ИШТИРОКЧИЛАРИ



Funded by the
European Union

Европа Иттифоқи



Халқаро тикланиш ва
тараққиёт банки
(Жаҳон банки таркибига киради)



Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги
вазирлиги



Озиқ-овқат ва қишлоқ
хўжалиги соҳасида
стратегик ривожланиш
ва тадқиқотлар халқаро
маркази

УШБУ СОНДА:



Ҳ. Ҳайдаров
НИДЕРЛАНДИЯ ВА БЕЛГИЯ МАМЛА-
КАТЛАРИНИНГ АГРОБИОГРАФИЯСИ



О. Антонова
ЕВРОПА БОЗОРИНИНГ
ДАРВОЗАСИ



Ҳ. Ҳасанов, С. Абдумухторов
“ЛОЛАЛАР МАМЛАКАТИ” -
ДЕҲҚОНЧИЛИК СОҲАСИДА
ДУНЁДА ЕТАКЧИ



Ш. Юнусов
НИДЕРЛАНДИЯ МУВАФФАҚИЯТИНИ
ТАЪМИНЛАЁТГАН “ОЛТИН УЧБУРЧАК”



Ж. Ҳайдарова
РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТНИНГ
ЎЗИГА ХОС ЮТУҚ ВА МУАММОЛАРИ



Ҳ. Ҳасанов
КАМ ЕРДАН КЎП ҲОСИЛ ОЛИШ САЊАТИ



Н. Нишов
НИДЕРЛАНДИЯДА ЎСИМЛИКЛАР
ҲИМОЯСИ ВА КАРАНТИН ТИЗИМИ



А. Рустамов
ХИТОЙ БАРГЛИ КАРАМИНИНГ
АГРОБИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ



ҲАМКОРЛАРНИНГ ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ



М. Нарзиев
ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН ЎН ОЙ
ИЧИДА МЕВА-САБЗАВОТ ЭКСПОРТИ
ТАҲЛИЛИ



И. Тошматова
АГРОТРАНСФОРМАЦИЯ:
Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади



Ҳ. Ҳайдаров
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚАЙСИ ҲУДУДИ
БОДРИННИ КЎПРОҚ ЭКСПОРТ
ҚИЛАДИ?



45

М. Аманова, А. Рустамов, Р. Қаландаров
ХОРАЗМДА КУНЖУТ ЕТИШТИРИШ
АМАЛИЁТИ



49

Ж. Ҳайдарова
ХҲЖАБОБДАГИ “НАВИГУЛ”НИНГ
МАҲСУЛОТЛАРИ



51

Н. Каримова
МАШҲУР ПАРКЕНТ УЗУМЛАРИ



53

Ж. Ҳайдарова
Жаҳонгир Сайдалиев:
“ҚАДОҚ БОРАСИДА ТАЛАБГОРЛАР
ҲАЛИ ЭЪТИРОЗ БИЛДИРГАНИ ЙЎҚ...”



55

Н. Каримова
ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ



57

Н. Жалилов, Ж. Агзамжўжаев, Г. Пиржанова
ЎЗБЕКИСТОНДА ЯРАТИЛГАН ЦИТРУС
МЕВА НАВЛАРИ



61

Б. Шерматов
ЎЗБЕКИСТОННИНГ АНОР
ЕТИШТИРИШ САЛОҲИЯТИ



63

Г. Ширинова, Ж. Ҳайдарова, С. Алимова
160 ХАЛҚАРО КОМПАНИЯ
ВАКИЛЛАРИ ЖАМЛАНДИ



65

Ж. Ҳайдарова
11 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ
ХОДИМЛАРИ КУНИ

**Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик
маркетинги буйича техник кўмак**

Тошкент шаҳри,
Мирзо Улуғбек тумани,
Ниязбек йўли, 30-уй, 5-қават
Тел.: +998 78 120-11-21

Самарқанд шаҳри,
Бобур мирзо кўчаси, 9-уй
Тел.: +998 91 534-27-09

Бухоро шаҳри,
Қ. Муртазоев кўчаси, 5-уй
Ҳамкор Бизнес Маркази,
2-қават, 16-офис
Тел.: +998 78 770-07-92

E-mail: info@shirinmeva.uz
Web-site: www.shirinmeva.uz

@shirinmeva

**Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик
технологиялари буйича техник кўмак**

100043, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани,
Муқимий кўчаси, 158-уй.
Тел.: +998 91 562-52-44

140100, Самарқанд шаҳри,
Беруний кўчаси, 144-Б уй
Тел.: +998 90 616-40-88

220100, Урганч шаҳри,
Й. Бобононов кўчаси, 17/2-уй
Тел.: +998 97 400-23-82

Web-site: www.meva-sabzavot.uz

@mevasabzavotchiliktexnologiyalar
@meva-sabzavot

ЛОЙИҲА ИШТИРОКЧИЛАРИ



Annexure Financial
Solutions Limited



Kleffmann Group



Sofreco Group



Global Advisors
Global Advisors

Муассис:

«Annexure Financial Solutions UZB»
масъулияти чекланган жамияти

Бош муҳаррир:

Гўзал ПИРЖАНОВА-ШИРИНОВА

Қузатув кенгаши:

Абдумалик РУСТАМОВ
Ҳусан ҲАЙДАРОВ
Резида ЭРДМАН

Фотографлар:

Пўлат ЮЛДАШЕВ
Улуғбек ҲОШИМОВ
Отабек МИРЗАЕВ
Улуғбек МЕЙЛИКОВ
Рустам ИБРАГИМОВ

Дизайнерлар:

Исроилжон ТУРҒУНОВ
Мавлуда САИДХОДЖАЕВА

Веб дизайнер:

Элёр МИРСАИДОВ

Таржимонлар:

Шухрат ЮНУСОВ
Саида АЛИМОВА

Маркетолог:

Расул АБДУРАШИДОВ

Манзил:

100000,
Ўзбекистон Республикаси,
Тошкент шаҳри,
Мирзо Улуғбек тумани,
Мустақиллик шоҳкўчаси, 59-уй.
Телефон: 78 120-11-21

Нашр Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 2021 йил 5 апрелда
1169 рақами билан рўйхатга
олинган.

“JURABEK PRINT” МЧЖда
чоп этилди.
Манзил: Тошкент вилояти,
Қибрай тумани, Янгиобод ҚФЙ,
Катта-Су кўчаси



Нидерландия Қироллиги агробιοграфияси



33 670 км²

Умумий ер майдони



17 533 405

Аҳолиси (2021)



18 144,5 км²

Аграр ер майдони

Аҳолиси (2021)		Экспорти/импорти (2021)											
 <p>Жами ишчилар сони</p> <p>9 897 689 (56%)</p>	 <p>Аграр соҳада банд қисми</p> <p>205 871 (2,08%)</p>	 <p>Умумий экспорти</p> <p>693,8 млрд \$</p>	<table border="1"> <thead> <tr> <th>Мева</th> <th>Сабзавот</th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td>Экспорти</td> <td>Экспорти</td> </tr> <tr> <td>8,58 млрд \$</td> <td>8,53 млрд \$</td> </tr> <tr> <td>Импорти</td> <td>Импорти</td> </tr> <tr> <td>8,48 млрд \$</td> <td>3,27 млрд \$</td> </tr> </tbody> </table>	Мева	Сабзавот	Экспорти	Экспорти	8,58 млрд \$	8,53 млрд \$	Импорти	Импорти	8,48 млрд \$	3,27 млрд \$
Мева	Сабзавот												
Экспорти	Экспорти												
8,58 млрд \$	8,53 млрд \$												
Импорти	Импорти												
8,48 млрд \$	3,27 млрд \$												
 <p>Аҳоли жон бошига ЯИМ</p> <p>58 061 \$</p>	 <p>Аҳоли жон бошига агро ЯИМ</p> <p>1,57%</p>	 <p>Умумий импорти</p> <p>632,2 млрд \$</p>											

Йирик савдо ҳамкорлари (2021)				Мева ва сабзавотлар савдосида 2017-2021 йиллардаги ўзгариш (%)			
Импортчи давлатлар		Экспортчи давлатлар		Мева экспорти		Сабзавот экспорти	
 Мева	 Сабзавот	 Мева	 Сабзавот	Мева экспорти	8%	Сабзавот экспорти	3%
Перу	Испания	Германия	Германия	Мева импорти	6%	Сабзавот импорти	4%
Жанубий Африка	Бельгия	Бельгия	Бельгия				
Испания	Германия	Франция	Франция				

Энг кўп сотиб олинган мева ва сабзавотлар (2021)							
Импорт				Экспорт			
Мева		Сабзавот		Мева		Сабзавот	
 Бошқа мевалар	19% ↑	 Бошқа сабзавотлар	24% ↑	 Банан	22% ↑	 Бошқа сабзавотлар	25% ↑
 Резаворлар	18% ↑	 Помидор	12% ↑	 Резаворлар	20% ↑	 Помидор	25% ↑
 Цитрус мевалар	13% ↑	 Картошка	11% ↑	 Олма ва нок	11% ↑	 Пиёз	11% ↑

Фойдаланилган манба: :
data.worldbank.org, www.intracen.org, www.trademap.org, www.statista.com, atlas.cid.harvard.edu, unctadstat.unctad.org



Бельгия Қироллиги агробιοграфияси




30 280 км²

Умумий ер майдони



11 587 882

Аҳолиси (2021)



13 646 км²

Аграр ер майдони

Аҳолиси (2021)		Экспорти/импорти (2021)		
 <p>Жами ишчилар сони</p> <p>5 220 875 (45%)</p>	 <p>Аграр соҳада банд қисми</p> <p>48 032 (1%)</p>	 <p>Умумий экспорти</p> <p>549 млрд \$</p>	<p>Мева</p> <p>Экспорти</p> <p>2,78 млрд \$</p>	<p>Сабзавот</p> <p>Экспорти</p> <p>2,69 млрд \$</p>
 <p>Аҳоли жон бошига ЯИМ</p> <p>51 767 \$</p>	 <p>Аҳоли жон бошига агро ЯИМ</p> <p>0,58%</p>	 <p>Умумий импорти</p> <p>532 млрд \$</p>	<p>Импорт</p> <p>3,69 млрд \$</p>	<p>Импорт</p> <p>2,46 млрд \$</p>

Йирик савдо ҳамкорлари (2021)				Мева ва сабзавотлар савдосида 2017-2021 йиллардаги ўзгариш (%)		
Импортчи давлатлар		Экспортчи давлатлар		Мева экспорти	Сабзавот экспорти	
 Мева	 Сабзавот	 Мева	 Сабзавот			
Нидерландия	Нидерландия	Франция	Франция	-2%	1%	
Испания	Франция	Нидерландия	Германия			
Колумбия	Испания	Германия	Нидерландия	-2%	3%	

Энг кўп сотиб олинadиган мева ва сабзавотлар (2021)							
Импорт				Экспорт			
Мева		Сабзавот		Мева		Сабзавот	
 Банан	28% ↓	 Картошка	26% ↑	 Банан	29% ↓	 Музлатилган сабзавотлар	49% ↑
 Резаворлар	19% ↑	 Музлатилган сабзавотлар	17% ↓	 Резаворлар	26% ↑	 Помидор	13% ↑
 Бошқа мевалар	10% ↑	 Бошқа сабзавотлар	16% ↑	 Олма ва нок	15% ↑	 Бошқа сабзавотлар	9% ↓

Фойдаланилган манба: :
data.worldbank.org, www.intracen.org, www.trademap.org, www.statista.com, atlas.cid.harvard.edu, unctadstat.unctad.org



ЕВРОПА БОЗОРИНИНГ ДАРВОЗАСИ



17 миллиондан ортиқ аҳоли яшовчи Нидерландия Қироллиги таркибига Нидерландия ва Кариб денгиздаги бир қанча ороллар киради. Кенг тарқалган ва машҳур Голландия номи эса, мамлакатнинг 12 ҳудудидан иккитаси – Жанубий ва Шимолий Голландия туфайли берилган. Айнан ушбу ҳудудлар фаол иқтисодий ривожланиши туфайли тарихий эътирофга сазовор бўлди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотнинг йилига 60 минг доллардан ортиқ бўлиши Қиролликка тараққиёт бўйича дунёда 14-ўринни эгаллаш имконини берди.

Нидерландия қулай географик жойлашуви туфайли Европада етакчи транспорт маркази бўлиб, тобора ўсиб бораётган ички истеъмол ҳажми мамлакатни истиқболли экспорт бозорига айлантиряпти. Нидерландия бозорида ўзбекистонлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берувчилар учун қандай имкониятлар мавжуд, экспорт жараёнида нималарга эътибор бериш керак – мақолада шу ҳақда сўз юритамиз.

Нидерландия Европанинг аҳолиси энг зич жойлашган давлатларидан биридир. Барра сабзавот ва мева етказиб бериш бўйича асосий савдо ҳамкорлари, Германия, Бельгия ва Буюк Британия давлатлари. Мамлакатнинг савдо компаниялари глобал барра маҳсулотлар савдоси марказини ташкил қилади. Европага кириб келаётган ҳар бешинчи

мева ёки сабзавот Нидерландия орқали импорт қилинади. Европа ва Скандинавия компаниялари мамлакатнинг савдо майдонлари, порт ва транспорт инфратузилмасидан тижорат ва логистика савдо маркази сифатида фойдаланади. Мамлакат барра маҳсулотлар етиштириш ҳажмини ошираётганига ҳамда иссиқхона сабзавотлари, мева ва резаворлари билан машҳурлигига қарамай, Нидерландия мамлакат ичида қўшимча қиймат яратадиган тан олинган реэкспортчидир. Германия Нидерландиядан маҳсулот қайта экспорт қилиш учун асосий йўналиш ҳисобланади. Роттердам порти ҳудудида жойлашган компанияларнинг катта қисми қадоклаш, жойлаш ва тарқатиш хизматларини таклиф қилади. Энг йирик ҳаво маркази – Амстердам аэропорти энг қиммат мева-сабзавотларни етказиб

беришни таъминлайди. Нидерландиялик бизнес ҳамкорлар бой тажрибаси ва самарали логистика йўналишлари бўйича ишлайдиган трейдерлар тармоғини таклиф қилиб, Европа бозорига катта таъсир кўрсатади.

Ҳозирги вақтда Перу ва Жанубий Африка маҳсулотнинг кенг ассортименти эгаллиги, Бразилия манго ва қовун маҳсулотларига эътибор қаратгани ҳамда Коста-Рика дунё миқёсида банан ва ананас савдосида етакчи бўлгани туфайли Нидерландияга мева-сабзавот етказиб берувчи асосий давлатлар қаторига киради. Мамлакатда тўғри овқатланиш тенденцияси ўсиб бораётгани апельсин, киви, авокадо, черника, голубика ва қалампир каби витаминга бой мева-сабзавотларга талабни ошироқда. Анъанага кўра, банан, олма, цитрус мевалар ва помидор мамлакат маҳсулот ассортименти асосини ташкил қилади.

Нидерландия авокадо ва бананнинг Европага кириш нуқтаси ҳисобланади. Узум билан йил бўйи узлуксиз таъминлашда ҳам мамлакатнинг ўрни жуда муҳим. Италия, юнон ва испан узумининг пишиш ҳамда етказиб бериш мавсуми июлдан ноябргача давом этиб, мавсум тугаши билан европалик бўлмаган маҳсулот етиштирувчиларнинг Нидерландия орқали Германия, Польша, Бельгия давлатларига экспорти ҳажми ошади.

Хўраки узум бозорида рақобат жуда кучли. Етказиб берувчи давлатлар тез-тез ўрин алмашади. Европага мавсумдан ташқари даврда етказиб бериладиган маҳсулотнинг 60 фоизи Жанубий Африка, Перу ва Ҳиндистон давлатлари ҳиссасига тўғри келади. Мавсумдан ташқари пайтдаги талабни Бразилия (мавсум боши), Чили ва Миср (мавсум охири) давлатлари таъминлайди.

Хўраки узум бозори Европадаги энг йирик бозорлардан бири эканини ҳисобга олиш муҳим. Европалик истеъмолчилар орасида уруғсиз, Thompson ва Sweet Globe каби оқ-яшил ҳамда Crimson, Flame Seedless ва Ruby навлари энг кенг тарқалган. Трейдерлар ҳали ҳам кенг тарқалган ва мавжуд оқ-яшил Italia, қизил Globe ва қизил Victoria ўрнини босадиган навларни таклиф қилмоқда. Янги навлар лицензия ва патентлар билан ҳимояланган.

Европа узум энг кўп етиштириладиган қитъа бўлса-да, сарф-харажатлар тобора ошиб бормоқда. Натижада узум етиш-

тириш фермерга кам фойда келтирмоқда. Европада узум етиштириш ҳажмининг пассиви прогноз қилинаётир. Шу сабабли импорт қилинадиган узумга талабнинг ортишини тахмин қилиш мумкин.

Айниқса маҳаллий мавсумнинг боши ва охирида (июнь ва ноябрь ойлари) талаб кучаяди. Аммо шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, Испания ва Италиянинг қишлоқ хўжалиги бўйича мутахассислари янги кечки навларни амалиётга татбиқ этмоқда.

Бозордаги кучли рақобат билан бирга хўраки узум етказиб бериш йўналиши жозибдорлигини ҳисобга олган ҳолда, истеъмолчиларнинг танловини ҳам назардан қочирмаслик муҳим. Чунки юқори сифатни қадрлайдиган харидорларни маҳсулот сифати ва таъми, барқарор органик етиштириш ва пластмассадан фойдаланмай, экологик қадоқлаш билан жалб қилиш мумкин. Шу боис, Sable Seedless ёки Cotton Candy каби навли узумнинг харидори кўп.

Резавор бозори жадал ўсиб борапти. Хусусан, Vaccinium оиласига мансуб маҳсулотлар (клюква, голубика, черника)нинг умумий харид кўрсаткичи 2016 йилдаги 200 миллион евродан 2020 йилда 500 миллион еврогача кўтарилди. Шуни ҳисобга олиш керакки, голубика етиштириш технологиялари ва йиғим-теримдан кейинги ишлар (калибрлаш, сақлаш, қадоқлаш) бўйича рақобатлаша оладиган тажрибали етиштирувчилар учун Европа сердаромад бозордир. Нидерландияга кириб келадиган резавор ҳажмининг аксарият қисми Европа Иттифоқи чакана харидорлари талабларига мувофиқ қайта қадоқланади. Шунингдек, голубика Нидерландияда машҳур маҳаллий маҳсулот. Статистик маълумотларга кўра, ички истеъмол тахминан 20 минг тонна импорт қилинган ҳамда 9 минг тонна маҳаллий шароитда етиштирилган голубика ҳисобига қопланади.

Истеъмол тенденцияларига эътибор қаратган ҳолда, нидерландиялик истеъмолчилар тайёр мевани афзал кўришини ҳисобга олиш керак. 2019 йилда тўғралган сабзавот умумий озиқ-овқат савдосининг 43 фоизини ташкил этди. Мева-чева савдосида, гарчи у асосан манго, ананас, қовун ва олма билан чекланган бўлса-да, барра мева ҳажми ҳам

ўсиб бораётган сегментдир. Манго ва авокадо маҳсулотлари учун пишиш ва истеъмолга тайёрлаш босқичи муҳим. Узум, цитрус мева ва тарвуз каби маҳсулотларнинг эса уруғсиз навларига талаб катта. Талаб қилинган сегмент кичик ҳажмдаги мева-чева ҳамда сабзавот (кичик бодринг, черри навли помидор) аралашмаси пакетидир. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг асосий қисми Нидерландияда амалга оширилишини ҳисобга олсак, маҳсулот етказиб берувчилар маҳсулотнинг пишиш ва кесиш жиҳатидан мос бўлишини таъминлаши керак.

Юмшоқ мева ва резаворлар учун ҳар хил турдаги экологик тоза қадоклаш таклифи қўшимча афзаллик бўлади (Европа Иттифоқида пластмасса қадок тақиқланган).

Маҳсулотларни тарғиб қилиш учун маркетинг каналларидан фойдаланиш, хусусан, брендинг Нидерландия каби рақобатбардош бозорда маҳсулотни фарқлаш учун муҳим воситадир.

Нидерландиялик истеъмолчилар ишлаб чиқарувчидан маҳсулот етиштириш ва логистика бўйича оқилона ёндашув кутади. Етказиб берувчи учун нафақат ушбу талабларни қабул қилиш, балки уларга риоя қилиш ҳам муҳим. Европа Иттифоқи ва Нидерландия бозорига етказиб бериш учун маҳсулотларни сертификатлаш, хусусан, пестицидлардан фойдаланишни камайтириш, ходимларнинг хавфсизлиги ва фаровонлигига эътибор бериш ҳамда сувдан фойдаланишни чеклаш бўйича чора-тадбирларни кўриш лозим.

2020 йилда истеъмолчилар экологик тоза мева-сабзавотларга 25 фоиз кўпроқ (2019 йилдаги 746 миллион евродан 2020 йилда 935 миллион евро) маблағ сарфлашди. Мева-сабзавотларнинг экологик тозалигини тасдиқловчи Planet Proof, RainForest Alliance, Fair Trade ёрлиқлари бўлиши айти мудар.

Маҳсулотни барқарор органик етиштиришга қўйиладиган талаблардан ташқари, Нидерландиядан келган трейдерлар билан узоқ муддатли ҳамкорлик ўрнатишдан манфаатдор бўлган етказиб берувчилар қўшимча Sedex SMETA (Sedex Members Ethical Trade Audit) ижтимоий аудитидан ўтиши мум-

кин. Бу корхоналарга таъминот занжиридаги иш шароитини тушуниш учун объектлар ва етказиб берувчилар салоҳиятини баҳолаш имконини беради.

SIFAV шартномаси мева-сабзавотнинг барқарор импортини таъминлаш бўйича Нидерландия ташаббусларидан биридир. 2025 йилгача бўлган давр учун янги стратегия бутун таъминот занжири бўйлаб атроф-муҳитга таъсирни камайтириш, меҳнат шароити, иш ҳақи ва даромадни яхшилаш, ҳисобот бериш ва шаффофликни оширишга қаратилган.

Агар сиз Нидерландия бозорига киришга қарор қилган бўлсангиз, барқарор ривожланиш мақсадларингизни билдиринг, ижтимоий масъулиятни намойиш этинг, ишлаб чиқариш, сақлаш, логистиканинг ҳар бир босқичига доир маълумотларни тақдим қилинг.

Супермаркетлардаги органик барра маҳсулотларнинг айланмаси 2019 йилдаги 181,2 миллион евродан 2020 йилда 209,5 миллион еврогача ўсди. Бу супермаркетларда барра мева-сабзавотлар сотувининг тахминан 5 фоизини ташкил қилади. Европага органик маҳсулотларни етказиб бериш учун уни қатъий Европа стандартларига мувофиқ етиштириш имкониятига эга бўлишингиз керак. Нидерландиядаги органик маҳсулотлар EU Organic, ЕКО ва биодинамик маҳсулотлар учун Demeter ёрлиқлари орқали таниб олинади.

Нидерландия бозори маҳсулотларни етиштириш, қайта ишлаш ва сақлаш соҳасидаги етакчи компаниялар тажрибасини ўрганиш ҳамда Европа чакана савдосига талабчан, аммо тўлашга қодир ва ўсиб бораётган бозорга кириш имконини беради. Ўзаро манфаатли ҳамкорларни топиш ва улар билан алоқа ўрнатиш учун Нидерландияга барра мева-сабзавот импорт қилувчилар ҳақида маълумот берамиз.





Aartsen Breda B.V.
Heilaar-Noordweg 9
4814 RR BREDA
+31 76 524 81 00
breda@aartsen.com



Fa. Molenaar
Jan van Krimpenweg 1 hal 23
2031 CE HAARLEM
+31 23 532 21 73
info@molenaardappelen.nl



ABC Fresh B.V.
Harnaschdreef 10
2635 BT DEN HOORN
+49 (40) 30 70 96 80
info@abcfresh.de



FlevoTrade Worldwide
Food Trader B.V.
Staalwijk 21
8251 JP DRONTEN
+31 321 38 71 70
info@flevotrade.nl



Bio World B.V.
ABC Westland 114
2685 DB POELDIJK
+31 174 21 44 50
info@bioworld.nl



Fortuna Frutos Continental B.V.
Oslo 17
2993 LD BARENDRECHT
+31 180 75 14 00
info@fortuna-frutos.com



BioTropic B.V.
Klappolder 193
2665 MP BLEISWIJK
+31 30 242 50 10
sales@biotropic.com



Bud Holland B.V.
Transportweg 67
2676 LM MAASDIJK
+31 174 53 53 53
exotics@bud.nl



Bud Holland B.V.
Transportweg 67
2676 LM MAASDIJK
+31 174 53 53 53
exotics@bud.nl



Freeland B.V.
Nijbracht 126
7821 CE EMMEN
+31 591 67 05 70
info@freeland.nl



Combiolo B.V.
Transportweg 23
2742 RH WADDINXVEEN
+31 180 44 67 00
verkoop@combiolo.nl



Dole Exotics B.V.
Spectrumlaan 29
2665 NM BLEISWIJK
+31 180 64 40 40
info@totalexotics.com



GlobalFair B.V.
Koopliedenweg 22
2991 LN BARENDRECHT
+31 180 726 726
info@globalfair.nl



Eminent Food B.V.
ABC Westland 118
2685 DB POELDIJK
+31 174 21 45 70
info@eminentfood.nl

О. АНТОНОВА,
“Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги
бўйича техник кўмак” лойиҳаси эксперти



“ЛОЛАЛАР МАМЛАКАТИ” - ДЕҲҚОНЧИЛИК СОҲАСИДА ДУНЁДА ЕТАКЧИ

Нидерландия бугунги кунда энг замонавий ресурстежамкор, тупроқ унумдорлигини оширувчи деҳқончилик тизимини қўллаган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича дунёда етакчилик қилмоқда. Умумий ер майдони бўйича дунёда 131-ўринда турса-да, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти бўйича АҚШдан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти қиймати йилига ўртача 100 миллиард евро бўлиб, умумий экспорт ҳажмининг 22 фоизини ташкил этади.

Худуди бўйича солиштирганда, Нидерландия АҚШдан 240, Ўзбекистондан 11 марта кичик майдонга эга. Умумий аҳоли сони эса Ўзбекистонникидан икки баробар кам бўлиб, 17,7 миллион кишини ташкил этади. Мамлакат умумий майдонининг деярли ярмини эгаллаганда ишга яроқли аҳолининг 10 фоизи фаолият юритмоқда.

Мамлакатда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича ҳукумат томонидан катта ислохотлар олиб борилмоқда. Давлат иқтисодиётининг 9 та етакчи соҳасини рағбатлантириш дастурининг дастлабки иккита йўналиши қишлоқ хўжалигига оидлиги буни яққол кўрсатиб турибди. Биринчиси, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати, иккинчиси боғдорчилик ва кўчатчиликдир.

Нидерландияликлар XXI аср бошидан ишлаб чиқариш ва меҳнат самарадорлигини ошириш учун “ярим ресурс билан икки баробар кўп озуқа” шиори остида ишлашди. Бугунги кунда бу ишлар ўз самарасини бермоқда. Буни сувтежамкор усуллардан фойдаланиш натижасида ҳам кўриш мумкин.

Дунё бўйича 1 кг помидор етиштириш учун ўртача 214 литр сув сарфланса, Нидерландияда бундан 22,5 маротаба кам, яъни 9,5 литр сув сарфланади.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги бўйича ҳам Нидерландия дунёда етакчилик қилмоқда. Помидор (гектаридан 505,6 тонна), булғор қалампири (гектаридан 283,3 тонна), бодринг (гектаридан 735,8 тонна) ҳосилдорлиги бўйича биринчи, нок (гектаридан 40,7 тонна) ҳосилдорлиги бўйича иккинчи ва сабзи (гектаридан 60,6 тонна), картошка (гектаридан 45,7 тонна), пиёз (гектаридан 45,7 тонна) ҳосилдорлиги бўйича 5–6-ўринларда туради. Эътиборли томони, улар шунчалик юқори маҳсулдорликка минерал ўғитлардан фойдаланишни минимал даражага тушириб, органик маҳсулот етиштиришга қаратилган замонавий агротехнологияларни қўллаган ҳолда эришмоқда.

Нидерландияда асосан сабзавот, донли, мева-вали, техник экинлар каби 60 га яқин қишлоқ хўжа-

1-жадвал. Асосий экинлар майдонининг йиллар бўйича ўзгариши/га (ФАО маълумотлари асосида)

Экин гуруҳлари	Йиллар бўйича майдони/га				1990 йилга нисбатан 2020 й.(%)	Умумий майдондаги улуши (%)
	1990	2000	2010	2020		
Картошка	175 300	180 200	156 969	164 500	94	30,5
Донли	195 296	198 800	193 686	152 860	78	28,3
Техник	125 000	111 800	71 560	83 290	67	15,4
Сабзавот	53 192	59 825	80 474	81 280	153	15,1
Маккажўхори	3 300	20 300	16 733	19 420	588	3,6
Мевали	22 600	19 558	17 653	17 260	76	3,2
Дуккакли	29 800	14 767	13 819	11 130	37	2,1
Мойли	19 070	9 600	5 950	5 260	28	1,0
Резавор	2 861	4 288	3 349	3 190	111	0,6
Полиз	165	253	336	1 380	836	0,3
Узум	31	11	200	170	548	0,03
Кўкнори	264	568	708	0	0	
ЖАМИ:	626 879	619 970	561 437	539 740	86	100

лиги экини парваришланади. Мамлакатда майдони бўйича энг кўп етиштириладигани картошка (1-жадвал). Кейинги ўринларни донли экинлар (буғдой, арпа, жавдар, сули ва третикале), сабзавот ва техник экинлар эгаллайди. Охириги 30 йилда экинлар майдонининг ўзгаришини кўриб чиқадиган бўлсак, мойли, дуккакли ва техник экинлар майдони сезиларли даражада кичрайганини кўрамиз. 1990 йилда 19070 гектар майдонда мойли экин экилган бўлса, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 5260 гектарга тушган, яъни салкам тўрт баробар камайган. Аксинча, полиз, сабзавот, маккажўхори ва резавор экинлар майдони сезиларли даражада кенгайган. Бунда ердан самарали фойдаланиш, ер бирлигидан кўпроқ даромад олиш, яъни сердаромад экинларни экишга эътибор қаратилаётганини кўриш мумкин. Картошка йилига ўртача 160-170 минг гектар майдонга экилмоқда.

Экинлар майдонининг сўнги 30 йилда ўзгаришини кўрадиган бўлсак (2-жадвал), баъзиларининг майдони кенгайган, аксинча, баъзилариники кичрайган. Шунингдек, баъзи экинларни экиш деярли тўхтатилган.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) сайти маълумотларига кўра, кейинги йилларда мамлакатда олдиндан катта майдонларда экилмаган кунгабоқар (600 га), олча (240 га), саримсоқпиёз (190 га) каби экинлар саноат миқёсида экила бошлаган.

1990-йилларда экилган кўкнори (264 га) ҳозирги кунда деярли етиштирилмаяпти. Третикале, сули, олхўри, олма, зиғир, рапс ва жавдар каби экинлар майдони 2-5 баробаргача камайган. Иқтисодий самарадорлиги ҳисобга олинган ҳолда қовоқ, маккажўхори, узум, салат барги, малина, пиёз, смородина, қалампир, нок каби экинлар майдони 1990 йилдагига қараганда бир неча баробар кенгайтирилган. У ерда қуёшли кунлар камлиги сабабли асосан иссиқхонада етиштириладиган экинларга эътибор кучайтирилган.

Иссиқхоналар майдони бўйича ҳам бу мамлакат дунёда 1-ўринда туради. 29300 гектар майдонни эгаллаган иссиқхоналарда асосан сабзавот

2-жадвал. Экин турлари майдонининг ўзгариши/га (ФАО)

Т/р	Экин тури	Экин майдони/га		1990 йилга нисбатан 2020 йилда (%)
		1990й	2020	
1.	Кунгабокар	0	600	
2.	Олча	0	240	
3.	Саримсоқ пиёз	0	190	
4.	Қовоқ	100	1 380	1 380
5.	Маккажўхори	3 300	19 420	588
6.	Узум	31	170	548
7.	Салат	2 200	10 180	463
8.	Малина	56	220	393
9.	Пиёз	12 800	35 940	281
10.	Смородина	200	530	265
11.	Қалампир	700	1 530	219
12.	Нок	5 100	10 000	196
13.	Исмалоқ	1 700	3300	194
14.	Черника	500	920	184
15.	Гулкарам ва брокколи	2 800	4 880	174
16.	Сабзи ва шолғом	6 300	9 590	152
17.	Бақлажон	100	130	130
18.	Помидор	1 600	1 870	117
19.	Қанд лавлаги	125 000	81 460	65
20.	Тритикале	2 300	1 170	51
21.	Сули	3 401	1 570	46
22.	Олхўри	600	270	45
23.	Олма	16 300	6 200	38
24.	Зиғир	5 535	1 930	35
25.	Рапс	8 000	1 670	21
26.	Жавдар	8 604	1 780	21
27.	Кўкнори	264	0	0



етиштирилмоқда. Бу ердаги иссиқхоналар майдони катталиги билан бир қаторда экинлар ҳосилдорлиги, ҳосил сифати, энергия тежамкорлиги билан ҳам дунёда етакчилик қилмоқда. Агротехник тадбирлар деярли 100 фоиз автоматлаштирилган. Ҳаво ва тупроқ ҳарорати, намлиги доим компьютерлар назоратида.

Мамлакатда боғдорчилик ҳам ўз ўрнига эга. Бугунги кунда боғлар майдони 30-40 йиллар олдингига нисбатан бироз қисқарган бўлса-да, улардан олинаётган ҳосил миқдори ва сифати ошган. Мевали боғларнинг асосий қисми Шимолий Брабант ғарбида, Гелдерланда жанубида (Бетюве вилояти) ва Лимбург (Бельгия)да жойлашган. Хорн шаҳри ва Эйссел дарёси бўйларида ҳам мевали боғлар ташкил этилган. Мевали дарахтлардан асосан нок, олма, олча, олхўри етиштирилади. Кейинги йилларда узумзорлар майдони ҳам кенгайтирилмоқда. 2010 йилда 11 гектар майдонда узум етиштирилган бўлса, 2020 йилга келиб узум плантациялари майдони 170 гектарни ташкил этган. Резаворлардан қулупнай, малина, қора ва қизил смородина етиштирилади. Кейинги йилларда черника майдони ҳам кенгайиб бормоқда.

Бута ва дарахтлар кўчатчилиги илмий асосда йўлга қўйилган бўлиб, етиштирилган сифатли кўчатлар ҳам экспорт орқали мамлакатга катта даромад келтирмоқда. Махсус кўчатхоналар майдони бугунги кунда 3 минг гектарни ташкил этади.

Нидерландия гуллар мамлакати, лолалар мамлакати, ҳам дейилади. Бу албатта бежиз эмас. Бундан 400 йил аввал мамлакатда гулларга қизиқиш кучайиб, саноат даражасига олиб чиқилган. Ҳозир мамлакатнинг алоҳида иқтисодий соҳасига айланган гулчиликда кўплаб одамлар ишламоқда. Мамлакатга гул экспорти ортидан жуда катта маблағ кириб келмоқда. XIX асрдан бошлаб оранжереялар қурилиши натижасида йил – ўн икки ой давомида гул етиштирилади. Бугунги кунга келиб мамлакатда етиштирилаётган гулнинг салкам 90 фоизи дунёнинг турли давлатларига экспорт қилинмоқда. Бутун дунё гул савдосининг 50-60 фоизи Нидерландия ҳиссасига тўғри келмоқда. Мамлакатда жами гул етиштирилаётган 20 минг гектардан ортиқроқ майдоннинг асосий қисми Рандстад ва Шимолий Брабант ҳудудида жойлашган. Гуллар асосан

3-жадвал. Нидерландиядан уруғ импорт қилувчи асосий давлатлар ва уларнинг улуши, 2021 йил

Т/р	Давлат номи	Улуши (%)	Нархи, млн АҚШ \$
1.	Испания	10,1	256
2.	Германия	9,07	228
3.	АҚШ	8,25	207
4.	Мексика	7,23	181
5.	Италия	5,7	143
6.	Франция	5,64	141
7.	Россия	3,82	96
8.	Бельгия	3,72	93
9.	Канада	3,27	82
10.	Туркия	3,22	81

4-жадвал. Нидерландия экспорт қиладиган асосий экинлар уруғи, 2021 йил

Т/р	Экин турлари	Улуши (%)	Нархи, млн АҚШ \$
1.	Сабзавот экинлари	87	2 200
2.	Гул	3,82	96
3.	Озукабоп экинлар	3,25	81
4.	Райграсс	1,86	46
5.	Сули	0,61	15,3
6.	Клевер	0,41	10,3
7.	Беда	0,27	6,8
8.	Мятлик	0,24	6,1
9.	Қанд лавлаги	0,03	0,87

иссиқхоналарда етиштирилади. Кўпроқ лола, гиацинт, нарцисс, анемона ва гладиолус каби гуллар парваришланади. Бугунги кунда Нидерландияда етиштириладиган гуллар республикамиз бозорларига ҳам етиб келмоқда. Атиргулларнинг ғунчалари катталиги, ранг-баранглиги ўзбек харидорларини ўзига жалб этмоқда ва маҳаллий атиргулларга қараганда бир неча баробар қиммат сотилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилиги бўйича ҳам Нидерландия пешқадам. 2021 йилда 2,5 миллиард АҚШ доллари қийматидаги қишлоқ хўжалиги экинлари уруғини экспорт қилган. Бу давлатда етиштирилган уруғлар сифати туфайли дунёнинг деярли барча давлатида харидоргир бўлиб, асосий импортёрлар Испания, Германия, АҚШ, Мексика, Италия, Франция (3-жадвал) каби деҳқончилиги ривожланган давлатлардир. Биргина Испания 2021 йилда Нидерландиядан 256 миллион АҚШ доллари қийматидаги уруғ сотиб олган.

Экспорт қилинаётган уруғлар экин тури бўйича таҳлил қилинганда, асосий ўринни сабзавот экинлари уруғи эгаллаганини кўриш мумкин (4-жадвал). Мамлакатнинг 2021 йилдаги уруғ экспортининг 87

фоизини сабзавот уруғи ташкил этган. Республикамизга ҳам Нидерландиядан яқин йилларгача асосан иссиқхонага мўлжалланган помидор, бодринг каби экинларнинг уруғи олиб келинган бўлса, кейинги йилларда очиқ далада етиштиришга мўлжалланган сабзавот, полиз, дуккакли ва бошқа экинлар уруғи катта миқдорда импорт қилинмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда нидерландиялик соҳа мутахассислари олимлар билан биргаликда энг замонавий, ресурстежамкор агротехнологияларни ўзларида яратилаётган янги нав ва дурагайлаларга қўллаган ҳолда юқори натижаларга эришмоқда. Мамлакатда ҳар бир экин бўйича илмий тадқиқот олиб бораётган минглаб олимларнинг меҳнати натижасида ресурслар тежалмоқда. Деҳқонлар манфаатдорлиги ортиб, аҳолининг озиқ-овқатга талаби тўлиқ қондирилмоқда.

Тавсиямиз шуки, мамлакатимизга катта маблағ ҳисобига уруғ импорт қилишни камайтириб, соҳа олимларининг илмий изланишларини қўллаб-қувватлашга инвестиция киритиш лозим. Керак бўлса, Нидерландиядан мутахассисларни жалб қилган ҳолда ҳар бир экин уруғчилиги ва етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш учун ишларни йўлга қўйиш керак.

МАНБА:

- <https://www.fao.org/statistics/ru>.
- Россия федерациясининг Нидерландия қироллигидаги савдо ваколатхонаси "Годовой обзор состояния экономики и основных направлений внешнеэкономической деятельности Нидерландов за 2016 г.», Амстердам – 2017 г., 90 стр.
- <https://lindeal.com>.
- <https://trendeconomy.ru/data/h2/Netherlands/1209>.
- https://ru.fw.wiki/wiki/Сельское_хозяйство_в_Нидерландах.

Ҳамидулло ҲАСАНОВ,

“Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак” лойиҳасининг маҳаллий эксперти



Сардорбек АБДУМУХТОРОВ,

Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти докторанти





НИДЕРЛАНДИЯ МУВАФФАҚИЯТИНИ ТАЪМИНЛАЁТГАН “ОЛТИН УЧБУРЧАК”

Нидерландия қишлоқ хўжалиги, унинг муваффақияти ҳақида эшитмаган одам топилмаса керак. Хўш, ҳудуди кам бўлса-да, бутун дунёни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаётган мамлакатнинг бу даражага етиши сири нимада? Қуйидаги суҳбатда Тошкентга хизмат сафари билан атиги уч кунга келган “Dutch Fruit Solutions Uzbekistan” лойиҳаси координатори Альфред Эверс бизга вақт ажратиб, Нидерландия қишлоқ хўжалигининг ривожланиши сирини очди.

– Нидерландиянинг мева-сабзавотчилик соҳасидаги сақлаш, ҳосилни йиғиб олгандан кейинги ишлов бериш ускуналари ҳақида маълумот берсангиз.

– Нидерландия дунё миқёсида мева-сабзавот маҳсулотларини энг кўп етиштирувчи давлат ҳисобланади. Бу мева етиштириш ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнининг бутун қиймат занжири самарали бошқарилиши билан боғлиқ. Мана шу бошқарув туфайли барча манфаатдор томонлар ўртасида очик, шаффоф ҳамкорлик юритадиган кам сонли мамлакатлардан бири.

Бу тизимни “Олтин учбурчак” деб атаймиз. У муайян қонун-қоидаларни белгиладиган ҳукумат муассасалари, илмий тадқиқот институтлари ва ишбилармонлар ўртасидаги ҳамкорликка асосланади.

Бу жараёнда ишбилармонлар – маҳсулот етиштирувчилар ва тадбиркорлар асосий иш бажарувчилардир.

Шундай қилиб, ушбу “Олтин учбурчак” ёрдамида сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришми, мева-сабзавотчиликми, декоратив ўсимликлар, яъни гул етиштиришми, хуллас, бутун бошли занжирни бошқаришга қодирмиз. Биз етиштирамиз, ҳукумат қоидаларни белгилайди ва ниҳоят экспортчилар уни, масалан, сизнинг мамлакатингизга олиб келади.

– Сизнингча, ўзбек фермерлари нидерландиялик ишлаб чиқарувчиларнинг ускуналари ёки мева-сабзавотчиликка доир инновацион ечимларидан хабардорми? Нидерландия компаниялари бозоримизга нима таклиф қилиши мумкин?

– Менимча, ўзбек деҳқонлари жуда омилкор. Чунки улар зироатчилик, боғдорчилик илмини яхши эгаллаган. Шу боис Нидерландияда биз аллақачон

Эксклюзив интервью

қўллаган баъзи усулларни осонлик билан ўзлаштира олади. Ўзбек деҳқонлари энг сўнгги навларга эга бўлса, ташқи дунёга боғлиқлиги ошади. Нидерландияда кўчатзорлар кўп. Биз эса уларда етиштирилаётган ниҳолларни мамлакатингизга олиб келишни жуда хоҳлаймиз. Ўзбекистонда мевали экинларнинг сўнгги навларини, аммо муайян ҳимояланган доирада, яъни наслчилик ҳуқуқлари асосида жорий этишга ҳаракат қиламиз. Албатта, кўчатзорлар эгалари маҳсулотни экспорт қилишни жуда хоҳлайди. Агар энг янги навлар ва тўғри етиштириш усулларидан фойдаланилса, жуда юқори ҳосил олиш қийин эмас. Демак ўзбекистонлик фермерлар учун ҳосилни ошириш йўли жуда осон: янги навларни импорт қилиш, тўғри технологияни қўллаш ва мамлакатингизда ҳозирги ўртача ҳосилдан беш баравар кўп ҳосил олиш. Шунингдек, мўл ҳосил олиш учун фермер маҳоратли ва илмга чанқоқ бўлиши керак.

– Нидерландиялик уруғ экспортчилари Ўзбекистонга уруғ сотишга тайёрми?

– Аслида биз бу ерга мева қиймат занжири таркибига кирувчи 12 та компаниянинг миссияси билан келдик. Бу 12 компаниядан 4 таси кўчатчилик билан шуғулланади. Улар мамлакатингиз иқлими учун қайси навлар мос тушишини тадқиқ қилиш ниятида. Чунки Ўзбекистонда ўзига хос микроиқлим мавжуд. Биз Фарғона, Тошкент, шунингдек, Самарқанд ва бошқа вилоятларда ҳам бўлдик. Қайси экин тури учун қайси нав мувофиқ эканини аниқлашга ҳаракат қилияпмиз.

– Маълумотни қандай таҳлил қиласиз? Бу ерда тажриба далаларингиз борми ёки нидерланд уруғи ўсадиган далаларни ўрганасизми?

– Бизнинг ёндашувимиз икки томонлама. Қозоғистонда тажриба даласига асос солдик. У ерда 6 турдаги мевали ва бошқа кўпжаб дарахт навларини экдик. Бироқ Ўзбекистонда ёндашувимиз бошқача.

Бу ерда биз тажриба даласига асос солмоқчи эмасмиз, профессионал фермерларни қидирамиз. Биз уларнинг даласида нав синовларини ўтказмоқчимиз.

Биз одатда боғларда ишлатиладиган сув сарфини камайтириш учун сувни тежовчи турли усулларни қўллаймиз. Ўзбекистондаги сув танқислиги муаммоси ҳақида жуда яхши биламиз. Пахта далаларида сув истеъмоли юқорилиги туфайли ҳукумат сув тежовчи усуллар излаётганидан, пахта далаларини қисқартириб, уларга бериладиган сувдан озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш учун фойдаланаётганидан хабаримиз бор. Озиқ-овқат маҳсулотлари деганда, биринчи навбатда, мева-сабзавотлар тушунилади. Бизнинг бу ерга келишимиздан мақсад мевачилик тармоғини ривожлантиришдир.

– Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги тараққиёти ҳақида қандай фикрдасиз? Нидерландиялик мутахассислар қишлоқ хўжалиги технологиялари бўйича нима таклиф қилиши мумкин?

– Биз шу йилнинг декабрь ойида мева етиштириш усули бўйича лойиҳа бошлаймиз. Шу билан бирга март ойида мамлакатингизда ўтказиладиган “AgroWorld” кўргазмасида иштирок этиш ниятидамиз. Ҳадемай, қишки мактаб ташкил қиламиз. Тингловчилар онлайн маърузаларда қатнашиши мумкин. Чунки деҳқончиликда таълим омили жуда муҳим. Биз шохларни кесиш ва ҳосил йиғим-терими бўйича кўргазмали машғулотлар ўтказамиз. Жойларда маҳорат дарсларига эътибор қаратамиз. Олдимизда турган энг катта вазифа янги технологияларни қўллашга уқувли, профессионал деҳқон-фермерларни топишдир.

– Нидерландия қишлоқ хўжалиги соҳасидаги консалтинг бизнес уюшмалар ҳақидаги фикрингиз қандай? Улар Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини, хусусан, мева-сабзавотчилик бозорини ривожлантиришга қандай ёрдам бера олади?

– Нидерландияда мамлакатингиздаги каби ACIS деб номланган таълим хизматлари мавжуд ва у бепул эди. Аммо бепул нарса қадрланмайди. Лекин Нидерландия ҳукумати таълим хизматини профессионаллаштирди. Энди бизда бепул таълим хизмати йўқ. Ўқийдиган одам таълим учун пул тўлаши керак. Ўшанда хизмат кўпроқ қадрланади. Шунингдек, гуруҳимизда таълим мутахассислари бор. Улар тижорат бўйича маслаҳатчи сифатида соҳани яхши тушунади. Албатта, бунинг учун пул тўлаш керак. Менимча, яхши ҳосил олиш ва юқори сифатли маҳсулот етиштириш учун мевачилик тармоғида кластерни таъсис этиш жараёнида уларни жалб қилиш қўшимча юқори қиймат келтиради.

– Delphi ва Rabobank каби компаниялар ҳақида фикрингиз қандай?

– Бу комплекс ишлаб чиқариш ва савдо занжиридир. Бу маҳсулот етиштирувчи ёки ишлаб чиқарувчидан бошланиб, истеъмолчи билан тугайди. Бу жараёнда турли ресурслар зарур. Ресурслардан бири Delphi каби консалтинг хизматидир. Яна бир ресурс – банк хизматлари. Ҳеч қаердан қарз олмасангиз, ҳеч иш қилолмайсиз. Мана шу вазифани Нидерландияда Rabobank қишлоқ хўжалиги банки ва Delphi каби қишлоқ хўжалиги хизмати бажаради. Бундай компаниялар кўп, лекин Delphi улардан энг йириги. Delphi, Rabobank хизматлари ёрдамида фермер ёки етиштирувчи ресурс, пестицид, уруғ, ўсимлик, техника сотиб олиш имконига эга бўлади ва яхши натижага эриша олади.

– Ҳукумат ва илмий тадқиқот институтлари билан ҳамкорлик қиладиган бизнес



уюшмалар ҳақида гапириб берсангиз. Улардан ким ва қандай шартлар асосида ёрдам олишимиз мумкин?

– Қишлоқ хўжалигидаги ҳар бир секторнинг, жумладан, сут маҳсулотлари, мева-сабзавотчилик, гўшт етиштириш ёки декоратив ўсимликлар тармоғининг ўз журнали бор. Ҳар бир секторнинг ассоциацияси ва ахборот хизмати мавжуд.

Масалан, мева етиштириш бўйича ҳафталик журналимиз бор. Унда илмий тадқиқот институтлари, Rabobank, Delphi мутахассислари билан суҳбатлар бериб борилади. Шунингдек, маҳсулот етиштирувчилардан ҳам интервьюлар оламиз, қишлоқ хўжалигида қўлланаётган энг сўнгги усуллар ҳақида суҳбатлашамиз. Масалан, битта мақолада кимёвий воситаларни пуркаш, дронлардан фойдаланган ҳолда баъзи касалликларни аниқлаш ва онлайн режимда пуркагичларни қўллаш ҳақида сўз боради. Барча усуллар ва инновациялар ҳақидаги маълумот оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилинади.

– Деҳқонлар учун бирор экиннинг 2 ёки 3 навини етиштириш муаммо бўлиши мумкин. Бу ихтисослашув деганидир. Нидерландиялик миришкорлар учун бу муаммоми ёки улар бир вақтнинг ўзида кўплаб навларни етиштириш оладими?

– Ҳатто деҳқон хўжаликлари учун энг яхши нав қайси эканини аниқлагандан сўнг ҳам улардан фойдаланиш муҳим масала ҳисобланади. Билишимча, мамлакатингизда деҳқонлардан маҳсулот тўплаш ва бозорга чиқариш билан шуғулланадиган ташкилотчилар бор. Бу ерда ҳукумат воситачилар жуда муҳимлигини тан олиб, аралашishi мумкин. Лекин улар икки тарафлама ишлаши керак. Нафақат маҳсулот сотиб олиши, балки деҳқон хўжаликларига энг янги маҳсулотларни олиб келиши ҳам керак. Алмашинув бўлиши керак. Агар шу йўналишда борилса, нафақат корхоналар, йирик фермер хўжаликлари,

тадбиркорлар, балки мамлакатингизда миллиондан ортиқ деҳқон хўжаликларининг ҳам келажаги бўлади. Биз нафақат профессионал, кўп миқдорда маҳсулот етиштирувчилар, балки деҳқон хўжаликлари билан ишлаш учун ҳам воситачи тадбиркорларни қидирамиз.

– Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун малакали агрономлар етишмовчилиги кузатиляпти. Бу борада Нидерландияда вазият қандай? У ерда бундай муаммо борми ва муаммога қандай ечим топилган?

– Нидерландияда шунга ўхшаш муаммо бор. Чунки кўплаб ёшлар 24/7 режимида вақтини далада ўтказишни хоҳламайди. Бошқа томондан, Нидерландияда фаолият олиб бориш учун камида юз гектар ер керак. Кичик фермерлар фаолиятини давом эттира олмайди. Нидерландияда ҳар бир сектор учун қишки мактаблар фаолият юритади. Энг сўнгги техникани қўллаш учун маҳорат дарслари ўтказилади. Биз 12 та компания билан биргаликда Ўзбекистонда 3 йил давомида давлат ва хусусий бизнес соҳасида лойиҳани амалга оширишни режалаштиряпмиз. Нидерландия ҳукумати бизни қўллаб-қувватляпти ва бу соҳада Ўзбекистонга ўзгача таълим модулини тақдим этапти.

– Нидерландия буюк денгизчилар мамлакати сифатида танилган. Шунингдек, сугориш тизимларини бошқариш бўйича сизларда узоқ йиллик тажриба мавжудлиги аниқ. Нидерландиялик мутахассислар Ўзбекистонга ирригация соҳасида қандай технология ёки билимларни таклиф қилиши мумкин? Мамлакатимиз ирригацияни ривожлантириш соҳасида Нидерландия билан ҳамкорлик қила оладими?

– Нидерландияда технология ва сувни бошқариш бўйича бой тажриба мавжуд. Бизда ҳам сув билан боғлиқ муаммолар етарли. Мамлакат ҳудудининг 50 фоизи денгиз сатҳидан пастда жойлашган. Шунинг учун биз ҳар доим мувозанатни тутиб туришимиз керак. Мамлакатингиздаги сув танқислигига келсак, буни пахта далалари учун иккита энг катта дарёдан жуда кўп сув истеъмол қилингани билан изоҳлайман.

Нидерландияда сув идораларини яратиш орқали сув муаммоси ҳал бўлди. Бундай идора Ўзбекистонда ҳам бор. Унга кўпроқ ваколат бериш лозим.

Нидерландияда сув идораси сувга солиқ солишга рухсат берилган ягона органдир. Сув солиғи унча катта эмас. Ҳамма ўзи истеъмол қилган сув учун пул тўлайди. Аммо олинadиган солиқ фақат сув инфратузилмаси учун сарфланади, ҳукумат бюджетига тушмайди.

Эксклюзив интервью

Бу маблағ сув идорасининг ихтиёрида қолади. У сув инфратузилмасини ташкил этиш, тўғон, канализация тизими, суғориш каналлари ва бошқа иншоотларни қуришга йўналтирилади.

Нидерландия сув солиғи мавжуд бўлган дунёдаги ягона мамлакат ҳисобланса керак. Бошқа мамлакатларда ҳам сув инфратузилмаси учун солиқ бўлиши мумкин, лекин пул соғлиқни сақлаш, йўл қурилиши ва ҳоказога сарф этилади. Бундан ташқари, биз аллақачон ёмғирлатиб ёки томчилатиб суғориш усулидан фойдаланиб келамиз. Иккала технология таққосланса, пахта даласида сув самарадорлиги 10 фоиздан ошмаслиги мумкин, томчилатиб суғоришда эса 90 фоизни ташкил қилади. Бу ушбу сув миқдоридан тўққиз баравар кўпроқ ер майдонини суғориш учун фойдаланиш мумкинлигини англатади.

– Қишлоқ хўжалигида, мева-сабзавотчиликда, иссиқхоналарда одатда газдан фойдаланилади, бу эса атроф-муҳитга зарар. Нидерландия бу муаммони қандай ҳал қилган? Интенсив технологиялар, масалан, газда ишлайдиган иссиқхоналардан фойдаланганда атроф-муҳит қандай ҳимоя қилинади?

– Бизда барча турдаги янги технологиялар мавжуд. Энергия нархи ошиб бормоқда. Ҳозирги кунда Нидерландия бир қатор муқобил энергия манбаларидан фойдаланаётганини кўришингиз мумкин. Бу гидроэнергетика, атом энергияси, томларни қуёш панели билан қоплаш орқали қуёш энергиясидан фойдаланиш ва бошқалар бўлиши мумкин. Бизда боғларнинг синов майдонларида шаффоф қуёш панеллари ўрнатилган. Улар қисман олма, нокни кучли ёғингарчиликдан ҳимоя қилиш учун том вазифасини бажаради, лекин айна пайтда энергия жамламоқда. Бу икки томонлама жараён.

– Мамлакатимизда газ қазиб олинади. Шу боис жуда қиммат эмас. Ўзбекистонлик мева-сабзавот етиштирувчилар, иссиқхона эгалари гидроэнергетика ёки қуёш энергияси каби муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқми?

– Келажакка назар ташлайдиган бўлсак, ҳозирча янги энергия усулларига ўтиш йўлида газдан фойдаланиш яхши деб ўйлайман. Қуёш энергиясидан фойдаланиш мумкинми ёки йўқлигини таҳлил қилиб кўриш керак. Бу соҳада ривожланган мамлакатлар тажрибасига эътибор қаратиш керак. Масалан биз мавсумдан ташқари газ арзон бўлган пайтда қишда помидор етиштирганмиз. Энди ёз ёки қишда помидор етиштириш учун иқлими қулай мамлакатни танлашимиз зарур. Ёки уни бошқа йўл билан етиштириш тўғрисида қарор қабул қилишимиз лозим. Ўзбекистон қишда сифатли маҳсулотларга муҳтож бўлган мамла-

катларга экспорт қилиш учун нисбатан арзон энергияга эга.

– Нидерландия компаниялари уруғ, технологиялар билан мева-сабзавотчилик маҳсулотларини етиштириб, бошқа мамлакатларга экспорт қилиш учун Ўзбекистон бозорига чиқиши мумкинми?

– Ўзбекистон Марказий Осиёда ўзига хос мавқега эга, аҳолиси 36 миллиондан ортиқ бўлган, қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакат. Фикримча, Ўзбекистон қўшни давлатларга катта миқдорда мева-сабзавот етказиб беришингиз мумкин. Бунинг учун барча имконият мавжуд.

Ишончим комилки, ташқаридан кўп-лаб компаниялар мамлакатингизда фаолият бошлашдан манфаатдор. Агар Ўзбекистон сифатли мева-сабзавот етиштири олишини исботласа ва экспорт талабларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқарса, шунингдек, фермер хўжаликларида Global GAP ва шунга ўхшаш сертификатлар бўлса, жаҳон бозори мамлакатингиз кўчатзорларида етиштирилган маҳсулотларни сотиб олишга тайёр.

– Сизнингча, нидерландияликлар ўзбек мева-сабзавотини яхши кўрадилми? Умуман мамлакатингиз бозорига Ўзбекистонда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотлари учун жой борми? Маҳсулотларимизни Нидерландияга экспорт қила оламизми?

– Мен яқинда мамлакатингиз элчиси билан Ўзбекистоннинг Брюсселдаги элчихонасида учрашдим. Бу Европанинг қоқ маркази ҳисобланади. Учрашув давомида мен шу каби масалаларга эътибор қаратдим. Ўзбекистон элчихонаси очик эшиклар кунини ташкил этиши, бу ердаги фермерлар янги маҳсулотларини сертификатлаштириши ва Ўзбекистон ҳаво йўллари компанияси мамлакатингизда етиштирилган маҳсулотларни Брюсселга етказиб бериши орқали Нидерландия бозорига чиқишда муҳим роль ўйнаш мумкин, деб ўйлайман.

– Мазмунли суҳбат учун ташаккур.

“Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак”
 лойиҳаси таржимони
Шухрат ЮНУСОВ суҳбатлашди.





РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТНИНГ ЎЗИГА ХОС ЮТУҚ ВА МУАММОЛАРИ

Худудидан 1500 км узунликдаги икки дарё – Маас ва Лис оқиб ўтувчи ҳамда уларнинг ярмида кемалар қатнайдиган, XX аср бошларида саноати ривожланган мамлакатга айланган Бельгия Қироллиги Ғарбий Европадаги Шимолий денгиз соҳилида жойлашган. Пойтахти Брюссель бўлган ушбу давлат дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар қаторига киради.

Саноатда маҳсулотнинг сифати юқорилиги жаҳон бозорида унинг рақобатбардошлигини таъминлайди. Мазкур давлат саноатида янги технологияларни жорий этиш, экспортни ривожлантириш, кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлашга катта аҳамият қаратилган. Бундан ташқари, хорижий сармояни жалб этишга алоҳида эътибор берилади. Бу ерда озиқ-овқат саноати энг ривожланган тармоқлардан бири ҳисобланади.

Бельгия қишлоқ хўжалигида меҳнатга лаёқатли аҳолининг уч фоизи ишлайди. Ўрта ва кичик фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалигининг асосини ташкил этади. Ҳар бир фермер хўжалигининг ўртача ер майдони 15 гектарга етади.

Асосий қишлоқ хўжалиги эки-лари буғдой, арпа, турли мева-сабзавотлардан иборат. Маҳсулот турлари бўйича қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ички

эҳтиёжни 1,5-2 баробардан ортиқ таъминлайди. Этиштирилган картошка, қанд лавлаги каби сабзавотларнинг 80 фоизи четга экспорт қилинади. Экспортда ғалла, мева, пахта асосий ўрин тутаяди. Шунингдек, чорвачилик ва балиқ маҳсулотлари ҳам катта миқдорда экспорт қилинади.

Ер юзида энг кўп аҳолига эга давлатлар қаторидан жой олган ушбу мамлакатда озиқ-овқат таъминотини етарли даражада йўлга қўйиш борасида қишлоқ хўжалиги тармоғи муҳим ўрин тутаяди. Бельгия федерал ҳукумати ўн йиллар давомида қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлашда фаол иштирок этиб келмоқда. Ушбу соҳанинг салоҳиятини рўёбга чиқаришга ёрдам бериш учун ер, меҳнат ва солиқ ислоҳоти зарурлиги ҳақида кенг сиёсий ҳаракатлар мавжуд. Қўллаб-қувватловчи сиёсат туфайли сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кўрсаткичлар изчил яхшиланди.

Мамлакатда соҳанинг жадал ривожланишига қарамасдан айни вақтда бир қатор муаммолар ву-

жудга келмоқда. Жумладан, экин майдонларининг қисқариши, ўғитлар ва пестицидлардан интенсив фойдаланиш натижасида атроф-муҳитнинг бузилиши, озиқ-овқат хавфсизлиги муаммолари мавжуд.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг юқори харажати ва паст рентабеллиги Бельгия қишлоқ хўжалиги секторидаги асосий ички тўсиқлар ҳисобланади. Ушбу ҳолатлар фермерлар даромадининг ўсишини чекловчи ва қишлоқ хўжалигида ишчи кучининг қисқаришига олиб келадиган асосий сабабдир. Озиқ-овқат хавфсизлиги бельгиялик истеъмолчилар учун, айниқса, дон, гўшт, сабзавот ва денгиз маҳсулотлари каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун асосий муаммолардан.

Сўнги пайтдаги халқаро можаролар истеъмолчиларнинг озиқ-овқат хавфсизлигига ишончини анчамунча камайтирди. Бунга жавобан ҳукумат томонидан озиқ-овқат хавфсизлигини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар ва сифат назорати кучайтирилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига чекланган таклиф билан солиштириганда юқори талабнинг ортиб бориши охир-оқибат импорт ҳажмининг ошишига олиб келади. Баъзи асосий маҳсулот тоифалари, жумладан, соя ва сут маҳсулотлари йиллар давомида импортга қаттиқ боғлиқ эди. Секторнинг ўсишига тўсқинлик қилувчи бошқа омиллар қаторига маълумоти етарли даражада бўлмаган, қариётган ишчи кучи ва молиявий хизмат кўрсатиш тизимининг у қадар ривожланмагани ҳам киради.

Ҳукумат қатор кўп йиллик дастурларни қабул қилди. Мамлакатда урбанизация давом этаётганига қарамай, қишлоқ хўжалигининг аҳоли сони ўсишига мос равишда озиқ-овқат билан таъминлаши кутилаётганини ҳисобга олсак, ислоҳот анча чуқур бўлиши керак. Аксарият фермерлар кичик фермер хўжаликлари эгалари бўлиб, улар учун кредит олиш ва фоиз тўлаш қийин масала. Шу сабабли ҳосили кам йиллар ва қашшоқлик, шунингдек, деҳқончиликдан воз кечиш ҳолатлари мамлакат фермерлари орасида кенг тарқалган.

Бельгиядаги қишлоқ хўжалиги сектори қишлоқ жойлардаги уй хўжаликлари учун тирикчиликни таъминлайди. У ўрмон хўжалиги ва балиқчилик билан бирга Бельгия ялпи ички маҳсулотига ҳисса қўшувчи тармоқлардан биридир.

Экологик муаммолар туфайли ушбу секторда ҳам маҳсулот етиштириш даражаси пасайиб бормоқда. Жумладан, баҳор мавсумидаги ноқулай об-ҳаво шароити экинларнинг тўлиқ униб чиқишига катта тўсқинлик қилди.

Масалан, 66 гектар ер майдонига эга Жан Люк

Девез фермер хўжалигида донли экинлар ва қанд лавлаги етиштиради. Бельгиянинг Намюр шаҳрига яқин ҳудудда жойлашган фермер хўжалиги ерида кучли эсан шамол боис қурғоқчилик вужудга келди. “Бу нафақат менинг даламдаги ҳосилга, балки бошқа ер эгаларининг деҳқончилигига ҳам зарар етказди, дейди Жан Люк Девез.

Баҳор мавсумидаги ноқулай об-ҳаво шароити туфайли жорий йилда ўтган йилдагига нисбатан икки ҳисса кам ем-хашак тўплаган фермер Лорана Гомана эса қиш мавсуми учун озуқа захирасини жуда қиммат нарҳда сотиб олишдан хавотирда.

Бельгия қишлоқ хўжалиги соҳаси вакилларининг таъкидлашича, айни вақтда Украинада кечаётган уруш ҳам тармоқ учун қўшимча харажатларни вужудга келтиради. Жумладан, қурғоқчилик мавсумида қўл келувчи ўғит нархининг қимматлашуви, уруғ ҳамда бошқа керакли маҳсулотларнинг Украинадан келтирилиши камайиб кетгани соҳа учун катта қийинчилик ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам мамлакат соҳани ўғитлар харидини субсидиялаш ва кредитларни юмшатиш каби механизмлар орқали фаол қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бу ҳимоя фермерларга даромадини адолатли баҳолаш ва келгуси вегетация мавсумини шунга мувофиқ режалаштириш имконини беради. Бельгия федерал ва минтақавий ҳокимият органлари, давлат идоралари тармоғи турли дастурлар ва схемалар орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни ҳимоя қилишга, ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Мамлакатда соҳа самарадорлигини ҳамда ер унумдорлигини ошириш учун янги агротехнологияларни жорий этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлган икки асосий омил – тупроқ ва сув муаммосини ҳал этиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга ошириляпти.

Бир сўз билан айтганда, Бельгия давлатида ҳам бошқа кўплаб мамлакатлар қатори аҳолини хавфсиз озиқ-овқат билан таъминлаш борасида аграр соҳа улушини етарли даражада ошириш учун тинимсиз ҳаракат давом этмоқда.

МАНБА:
<https://ru.euronews.com>

Жамила ҲАЙДАРОВА,
 “Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик
 маркетинги бўйича техник кўмак”
 лойиҳаси журналисти



КАМ ЕРДАН КЎП ҲОСИЛ ОЛИШ САНЪАТИ

Европанинг шимоли-ғарбида жойлашган, 12 миллионга яқин аҳолиси бўлган Бельгия Қироллигининг умумий майдони 30528 км² ни ташкил этади. Қишлоқ хўжалигида жами ер майдонининг тўртдан бир қисмидан фойдаланилади. Асосий қишлоқ хўжалиги майдони мамлакатнинг марказий ва ғарбий қисмида жойлашган. Мамлакатнинг асосий ҳудудида мўътадил денгиз иқлими ҳукм суриб, йил давомида ёғингарчиликлар бўлиб туради. Йилнинг энг иссиқ палласи – июль ойида ўртача ҳаво ҳарорати 18°C, ёғингарчилик миқдори 65 мм, энг совуқ пайт – январь ойида ўртача ҳаво ҳарорати +3°C, ёғингарчилик миқдори 78 мм.ни ташкил этади.

Бельгия қишлоқ хўжалигига тегишли ернинг 65 фоизи ем-ҳашак экинлари ва яйлов учун, 15 фоизи ғалла ва қолган 20 фоизи сабзавот, мева ва техник экинлар етиштириш учун ишлатилади. Мамлакатда сабзавотнинг асосий турлари ва чорва маҳсулотлари аҳоли эҳтиёжи учун етарли миқдорда етиштирилади. Каттиқ буғдой, тропик мевалар импорт қилинади.

Қишлоқ хўжалигига тегишли ернинг техника билан таъминланиши юқори даражада бўлиб, ҳар 8 гектарга биттадан трактор тўғри келади.

Мамлакатдаги ҳудудларнинг қишлоқ хўжалиги ўзига хос хусусиятга эга. Фландрия асосан чорвачиликка ихтисослашган бўлиб, бу ҳудудда зиғир, тамаки, цикорий, сабзавот, мева ҳамда гул етиштирилади. Арденнада чорвачилик ривожланган бўлса, Эно ва Брабант ҳудудида буғдой ва қанд лавлаги етиштирилади. Катта шаҳарлар атрофида сабзавотчилик ва боғдорчилик ривожланган.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) расмий сайтидан олинган маълумотларга кўра, 2020 йилда Бельгияда қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириладиган асосий ер майдони 600 минг гектарга яқин бўлиб, экинлар гуруҳида майдонининг катталиги бўйича донли экинлар (304,3 минг гектарга экилган (52,78 фоиз) биринчи ўринда (1-жадвал). Кейинги ўринларда картошка (97,3 минг га), техник экинлар (57,1 минг га) ва сабзавот экинлари (55,8 минг га) туради. Мевали, резавор, дуккакли экинлар ва узум умумий майдоннинг кам қисмини эгаллайди.

Асосий экин турлари майдони йиллар давомида мамлакат эҳтиёжи, экинларнинг даромадлигига қараб ўзгариб борган. Кейинги 20 йилни таҳлил қиладиган бўлсак, 2000 йилга нисбатан 2020 йилда асосий экин турларининг умумий майдони 16750 гектар (2,8 фоиз)га камайганини кўришимиз мумкин (2-жадвал). Узум, картошка, дуккакли экинлар, резавор ва сабзавот экинлари майдони кенгайган бўлса, мойли ва

1-жадвал. Бельгияда асосий экин гуруҳларининг майдони/га (ФАО, 2020 йил)

Т/р	Экинлар гуруҳи номи	Майдони, га	Умумий майдонга нисбати, %
1.	Донли	304 340	52,78
2.	Картошка	97 340	16,88
3.	Техник	57 090	9,9
4.	Сабзавот	55 870	9,69
5.	Мойли	26 780	4,64
6.	Мевали	17 390	3,02
7.	Дуккакли	15 290	2,65
8.	Резавор	2 050	0,36
9.	Узум	490	0,08
	Жами:	576 650	



2-жадвал. Асосий қишлоқ хўжалиги экин майдонининг йиллар давомида ўзгариши (ФАО, 2020 йил)

Т/р	Экин гуруҳлари номи	2000 йилга нисбати		
		2020 й., +/-, гектар	2010 й., физ. фоиз	2020 й., физ. фоиз
1.	Узум	425	40,0	753,8
2.	Картошка	31 540	124,3	147,9
3.	Дуккакли	4 790	95,1	145,6
4.	Резавор	536	118,7	135,4
5.	Сабзавот	9 807	114,8	121,3
6.	Мевали	970	111,1	105,9
7.	Донли	-8 960	103,8	97,1
8.	Мойли	-5281	113,2	83,5
9.	Техник	-50 577	62,9	53,0
	Жами:	-16 750	100,1	97,2

3-жадвал. Энг кўп етиштириладиган экинлар, 2020 йил

Т/р	Экин номи	Майдони, га	Ҳосилдорлиги, т/га	Жами ҳосил, т
1.	Қанд лавлаги	56750	84	4783970
2.	Картошка	97340	40	3928910
3.	Буғдой	194660	9	1741480
4.	Маккажўхори	51880	8	421010
5.	Нок	10660	37	392590
6.	Арпа	43970	7	329470
7.	Помидор	620	502	311500
8.	Сабзи ва шолғом	5080	51	258600
9.	Пиёз	4830	37	176500
10.	Олма	5480	31	168030
11.	Порей пиёзи	3960	37	147100
12.	Карам	4500	32	145200
13.	Гулқарам ва брокколи	6030	22	131900

техник экинлар майдони кескин қисқарган. Аҳамият берадиган бўлса, техник экинлар майдонида доимий камайиш кузатилган. Дуккакли экинлар майдони 2010-йилларда камайган бўлса, 2020 йилда эса, аксинча, кенгайган. Донли ва мойли экинлар майдони эса 2010 йилда кенгайган ва 2020 йилга келиб қисқарган.

Етиштирилган ҳосил миқдори бўйича Бельгияда биринчи ўринда қанд лавлаги туради (3-жадвал). Йилига ўртача 56750 гектар майдондан 4,78 миллион тонна қанд лавлаги ҳосили йиғиб олинади. Кейинги ўринларни картошка (3,92 миллион тонна) ва буғдой (1,74 миллион тонна) эгаллайди.

Бельгияда замонавий агротехнологияларни қўллаган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олишга эришилмоқда. Мисол учун, қанд лавлагининг гектаридан мамлакат бўйича ўртача 84 тонна, картошқадан 40 тонна, буғдойдан 9 тонна, нокдан 37 тоннадан ҳосил олинмоқда. Деярли барча экинларнинг ҳосилдорлиги юқори бўлиб, республикамиздагидан 1,5-2 баробар юқори натижага эришилмоқда.

МАНБА:

1. Jan Buisman, Duizend jaar weer, wind en water in de Lage Landen, 6 dln., 1995—2015.
2. <http://www.agrien.ru/>.
3. <https://www.fao.org/home/ru/>

Ҳамидулло ҲАСАНОВ,
 “Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак” лойиҳасининг маҳаллий эксперти



НИДЕРЛАНДИЯДА ЎСИМЛИКЛАР ҲИМОЯСИ ВА КАРАНТИН ТИЗИМИ

Нидерландияда ўсимликларни ҳимоя қилиш ва карантин тизими Европада умумқабул қилинган қонун-қоидалар асосида бошқарилади. Жараёни Европада ўсимликларни ҳимоя қилиш ташкилоти (EPPO) мувофиқлаштиради.

EPPO - Европа-Ўрта ер денгизи минтақасида ўсимликлар саломатлиги соҳасида ҳамкорлик қилиш учун масъул ҳукуматлараро ташкилотдир. 1951 йилда Европанинг 15 давлати томонидан ташкил этилган ушбу ташкилотга ҳозир 52 мамлакат аъзо. Ташкилотнинг мақсади қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ва атроф-муҳит учун хавф туғдирувчи зараркундаларнинг кириб келиши ҳамда тарқалишига қарши халқаро стратегияларни ишлаб чиқиш, зараркундаларга қарши курашнинг хавфсиз ва самарали усуллари тарғиб қилиш орқали ўсимликларни ҳимоя қилишдан иборат.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича халқаро конвенция (IPPC) шартларига кўра, EPPO ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича минтақавий ташкилотдир. Шунинг учун ҳам у ўсимликлар саломатлиги бўйича глобал муҳокамаларда қатнашади. Яна ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ва ўсимликлар карантини соҳасида кўплаб стандартларни ишлаб чиққан стандарт тузувчи ташкилот ҳамдир. Ушбу стандартлар ташкилотга аъзо мамлакатларнинг ўсимликларни ҳимоя қилиш миллий ташкилотларига йўналтирилган тавсиялардан иборат.

Ниҳоят EPPO ўсимлик зараркундалари бўйича ахборот хизматлари ва маълумотлар базаларини юритиш ҳамда кўплаб конференциялар ва семинарлар ташкил этиш орқали аъзолари ўртасида маълумот алмашинувига ёрдам беради. Ўзбекистон 1957 йилда собиқ иттифоқ таркибида, 2005 йилда эса мустақил давлат сифатида EPPO ташкилотига аъзо бўлди. Шу

Дунё аҳолиси ҳар йили 3 декабрда Жаҳон пестицидларга қарши кураш куни (Global No Pesticides Use Day)ни нишонлайди. Бу сана 1998 йилда Пестицидларни назорат қилиш тармоғи томонидан 1984 йил 3 декабрда Ҳиндистоннинг Бхопали шаҳридаги пестицид заводида содир бўлган экологик офатни хотирлаш учун тақвимга киритилган. Жаҳон пестицидлар кунини ўтказишдан мақсад ушбу хавfli кимёвий моддаларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш натижасида юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишга жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратишдир. Пестицидлар синтетик кимёвий моддалар бўлиб, XX асрнинг иккинчи ярмида кўплаб мамлакатларда ҳосилдорликни ошириш учун кенг қўлланиши натижасида сув, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот олами ҳамда инсониятга катта зарар етказиши аниқланди. 1960-йилларда МДХ давлатларида аҳоли жон бошига йилига пестицидлар миқдори бир килограммга етмаган бўлса, 1980-йилларнинг охирига келиб бу кўрсаткич уч баравар кўпайган. Пестицидларнинг тупроқ ва сувда сақланувчанлиги жуда юқори ва тарқалиши тез. Шу туфайли ҳатто Антарктида пингвинлари организмидан ҳам пестицид қолдиғи топилган.

Нидерландиянинг Ўзбекистон фитосанитария талабларига мувофиқ бўлган ҳудудлари ва у ерлардан импорт қилинадиган маҳсулотлар рўйхати		
Экиш материалларини етиштирувчи питомник номи(манзил, контактлар)	Экспортчи номи (манзил, контактлар)	Маҳсулот номи
Bejo Zaden.B.V Trambaan 1. 1749 CZ Warmenhuizen	Bejo Zaden.B.V Trambaan 1. 1749 CZ Warmenhuizen	Карам, лавлаги, пиёз, редиска, сабзи, бодринг, помидор, гулкарам, кизил карам уруғлари
Monsanto, Holland B.V Westeinde 166 1601, BN Enkhuizen	Monsanto, Holland B.V Westeinde 166 1601, BN Enkhuizen	Турли сабзавот уруғлари
Nunhems Netherlands B.V.Napoleonsveg 152. 6083 AB Nunhem	Nunhems Netherlands B.V.Napoleonsveg 152. 6083 AB Nunhem	Турли тарвуз уруғлари
Enze zaden Export B.V. Hallng 1/E 1602DB Enkhuizen	Enze zaden Export B.V. Hallng 1/E 1602DB Enkhuizen	Турли сабзавот уруғлари
“Takii Europe B.V” Hoofdveg 19 1424PC De Kwakel	“Takii Europe B.V” Hoofdveg 19 1424PC De Kwakel	Турли сабзавот уруғлари
“C.Meijer B.V.”Bathseweg 45 4411 RK Rilland	“C.Meijer B.V.” Bathseweg 45 4411 RK Rilland	Помидор уруғлари
Нидерландиянинг Ўзбекистон фитосанитария талабларига мувофиқ бўлмаган ҳудудлари ва у ерлардан импорт қилишга тақиқланган маҳсулотлар рўйхати		
“HZPC” Edisonweg 5 8501 XG Joure Tel +31 (0)513 48 98 88 info@hzpc.com https://www.hzpc.com/	“HZPC” Edisonweg 5 8501 XG Joure Tel +31 (0)513 48 98 88 info@hzpc.com https://www.hzpc.com/	Манзарали, мевали дарахт ва қулупнай кўчатлари



сабабли Нидерландия ҳам Европанинг бошқа давлатлари сингари Ўзбекистон билан ўсимликлар ҳимояси ва карантини соҳасида бир қанча келишувларга эришган. Жумладан, фитосанитария талабларига мувофиқ бўлган ва бўлмаган ҳудудлар

рўйхатлари шакллантирилиб бу талаблар икки томон учун ўсимликлар ҳимояси ва карантини соҳасида қўлланилмоқда. Яна бир муҳим келишув Нидерландияга Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг фитосанитар сертификати асосан барча турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш мумкинлигидир.

МАНБА:
www.karantin.uz
<https://www.eppo.int/>

Норжигит НИШОНОВ,
“Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак” лойиҳасининг ҳудудий иқтисодчиси



ХИТОЙ БАРГЛИ КАРАМИНИНГ АГРОБИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Сабзавот экинлари турли хил витамин, минерал, фермент, энгил ҳазм бўлувчи оксил, углевод ва шифобахш мойларга (уруғи) бойлиги туфайли кундалик истеъмол маҳсулотларининг 80-85 фоизини ташкил қилади. Шу боис дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда сабзавот маҳсулотлари асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда нафақат сабзавот маҳсулотларининг миқдорини ошириш, балки ноёб таркибга эга экин турларини аниқлаш ва уларни кундалик овқатланиш рационига киритиш ҳам назарда тутилади. "Сабзавотлар – миллат саломатлиги" назарияси эса айнан ушбу заруратни илмий асослаб беради.

Ер шарида кечаётган экологик фалокатларга қарамай, сабзавот маҳсулотларини етиштириш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, 2008 йилда Хитой, Ҳиндистон, АҚШ, Туркия, Эрон, Миср, Россия, Вьетнам, Мексика, Италия ва бошқа давлатларда жами 900 миллион тонна сабзавот етиштирилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2016 йилга келиб, 1150 миллион тоннага етган. Шунга қарамай, 2021 йилда Ер шарида 2 миллиарддан ортиқ аҳоли очарчиликдан азият чекиб, тўйиб овқатланиш имкониятидан маҳрум бўлган.



Хитой карами нав ва дурагайларининг агробиологик кўрсаткичлари (очиқ майдон, 2015–2022 йиллар)

Нав ва намуналар номи	Уруғ униб чиқишидан ўсимлик техник етилгунича, кун	Битта ўсимлик даги барглари сони, дона	Ўсимлик баландлиги, см	Битта ўсимликнинг ўртача вазни, г	Ҳосилдорлик, кг/м ²
Шарқ гўзали	45-50	7	30	170	3,4
Веснянка	32-35	8	21	150	3,0
K-V I047250	45-47	9	26	210	4,2
Витавир	40-45	10	33	195	3,9
Голуба	45-47	9	34	180	3,6
Королла	50-52	9	35	205	4,1
Холодок F ₁	54-55	10	28	215	4,3
Краса Востока	43-49	9	34	180	3,6

1-жадвал

Бу эса озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришни муттасил ошириб бориш ҳозирги куннинг энг долзарб вазибаларидан бири эканини тасдиқлайди.

Ҳар бир давлатнинг жойлашган ўрни, экологик иқлим шароити, халқларнинг менталитетидан келиб чиққан ҳолда сабзавот экинларининг у ёки бу тури етиштирилади. Бироқ сўнгги 10-15 йилда барча давлатларда, жумладан, республикаимизда ҳам сабзавот экинлари ассортиментини кенгайтириш шиддатли тус олмоқда. Агар ўтган асрнинг сўнгги ўн йилликларида республикаимизда сабзавот экинларининг 15-16 та экин тури ва 50-55 та нави районлаштирилган бўлса, 2022 йилдаги давлат реестрига мос равишда 44 та экин турининг 1174 та нави киритилган.

Мамлакатимизда 35 йил аввал аҳоли томонидан фақат оқ бошли карам етиштирилган бўлса, бугунги кунда карамнинг ўнга яқин тури, жумладан, Пекин карами, гулкарам, қизил бошли карам, брокколи карами, брүссель карами, колраби карами ва Хитой баргли карами етиштирилмоқда. Ушбу карам турлари таркиби, шифобахшлик ва биологик хусусиятлари ҳамда етиштириш технологияси билан бир-биридан фарқ қилади.

Тадқиқотларимиз Хитой карамининг Веснянка, Витавир, Голуба, Королла, Алёнушка, Ласточка ва Дунё навлари сабзавотчилик марказининг Vi047250 (Accession № B01105) намуналарининг қимматли хўжалик белгиларини ўрганишга қаратилган бўлиб, уларнинг ботаник таърифи, морфологик белгилари, биологик хусусиятлари ва навларининг асосий



белгилари бўйича тадқиқот натижалари билан таништириб ўтамыз.

Хитой баргли карамининг ботаник таърифи, морфологик белгилари ва биологик хусусиятлари. Инсонлар 5000 йилдирки карамдан озиқ-овқат маҳсулоти сифатида фойдаланиб келади. Унинг барча тури Brassicaceae оиласининг Brassica туркумига киради. Т.Лизгунованинг (1984) классификацияси бўйича карамнинг барча маданийлаштирилган тури битта мураккаб Brassica oleracea L. турига бирлаштирилади. Ушбу турнинг келиб чиқиш маркази эса Ўрта ер денгизи мамлакатларига бориб тақалади.

Хитой баргли карами совуққа бардошли, намсе-



вар ўсимлик. Етти йиллик тадқиқотларимиз асосида илк бор республикаимиз иқлим шароитида Хитой баргли карамининг 10 хил нави намуналарига оид агробиологик хусусиятлар ўрганилиб, маҳаллий шароитга мос намуналар танлаб олинди (1-жадвал).

Хитой карами намуналарининг қимматли хўжалик белгиларини ўрганишда андоза сифатида мамлакатимизда районлаштирилган ва давлат реестрига киритилган Шарқ гўзали навидан фойдаланилди. Ушбу навнинг ўсув даври очиқ далада 45-50 кунни ташкил этиб, ўртача ҳосилдорлиги 3,4 кг/м² ни ташкил этди.

Ўрганилган намуналардан эртапишарлик белгиси бўйича Веснянка (32-35 кун), Витавир (40-45 кун), К-V I047250 (45-47 кун), Голуба (45-47 кун) ва Краса Востока (48-49 кун) нав ва дурагайлари андоза Шарқ гўзали навига нисбатан 3-10 кун олдин пишиб етилди.

Бир ўсимликнинг баргланиш даражаси бўйича ўрганилганда Шарқ гўзали навида барглар сони ўртача 7 донани ташкил этиб, тадқиқотдаги нав ва дурагайларда 8 тадан 10 тагача экани, жумладан, Веснянка навида 8 та, Голуба, К-V I047250, Королла ва Краса Востокада 9 тадан, Витавир ва Холодок F1 да эса 10 донадан экани маълум бўлди.

Ҳосилдорлик белгиси бўйича ўртача етти йилда олинган маълумотлар таҳлил этилганда К-V I047250 (4,2 кг/м²), Королла (4,1 кг/м²) нави ва Холодок F1 дурагайи (4,3 кг/м²) андоза Шарқ гўзали навига нисбатан 0,61-0,90 кг/м² юқори ҳосил бергани аниқланди.

Тажриба даласида етиштирилган ҳосил ўсув даври давомида икки марта йиғиб олинди. Биринчи марта ўсимликнинг баландлигига асосланиб, иккинчи

марта эса орадан 2-5 кун ўтказиб йиғиб олинди. Ўсимликларнинг ёппасига бир вақтда йиғиб олишга тайёр бўлиши Холодок F1 дурагайида юқори даражада бўлиб, бошқа нав ва намуналарга нисбатан 92-93 фоизни ташкил этди.

Олинган натижалар асосида республикаимизда сабзавот экинлари асортиментини кенгайтириш, юқори сифатли, витаминга бой маҳсулотлар билан ички бозорни тўлдириш ва экспортга йўналтириш орқали қўшимча қиймат занжири асосида деҳқон, фермер хўжаликлари даромадини оширадиган Хитой баргли карамининг янги навларини яратиш учун истиқболли бирламчи манбалар ажратиб олинди.

Ўрганилган нав ва дурагайлар ичида ўзининг қимматли хўжалик белгилари бўйича ажратиб олинган К-V I047250 (Тайвань) намунаси селекция жараёнига жалб этилди ва унинг асосида янги навлар яратиш бўйича тадқиқотлар давом этмоқда.

МАНБА:

М.Э. Ааманова, ТошДАУ профессори, қ.х.ф.д.

А.С. Рустамов, қ/х.ф.н. Ўзбекистон мева ва сабзавотчилик соҳаси маркетинги учун техник кўмак лойиҳаси иқтисодчи эксперти.

Х.Х. Худоёрова, ТошДАУ таянч докторанти

Абдумалик РУСТАМОВ,

“Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак” лойиҳаси иқтисодчиси



Азиз ватандошлар! “Annexure Financial Solutions” компанияси Сизни ва яқинларингизни кириб келаётган 2023 йил билан чин дилдан қутлайди. Келаётган йилда омад, барака, сиҳат-саломатлик, яхшилик ва хурсандчилик ҳамроҳ бўлсин. Шарафли ва масъулиятли ишларингизда улкан зафарлар ёр бўлишини тилаймиз!

ҲАМКОРЛАРНИНГ ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ



Нидерландия қироллигининг Ўзбекистондаги фахрий консуллиги:

–“ShirinMeva” журнаliga ҳамкорлик ва shirinmeva.uz Youtube каналда Нидерландиядаги мева-сабзавот бозори батафсил ёритилгани учун миннатдорлик билдирамыз! Бу каби маълумотлар қишлоқ хўжалигига қизиқувчи ўзбекистонликларга бозоримиздаги нарх-наво, талаб ва шароитлар билан яхшироқ танишиш имконини беради. Журнал билан янада самарали ҳамкорлик қилишга умид қиламыз. “ShirinMeva” ижодий жамоасига улкан муваффақият тилаймиз!



Азамат Гулямов, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази (ISKAD)нинг консултантлар билан ишлаш бўйича мутахассиси:

– ISKAD жамоаси “ShirinMeva” журнали жамоасини кириб келаётган янги – 2023 йил билан табриклайди. Йил давомида жонкуярлик билан қилган меҳнатингиз натижасини келгуси йилда кўринг. Марказимиз томонидан амалга оширилаётган “Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак” лойиҳаси жамоасига бажараётган ишида омад, улкан муваффақият тилаймиз. Ҳамиша қаламингиз ўткир бўлсин. Сермахсул ижодингиз асло сўнмасин. Халқ қорига ярашдек эзгу ишларингизда юксак парвоз тилаб қоламыз!





Бахтиёр Камалов, Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш маркази директори:

– Мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш лойиҳалари бўйича бевосита шуғулланиб, музокараларда иштирок этиб келганман. Жумладан, “Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак” лойиҳасини амалга ошириш концепциясида аҳолига тўлиқ етказиш, қилинаётган ишлар ҳисоботини бериш мақсадида халқаро консультантлар жалб этилди ва улар ёрдамида “ShirinMeva” платформаси яратилди. “ShirinMeva” журнали жамоасининг меҳнати ва кенг жамоатчиликка етказётган маълумотлари учун алоҳида миннатдорлик билдираман. Шахсан ўзим “ShirinMeva” журналида ёритилаётган барча материаллар билан доимий равишда танишиб бораман. Журналда берилаётган оператив маълумотларни кузатаман. Фаолиятингиз асосида кучли ижодий жамоанинг катта меҳнати ётибди. Ушбу лойиҳада амалга оширилаётган ишларни тўлиқ қўллаб-қувватлайман ва келгусидаги ишларингизда улкан муваффақият тилайман. Жамоа аҳиллиги ва меҳнатингиз самараси яққол намоён бўлиб турибди. Нафақат шу лойиҳа билан боғлиқ бўлган инсонлар, балки бутун аҳолига бир-биридан қизиқарли, керакли ва тўлиқ маълумотлар етказиб туришингизда куч-қувват ҳамда туганмас соғлиқ тилаб қоламан!



Тўлқин Сатторов, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси ўринбосари:

– “ShirinMeva” журнали жамоаси томонидан Youtube, Telegram ижтимоий тармоқлари орқали ёритилаётган маълумотларни доимий тарзда кузатамиз ҳамда журналнинг ҳар бир сонини ўқиб борамиз. Халқимиз, деҳқон-фермерларимиз учун керакли бўлган янги-янги маълумотлар ўз вақтида бериб борилмоқда. Журналнинг ижодий гуруҳи ва соҳа экспертлари ҳам жуда яхши шаклланган. Ўз ишининг устаси бўлган профессионаллар тўпланган, десам муболаға қилмаган бўламан. Бунга журналда чоп этилаётган бир-биридан қизиқарли материаллар орқали ҳам гувоҳ бўлиш мумкин.



“ShirinMeva” журнали бутун Ўзбекистон бўйлаб бепул тарқатилади. Демак, барча вилоят ва туманлар аҳолиси журналдан баҳраманд бўла олади. Бу ҳам қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритувчиларга журнал тахририяти томонидан берилаётган яна бир имконият.

Журнал билан бундан кейин ҳам доимий ҳамкорлик қилишга тайёرمىз. Ўйлайманки, ушбу ҳамкорлик янада кўпроқ ижобий натижаларга эришишимизда ёрдам беради. “ShirinMeva” жамоасига кириб келаётган янги йилда омад ва зафарлар ёр бўлишини тилаб қоламан!



Мастура Сайфиддинова, Ўзбекистон Анорчилар ассоциацияси бошқаруви раиси:

– 2022 йилда “Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак” лойиҳаси кўмагида Ўзбекистон анорчилар ассоциациясини ташкил этдик. Айниқса, Ўзбекистонда биринчи анор фестивалини ташкил этишда лойиҳа раҳбарияти ва ходимларининг хизмати ҳамда ёрдами беқиёс бўлди. Жамоа таркибидаги етук билим ва бой тажрибага эга мутахассисларнинг тавсияларидан анор етиштирувчилар самарали фойдаланмоқда. Жумладан, экспертларнинг “ShirinMeva” журнали саҳифаларида ҳамда сайт ва ижтимоий тармоқларда мунтазам бериб борилаётган мақола ва тадқиқотлари ҳамда тавсиялари ассоциациямиз аъзоларининг фаолиятида жуда асқотмоқда. Лойиҳа билан келгусида ҳам мулоқот ва ҳамкорликни давом эттириш ниятидамиз. Лойиҳага бош қўшган барча инсонларни, шунингдек, “ShirinMeva” журнали жамоасини кириб келаётган 2023 йил билан мамлакатимиздаги барча анорчилар номидан чин қалбимдан муборакбод этаман. Келгуси ишларингизда ривож ва зафарлар тилайман. Келаётган йил барчамиз учун қутлуғ, баракали ва омадли бўлсин. Барча режаларингиз амалга ошиб, келгусида бундан-да улкан довларни забт этишингизга тилақдошман.



Азиз Набихонов, Агро TV таъсисчиси ва раҳбари:

– Телеканалимизнинг асосий фаолиятини бошлашимиз билан ҳамкорлигимиз йўлга қўйилди ва илк шериклигимизни “Annexure Financial Solutions” компанияси, яъни “ShirinMeva” журнали таъсисчилари билан бошладик. Улар билан узоқ муддатли стратегик меморандум имзоладик. Бу келишув қўшма медиамаҳсулотларни, шунингдек, аграр соҳага оид муаллифлик кўрсатувлари, дастурлар ва бошқа турдаги контент маҳсулотларни тайёрлашни ўз ичига олади. Журнал ҳақида гапирадиган бўлсам, нашр фаолиятини диққат билан кузатиб борамиз. Жуда ҳам қизиқарли, маълумотлар янги форматда берилди, ўқилиши осон.



Аҳамиятга лойиқ тарафи, журналнинг ҳар бир сони алоҳида бирор мамлакатнинг қишлоқ хўжалигига бағишланади. Ҳозир аграр соҳа деярли барчага қизиқ. Масалан, кимдир уйда кичкина тувакда лимон ўстирса ҳам бу соҳа ўша одамга қизиқ туюлади. Глобал миқёсда қарайдиган бўлсак, масалан, озиқ-овқат хавфсизлиги ва ресурслар билан таъминлаш биринчи галдаги масала. Уйлаймизки, “ShirinMeva” журнали билан ҳали узоқ вақт ҳамкорлик қиламиз ва қизиқарли қўшма лойиҳаларни биргаликда амалга оширамиз. “ShirinMeva” журнали ихлосмандлари ҳамда Агро TV телеканали томошабинларини кириб келаётган 2023 йил билан муборакбод этаман.

Дилбар Икромова, сариқ тарвуз етиштирувчи фермер:



– Оҳангарон туманида 86 гектар ерда оилавий фермер хўжалигимиз бор. Унда асосан ғалла, сабзавот, полиз экинлари етиштирамиз. Ёз ойларида “ShirinMeva” ижодкорлари келиб, фаолиятимизни ёритган эди. Айниқса, Youtube каналида чиққанимиздан кейин яна кўплаб журналистлар ишимизни ёритиш учун бизга қўнғироқ қилди. “ShirinMeva”да кўриб, фаолиятингиз билан қизиқиб қолдик, сариқ тарвуз етиштирар экансиз”, дейишди. Бундан жуда хурсанд бўлдим. Бу ҳам “ShirinMeva” ходимларининг маҳорати натижаси. Мана шундай ижоддан, ишга масъулият билан ёндашишдан асло чарчаманг! Янги йил барчамизга қутлуғ бўлсин!

Маҳмуд Иноятов, Ўзбекистон Ёш фермерлар кенгаши раиси:

– 2022 йилда фермер ва деҳқонларимизнинг астойдил меҳнати туфайли халқимиз дастурхони ноз-неъмат билан тўлди. Айниқса, бу борада ёшларимизнинг ўрни беқийёс бўлганини таъкидлаш жоиз. Сабаби, қишлоқ жойлардаги ёшларимиз Президентимиз ташаббуси билан 10 сотихдан 1 гектаргача бепул ер олиб, деҳқон хўжалиги ташкил қилиб, мулкдор бўлди. Соҳада ёшларнинг кўпайгани қувонарли ҳол, албатта. Қишлоқ хўжалиги соҳасида узоқни кўзлаган ҳолда амалга оширилаётган туб ислохотлар тизимда салмоқли натижаларга эришишда муҳим омил бўлмоқда. Бу ислохотлар натижаларини ёритишда эса “ShirinMeva” журнали билан ҳамкорлигимиз катта аҳамиятга эга. Ёш фермер ва деҳқонларимиз фаолиятини ёритиш ҳамда улар етиштирган маҳсулотларни дунёга танитишда журналда чоп этилаётган мақолалар ҳисса қўшмоқда. Ўзбекистон Ёш фермерлар кенгаши номидан барча юртдошларимизни, жумладан, лойиҳа ва таҳририят ходимларини кириб келаётган янги йил билан чин дилдан қутлаймиз. Барчамизга оилавий бахт, сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик ва фаровон ҳаёт ҳамроҳ бўлсин!



Гулшан Чалова, “International Expo Group” компанияси менежери:



– Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак лойиҳаси доирасида чоп этилаётган “ShirinMeva” журнали жорий йилнинг 23–25 ноябрь кунлари бўлиб ўтган “UzAgroExpo”, “UzProdExpo” ва “InterPackExpo” кўргазмаларининг расмий ҳамкори бўлди. Кўргазмада “ShirinMeva” журнали ушбу лойиҳа доирасида ташкил этилган Ўзбекистон Анорчилар ассоциацияси билан иштирок этди. Бу ҳақида

журналнинг 21-сонида хабар берилди. "International Expo Group" компанияси номидан кириб келаётган янги йил билан барча юртдошларимизни, "ShirinMeva" журнали жамоасини ва Ўзбекистон Анорчилар ассоциацияси раҳбариятини табриклаймиз. Янги йилда нимаики ният қилган бўлсангиз, барчаси ижобат бўлсин.



Лазизбек Саидорипов, Ўзбекистон Миллий метрология институти директори:

– "Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак" лойиҳаси доирасида чоп этилаётган "ShirinMeva" журнали билан 2022 йил давомида доимий ҳамкорлик қилдик. Журналда институтимиздаги мавжуд лабораториялардан аграр соҳага билвосита тааллуқли 24 тасининг фаолияти кенг ёритилди. "ShirinMeva" журналидаги чиқишлардан сўнг халқаро доирада ташкилотимизнинг танилиш кўлами янада кенгайди. Украина, Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия, Франция, Германия, Россия ва қўшни давлатлар – Туркменистон, Қирғизистон, Тожикистон, Қозоғистондан ҳамкорлик учун таклифлар сони ошди. "ShirinMeva" журналининг барча ходимларига миннатдорлик изҳор этамиз. Янги йилда ҳам лойиҳа билан яқин ҳамкорликни давом эттиришдан умидвормиз. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Миллий метрология институти жамоаси барча юртдошларимизни, хусусан, қишлоқ хўжалиги ходимларини кириб келаётган 2023 йил билан самимий муборакбод этади. Келгуси йилда ҳам аграр соҳа ходимларининг меҳнати унумли, ҳосили баракали, хирмони баланд бўлишини тилаймиз. Осмонимиз мусаффо бўлсин, тинчлик, хотиржамлик, файз-барака юртимизни асло тарк этмасин!



Моҳинур Дўстмуҳаммедова, "Дунё бўйлаб" телеканали катта муҳаррири:



– Жонажон юртимизда етиштирилган мевалар жаҳон бозорида ўз ўрни ва нуфузига эга, десак асло муболаға бўлмайди. Ўзбек мева-сабзавот маҳсулотларини дунёга танитишда "ShirinMeva" агробизнес журналининг саъй-ҳаракатлари таҳсинга сазовор. Нашр мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилиш, ташқи иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига оид турли қизиқарли мақолалари билан аграр соҳага қизиқувчи барчанинг сеvimли журналига айланиб улгурди.

"ShirinMeva" журнали кўмагида шу йилнинг 26–28 сентябрь кунлари Фарғона водийсида ОАВ ва тегишли ташкилот вакиллари учун ташкил этилган пресс-турда мен ҳам қатнашдим. Бу борада кенг қамровли ишлар қилинаётгани ва халқаро ҳамкорлик алоқалари яхши йўлга қўйилганининг гувоҳи бўлдим. Бундай ҳамкорлик бардавом бўлишига умид қиламан. Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни, жумладан, деҳқон-фермерлар, бизнес вакиллари ва "ShirinMeva" ижодкорларини кириб келаётган 2023 йил билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Шухрат Аҳмедов, Академик М.Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг бўлим мудири:

– "ShirinMeva" билан ишлаш тажрибаси шахсан мен ва институтимиз учун жуда қадрли. Журнал фаолиятимизга қатор янгиликлар олиб кирди. Биринчидан, хорижлик ҳамкорлар билан мулоқотга киришиш, улардаги технология ва янгиликларни олиш ҳамда Ўзбекистон шароитига мослаштириш, мамлакатимиздаги мева, хусусан, узумни хорижга экспорт қилиш имкониятини ўргандик. Бунинг натижасида Ўзбекистонда амалга ошириш керак бўлган ишларнинг режаси ишлаб чиқилди ва чора-тадбирлар хорижий экспертлар билан муҳокама қилинди. Шу билан бирга яқин 5 йил ичида экспортни ошириш учун нима ишлар қилиш кераклиги бўйича экспертлар томонидан ҳам, ўзимиз томондан ҳам биргаликда зарур тавсиялар ишлаб чиқилди. Иккинчидан, турли давлатлардан келган



мутахассислар билан биргаликда ажойиб муҳитда, қулай шароитда, ягона гуруҳ, жамоа бўлиб ишлаш завқ бағишлади. Чунки турли фикрлар, ўзгача ёндашув, муаммоларни синчковлик билан таҳлил қилиш одамнинг фикрлаш доирасини кенгайтиришга кўмаклашади. Шундай муҳитда ишлаш янги тавсияларни ишлаб чиқишда асос бўла олади деб ўйлайман. "ShirinMeva" таҳририяти ва ўқувчиларини кириб келаётган 2023 йил билан табриклайман! Барчанинг оиласига сиҳат-саломатлик, тинчлик, барқарорлик, ишларига омад тилайман.



Фарида Зоҳидова, "Mahalla" телеканали режиссёри:

– "Annexure Financial Solutions" компанияси ҳамда "ShirinMeva" журнали ходимлари иштирокида сентябрь ойида Фарғона водийсига уюштирилган пресс-турга таклиф этилди. Пресс-тур давомида Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларида сув тақчиллигини камайтириш учун сув тежовчи технологияларни жорий этиш ва сувни бошқаришда замонавий технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш борасида қилинаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Марказий Осиёда энг долзарб муаммо бўлган сувдан самарали, тежаб фойдаланиш масаласи Европа Иттифоқи ҳамжамияти эътиборида экани, маҳаллий мутахассислар билан бир қаторда хорижлик ҳамкасбларнинг ҳам ёрдамга бел боғлагани эътиборли ҳолат. Юртимиз равнақи йўлида амалга оширилаётган мана шундай лойиҳаларни кенг оммага етказиш биз, оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Янги йил барчамизга муборак бўлсин! Жумладан, қишлоқ хўжалигига оид барча керакли ва фойдали маълумотларни мунтазам бериб бораётган "ShirinMeva" журнали ходимларини ҳам табриклайман.

Улуғбек Каримов, Ўзбекистонда банан ва папая етиштирувчи боғбон:

– "ShirinMeva" журнали мухбирлари тайёрлаган интервьюмиз видеолавҳаси ижтимоий тармоқда оммага тақдим қилинган, менга мурожаат қилувчилар сони жуда ҳам кўпайиб кетди. Камтарона фаолиятимни "ShirinMeva" журнали ва журналнинг ижтимоий тармоқлардаги каналлари орқали ёритгани учун таҳририят ходимларига ташаккур билдираман. Халқимиз тинч, ҳаёти фаровон бўлсин. Янги йилда ҳаммамизга бахт ва омад ҳамроҳлик қилсин. Юртдошларимиз дастурхони обод ва тўкин бўлиши учун доим меҳнатга шаймиз.



Гулруҳой Ҳусанова, "Mahalla" телеканали муҳаррири:

– "ShirinMeva" ажойиб ва оммабоп журнал. Қишлоқ хўжалиги соҳасига оид янгиликларни оммага етказиб бераётган нашрнинг мухлислари зиёлилардир. Журнал кўмагида ОАВ вакиллари учун Фарғона водийсига ташкил этилган уч кунлик хизмат сафари давомида қишлоқ жойларда ўрнатилган қуёш панелларини кўриш билан бирга тоза ичимлик сув билан таъминланган ҳудудлар ҳақида ҳам билиб олдиқ. Шунингдек, томчилатиб суғориш тизими орқали барпо этилган ва ҳосилга кирган боғлар эътиборимизни тортди. Булар биз учун яна бир янгилик бўлди. "Mahalla" телеканали ижодкорлари номидан "ShirinMeva" журналининг кейинги фаолиятида омад тилаймиз. Янги йилда таҳририят ходимлари ва мухлисларига туганмас муваффақият ва зафарлар ҳамроҳ бўлсин. Оилангиздан тинчлик, хотиржамлик, барака аримасин!





Роман Саламатов, “REDPACK” МЧЖ директори:

– “ShirinMeva” журнали жамоасига аъло даражадаги фаолияти учун чуқур миннатдорлик билдирамиз! Журнал фойдали маълумотлар улашади, бу эса бизнесдаги энг муҳим омиллардан бири. Шу боис лойиҳа ходимларининг мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси беқиёс, десак муболаға бўлмайди. Журнал ходимларининг шижоати ва неқбинлиги янги марраларга эришишда кўмақдош бўлсин, тажриба ва сезгирлиги янги мақсадларга эришишда йўл очсин! Янги йил муносабати билан самимий табрикларимизни йўллаймиз! Умид қиламизки, келажакда ҳамкорлигимиз бундан-да самарали ва муваффақиятли бўлади.



Шаҳноза Арипова, Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти ноанъанавий экинлар селекцияси ва интродукцияси лабораторияси мудир, қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафадоктори:



– “ShirinMeva” агробизнес журнали сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликдаги янгиликларни, соҳадаги маркетинг таҳлилларини ёритиб бориш, бир парча ердан ҳам унумли фойдаланиш ҳамда даромад олиш бўйича илмий ва амалий тавсияларни тарғиб қилиб келади. Журнал жамоаси билан институтимиз олимлари мунтазам ҳамкорликда фаолият олиб боради. Олимларнинг сабзавот етиштириш бўйича муҳим тавсияларини халқимизга тақдим этишда ёрдам бераётган “ShirinMeva” журнали жамоасига миннатдорлигимизни билдираман. Янги йил муносабати билан барча юртдошларимизни, илм аҳлини ва “ShirinMeva” агробизнес журнали жамоасини муборакбод этаман. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, дастурхонимиз тўкин-сочин бўлсин.



Ружеро Малосси, “Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик технологиялари бўйича техник кўмак” лойиҳасининг теримдан кейинги тадбирлар бўйича халқаро эксперти (Италия):

– Янги йил “Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик технологиялари бўйича техник кўмак” ва “Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак” лойиҳалари доирасида нашр этиладиган умумий журналимиз учун ҳам байрамдир. Журнал жамоасининг тинимсиз саъй-ҳаракати туфайли мева-сабзавотчилик соҳасига оид янгиликлар, илмий мақолалар, таҳлилий қарашлар ва турли фойдали маълумотлар янги форматда ўқувчиларга етказилмоқда. Лойиҳа экспертлари ва журнал ижодий ходимларининг машаққатли меҳнати ҳамда ўз ишига меҳри “ShirinMeva” журналарининг бу қадар қизиқарли бўлишида яна бир асос вазифасини ўтамоқда. Келгусида бундан ҳам катта натижаларга эришишни тилаб қоламиз. Шу ўринда журнал жамоаси ва ўқувчиларини байрам билан самимий табриклайман, барчага сиҳат-саломатлик ва муваффақият тилайман.



Роберт Райзиг, KRONEN GmbH (Германия) компаниясининг МДХ бўйича тижорат бўлими бошлиғи:



– Қадрли ҳамкорларимиз – “Annexure Financial Solutions” компанияси ва “ShirinMeva” журнали ходимларини KRONEN GmbH (Германия) компанияси яқинлашиб келаётган Янги йил байрами билан самимий табриклайди. 2023 йилда барчамиз учун фаровонлик ва муваффақиятга эришишда янгидан-янги имкониятлар ва истиқбол эшиклари очилсин! Хонадонингизга бахт ва фаровонлик, ҳамкорлигимизда барқарорлик,

ишонч, ҳалоллик, ҳамжиҳатлик ва омад ҳукмрон бўлсин! Сизга, яқинларингизга ва жамоангиз аъзоларига мустаҳкам соғлиқ, тинчлик ва меҳр-оқибат тилаймиз! Сиз билан ҳамкорлигимизни юксак қадрлаймиз ва келажакда ҳам шериклигимизни давом эттириш ниятидамиз. Келгуси йилда ўрнатган алоқаларимиз янги чўққиларни забт этишига ишонч билдириб қоламиз!



Динеш Кумар Шрестҳа, “Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш, II босқич” лойиҳаси Б компоненти гуруҳ раҳбари (Непал):

– 2022 йилда “ShirinMeva” журналида лойиҳамиз тўғрисида бир қанча мақолалар чоп этилди. Журнал жамоасининг саъй-ҳаракатларини қадрлаймиз ва ташаккур айтамыз. “Annexure Financial Solutions” компаниясининг бир қисми бўлганимиз сабабли, компаниядаги ажойиб ҳамкорлик учун ҳам миннатдорлик билдирамыз.

Янги йилда компаниямиз янада кўпроқ ютуқларга эришишига тилақдошмыз. Фаолиятимиз кўплаб янги ғоялар ва улкан ютуқларга тўла бўлсин. Ҳар қандай қийинчиликни имкониятга, ҳар бир режани ҳақиқатга айлантирайлик, илҳомлантирувчи ижобий йил учун ҳаракат қилайлик. Ҳаммага янги йил муборак бўлсин!



Ёрқин Маликов, Ўзбекистон Экспортчилар уюшмасининг бошқарув раиси:



– Ўзбекистон Экспортчилар уюшмаси номидан 2023 йил билан барча экспортчи ҳамда ишлаб чиқарувчи корхоналарни табриклаймиз! “Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак” лойиҳасининг “ShirinMeva” журналига эса миннатдорлик билдирамыз! Дўстона муносабатларимиз бардавом ҳамда ҳамкорликдаги лойиҳаларимиз омадли бўлишига тилақдошмыз! Тадбиркорларга эса ишлаб чиқариши бардавом бўлиши ва юртимизнинг экспорт салоҳиятини кенгайтиришга ўз ҳиссасини қўшишини тилаймиз!



Ҳусан Тангриев, Давлат божхона қўмитаси ахборот хизмати раҳбари:

– “ShirinMeva” журнали таҳририяти ва барча журналхонларни кириб келаётган янги йил билан қизғин муборакбод этамыз. Журнал саҳифаларида Давлат божхона хизмати органларида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг самарадорлиги, айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, мева-сабзавотлар экспортидаги енгилликлар кенг ёритилганини олқишлаймиз. Ишонамизки, янги йилда ҳам Давлат божхона қўмитаси ва “ShirinMeva” журнали ўртасидаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилади. Келгуси йилда божхона тизимини рақамлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг божхона назорати ва расмийлаштирувидаги янгилликларни биринчилардан бўлиб, журнал саҳифаларида ёритишни режалаштирганмыз. Янги йилингиз муборак бўлсин!





Фахриддин Расулов, Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти илмий котиби, қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори:

– Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти жамоаси мева-сабзавотчилик тармоғини кенг ёритишга бағишланган “ShirinMeva” журналининг доимо мутолаа қилиб келмоқда. Ўтган қисқа вақт мобайнида журналда таҳририят, журналистлар ва соҳа мутахассислари томонидан кўплаб бир-биридан қизиқарли, оммабоп ва долзарб мавзуларда мақолалар чоп этилиши ўқувчилар томонидан юқори баҳоланишига сабаб бўлмоқда. Институтимиз ва “ShirinMeva” журналининг жамоаси ўртасида ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, илмий тадқиқот натижаларини кенг оммага ёритишда “ShirinMeva” журналининг ўрни беқиёс. Фурсатдан фойдаланиб, институтимиз жамоаси номидан барча юртдошларимизни кириб келаётган Янги йил байрами билан чин қалбдан табриклаймиз! Юртдошларимизнинг хонадонидан тинчлик, саломатлик, хотиржамлик ва меҳр-оқибат ҳукмрон бўлишини тилаб қоламиз!



Тўйчи Рўзибоев, “Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик технологиялари бўйича техник кўмак” лойиҳаси бош мутахассиси:

– 2022 йилда мева-сабзавотчилик технологияларига оид фойдали тавсиялари ва соҳа ривожига ҳисса қўшувчи мақолалари “ShirinMeva” журналининг орқали кўплаб ўқувчиларга етиб борди. Янги формат, замонавий дизайн асосида нашр этилаётган журналимизни қишлоқ хўжалигининг энг муҳим сектори – мева-сабзавотчилик соҳасидаги янгиликларни ёритувчи нашрлар орасида энг пешқадам дея оламиз. Чунки ундаги мавзулар рангбаранглиги, халқаро тажрибаларнинг кенг ёритилиши, чет эллик мутахассисларнинг муаллифлик мақолалари, шубҳасиз, ўзбек аудиториясини ўзига жалб эта олади. 2023 йилда журналнинг инглиз тилидаги варианты ҳам чоп этилиши режалаштирилган. Демак, жамоамиз аъзоларининг ўзбек тажрибасига асосланган материаллари хорижий мутахассислар қўлига етиб боради. Келаётган йил олдимизга қўйилган улкан мақсадларга эришиш учун яна бир имкон бермоқда. Мақсадимиз эса битта – Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик йўналишида янги босқичга чиқиш! Мана шу ишларимизни оммалаштиришда ҳамкорлик қилаётган “ShirinMeva” журналининг ва унинг меҳнаткаш жамоасига профессионал фаолиятида омад тилаймиз. Янги йил барчамизга қутлуғ бўлсин, янги зафарлар ва янги ютуқлар олиб келсин!



Ҳусан Ҳайдаров, GDF компаниясининг ижрочи директори:

– “ShirinMeva” журналининг чоп этилаётган мақолалар маҳсулотларимиз учун янги бозорлар топиш ва ушбу бозорларга кириш имкониятини ўрганишда ёрдам бермоқда. Шу билан бирга, “Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак” лойиҳаси томонидан ташкил этилаётган турли учрашувлар халқаро миқёсдаги ҳамкорларни топишга кўмаклашмоқда. Журнал орқали дунё бозорининг янги талабларини ва янги бозорларга кириш имкониятларини ўрганишимиз. Эксперт сифатида шу мавзуда туркум мақолалар тайёрлаётган бўлсам-да, ўзимга керакли маълумотларни ушбу журналдан топаман. Бунинг учун таҳририят ходимларига алоҳида миннатдорлик билдираман. 2023 йилда ҳам “ShirinMeva” журналининг билан ҳамкорлигимиз давом этади деган умиддаман. Байрамингиз муборак бўлсин!



ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН ЎН ОЙ ИЧИДА МЕВА-САБЗАВОТ ЭКСПОРТИ ТАҲЛИЛИ

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2022 йилнинг январь-октябрь ойларида Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмаси 40,1 миллиард АҚШ долларини ташкил этиб, 2021 йилнинг шу даврига нисбатан 7,28 миллиард АҚШ долларига ёки 22,2 фоиз кўпайган.

Бунда экспорт 15,48 миллиард (38,6 фоиз), импорт эса 24,61 миллиард АҚШ dollari (61,4 фоиз)ни ташкил этиб, ҳисобот даврида -9,13 миллиард АҚШ dollari қийматида пассив ташқи савдо баланси қайд этилди.

Экспорт таркибида маҳсулотлар улуши катта бўлиб, 79 фоизни ташкил этган, хизматлар эса 20 фоизга тенг бўлган (1-диаграмма).

Импорт таркибида маҳсулотлар улуши катта бўлиб, 91 фоизни ташкил этган. Хизматлар эса 9 фоизга тенг бўлган (2-диаграмма).

1-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, жорий йилнинг январь-октябрь ойларида озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий қисми бўлган 903,3 миллион АҚШ dollari қийматидаги 1 425,3 минг тоннадан зиёд мева-сабзавот экспорт қилинди. Экспорт ҳажми 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 20,9 фоиз кўпайган.



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумоти

2022 йил январь-октябрь ойларида мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти жами экспортнинг 5,8 фоизини ташкил этди.



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумоти

1-жадвал. 2022 йилнинг ойлари бўйича мева-сабзавот маҳсулотларининг ҳажм ва қиймат жиҳатидан экспорт кўрсаткичлари

№	Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти	Ҳажми (минг тонна)	Қиймати (млн. АҚШ доллари)
1.	Январь	63,80	\$40,80
2.	Январь - февраль	131,3 (+67,5)	86,6 (+\$45,8)
3.	Январь - март	258,6 (+127,3)	168,8 (+\$82,2)
4.	Январь - апрель	403,2 (+144,6)	239,9 (+\$71,1)
5.	Январь - май	615,7 (+212,5)	335 ,1 (+\$95,2)
6.	Январь - июнь	820,8 (+205,1)	449,4 (+\$114,3)
7.	Январь - июль	968,5 (+147,7)	549,2 (+\$99,8)
8.	Январь - август	1 103,2 (+134,7)	654,5 (+\$105,3)
9.	Январь - сентябрь	1 235,8 (+132,6)	760,2 (+\$105,7)
10.	Январь - октябрь	1 425,3 (+189,5)	903,3 (+\$143,1)

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумоти

2-жадвал. 2018-2022 йилларнинг мазкур ойлари бўйича мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти

№	Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти	Ҳажми (минг тонна)	Қиймати (млн. АҚШ доллари)	1 кг мева-сабзавот маҳсулотлари қанчадан экспорт қилинган (АҚШ доллари)	Жами экспортдаги улуши (% да)
1.	2022 йил январь - октябрь	1 425,3	903,3	0,63	5,83%
2.	2021 йил январь-октябрь	1 233,9	747,4	0,61	6,01%
3.	2020 йил январь - октябрь	1 240,2	819,5	0,66	6,15%
4.	2019 йил январь - октябрь	1 159,7	1 051,9	0,91	7,10%
5.	2018 йил январь - октябрь	1008,6	732,5	0,73	6,33%

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумоти



3-жадвал. Энг кўп экспорт қилинган мева-сабзавот маҳсулотлари (2022 йил январь - октябрь)

№	Мева-сабзавот маҳсулотлари	Қиймати (млн. АҚШ доллари)	Ҳажми (минг тонна)
1.	Узум (қуритилган узумни қўшган ҳолда)	216,6	242,2
2.	Помидор	48,4	65,8
3.	Мош	60,0	78,7
4.	Гилос	33,3	25,4
5.	Карам	34,6	135,2
6.	Пиёз	33,2	185,4
7.	Шафтоли	68,1	76,7
8.	Қовун ва тарвуз	36,6	134,3

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумоти

4 - жадвал. Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт географияси (2022 йил январь - октябрь)


№	Давлатлар	Қиймати (млн. АҚШ доллари)	Ҳажми (минг тонна)	Улуши (% да)
1.	Россия Федерацияси	402,2	453,5	44,5%
2.	Қозғоғистон	180,5	563,7	20,0%
3.	Хитой	67	79,9	7,4%
4.	Покистон	66,8	37,3	7,4%
5.	Қирғизистон	37,9	135,3	4,2%
6.	Афғонистон	22,3	30,4	2,5%
7.	Туркия	20,5	13,0	2,3%

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумоти





Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумоти



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумоти

2-жадвалда келтирилган маълумотларга асосан, сўнги 5 йилда ҳажм жиҳатидан энг кўп мева-сабзавот экспорти жорий йилда 1425,3 минг тоннани ташкил қилган бўлса, қиймат жиҳатидан энг юқори нарх 2019 йили 1051,9 миллион АҚШ долларига тенг бўлган. Мева-сабзавот экспортининг жами экспортдаги улуши эса 2019 йилда энг кўп, яъни 7,10 фоизни ташкил этган.

2022 йилнинг январь-сентябрь ойи билан солиштирганда, январь-октябрь ойида энг кўп узум экспорт қилинган. Январь-сентябрь ойида 161 миллион АҚШ доллари қийматидаги 179,2 минг тонна узум экспорт қилинган бўлиб, бу кўрсаткич январь-октябрь ойида 216,6 (+55,6) миллион АҚШ доллари қийматидаги 242,2 (+63) минг тонна узум экспортини ташкил қилган (3-жадвал).



Мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий экспорт бозори Россия Федерацияси, Қозоғистон, Хитой ҳамда Покистон ҳиссасига тўғри келган.

2022 йил январь-сентябрь ойларида Россияга 337,2 миллион АҚШ доллари қийматидаги 379,9 минг тонна мева-сабзавот экспорт қилинган. 2022 йилнинг январь-октябрь ойида эса, бу кўрсаткич 402,2 (+65) миллион АҚШ доллари қийматидаги 453,5 (+73,6) минг тоннани ташкил қилган (4-жадвал).

2022 йил январь-октябрь ойларида мева-сабзавот экспортининг қиймат жиҳатидан энг катта ҳажми Россия Федерациясига тўғри келди (мева-сабзавот экспорти умумий ҳажмининг 44,5 фоизи). Бу Қозоғистонга экспорт ҳажмидан 2,2 баробар кўпдир (3-диаграмма).

2022 йил январь-октябрь ойларида мева-сабзавот экспортининг ҳажм жиҳатидан энг катта қисми Қозоғистон ҳиссасига тўғри келиб, жами экспортнинг 40 фоизини ташкил этган. Бу эса Россия Федерациясига экспортга нисбатан 1,5 баробар кўп бўлгани таҳлил жараёнида аниқланди (4-диаграмма).

Мирфайз НАРЗИЕВ,

“Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак” лойиҳасининг маркетинг бўйича ҳудудий мутахассиси



АГРОТРАНСФОРМАЦИЯ: Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади



Қишлоқ хўжалиги аллақачон илғор технологияларга асосланган замонавий соҳалардан бирига айланди. Унда фаолият олиб боришни истаётган ёшларнинг билимини ошириш, уларни соҳага кенгроқ жалб этиш, хориж тажрибаси асосида агротадбиркорликни ривожлантириш юртимизда йил сайин фаоллашиб борапти. Айниқса, бу борадаги халқаро ва маҳаллий йирик лойиҳалар минглаб йигит-қизларда қизиқиш уйғотмоқда.

Ўтган йили сентябрь ойида илк бор ўтказилган “Агромарафон” мотивацион лойиҳаси ҳам юртимиз бўйлаб 8 мингдан ортиқ ёшни жалб эта олган эди. Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Ёш фермерлар кенгаши ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган лойиҳа доирасида деҳқон ва фермерлар учун қизиқарли тадбирлар, агротур ва кўргазмалар ташкил этилиб, янги ғоялар учун қулай платформа яратилди. Соҳанинг етакчи мутахассислари томонидан ўтказилган учрашувлар, семинар-тренингларида йигит-қизлар фаол қатнашиб, кейин ҳам бу борада қизғин муҳокамалар қилинган. Иштирокчилар орасида лойиҳанинг давомини кутганлар кўп бўлди.

Шу боис лойиҳа ташаббускорлари бу йил ҳам аграр соҳа ёшлари учун янги платформа ҳозир-

лади. Деҳқон ва фермерлар учун йиғим-терим палласи — куз мавсумида ана шундай мотивацион лойиҳаларни ўтказиш яхши анъанага айланиб борапти. Айни шу даврда “Агромарафон”нинг давоми сифатида “Агротрансформация” лойиҳаси иш бошлади. Бу гал лойиҳа Қорақалпоғистонда старт олди ва иштирокчилар 12—17 сентябрь кунлари 16 та туманда бўлиб, 2 мингга яқин ёш билан учрашди.

Лойиҳага аграр соҳа мутахассислари жалб этилиб, улар сафи бу йўналишда билимга эга янги волонтерлар билан тўлмоқда. Иштирокчиларнинг қорақалпоқ ёшлари билан илк учрашуви Амударё туманида бошланди. Очилиш тадбирида ёш фермер ва деҳқонлар, қишлоқ хўжалиги соҳасига қизиқадиغان йигит-қизлар, агротадбиркорлар жам бўлди.



Лойиҳа бошидан охиригача қишлоқ хўжалиги соҳасига бағишлангани табиий. Унда ёшларни энг кўп қизиқтирган “Ер олиш тизими ва тартиби”, “Агробизнесда стратегик менежмент”, “Замонавий деҳқончиликда маркетинг ва брендинг” каби мавзуларда сўз борди. Спикерлар шахсий тажрибалари билан ўртоқлашиш баробарида, аграр соҳадаги бугунги имкониятлар, қонунчилик асослари ҳамда соҳани ривожлантиришда қўл келадиган илғор тажриба ва замонавий воситалар ҳақида маълумот берди. Семинарларга катта қизиқиш билдирган ёшлар орасида янги бизнес лойиҳалар бўйича таклифлар билан чиққанлар ҳам бўлди.

– Бугунги кунда аграр соҳадаги лойиҳалар ёшларда катта қизиқиш уйғотяпти. Сабаби, ҳозир қишлоқ хўжалигига оғир ва эскича меҳнат тури эмас, балки тадбиркорликнинг янги ва замонавий кўриниши сифатида қаралмоқда, – дейди Ўзбекистон Ёш фермерлар кенгаши раиси, “Агротрансформация” лойиҳаси муаллифи Маҳмуд Иноятов. — Натижада тармоқда ёшлар улуши ортиб борапти. Биргина мисол, айна дам юртимизда 27 мингдан ортиқ ёш деҳқон ҳамда 11 мингдан зиёд фермер йигит-қиз фаолият юритмоқда. Шу жиҳатдан биз бошлаган навбатдаги лойиҳа аграр соҳада меҳнат қилаётган ёки энди иш бошлаш истагидаги йигит-қизлар, юқори натижаларга эришган агротадбиркорлар, ёш деҳқон ва фермерлар учун катта мотивация бера оладиган қулай платформа, тажриба алмашинув майдончаси бўлиб хизмат қилади.

Лойиҳа доирасида республика бўйлаб 20 мингдан ортиқ ёшлар учун 150 дан зиёд учрашув, семинар-тренинг ташкил этиш кўзда тутилган. Бу ўтган йилги лойиҳага нисбатан икки баробар кўп қамров. Асосийси, мазкур учрашувларда соҳа мутахассислари, агротадбиркорлар томонидан ёшларга энг замонавий воситалар ёрдамида қишлоқ хўжалигига доир муҳим мавзуларда билим берилмоқда. Ҳозирдан барча ҳудудда йигит-қизлар лойиҳага юқори қизиқиш билан, қатнашиш

истагини билдирыпти. Албатта, лойиҳанинг эшиги барча учун бирдек очиқ бўлади.

“Ер олиш билан иш битмайди”

“Агротрансформация” сўзи тўғридан-тўғри таржима қилинганда қишлоқ хўжалигидаги янги-ланиш, ўзгаришларни англатади. Буни ҳозир юртимиздаги барча соҳада кечаётган ислохотлар, рақамлаштириш жараёни билан боғлаш мумкин. Қишлоқ хўжалиги ҳам унинг бир қисми бўлгани ҳолда, аграр соҳага энг замонавий техникалар, илғор технологияларга асосланган кластер тизими ҳамда уруғни ерга қадашдан то ҳосил олингунга қадар қўлланилаётган илмий ёндашувлар кириб келмоқда. Лойиҳа асосчилари мамлакатимиз деҳқон ва фермерларини ана шу жараёнга фаол жалб этишни, соҳада натижани шунчаки кутиш эмас, балки ташаббускор бўлишга чорлашни мақсад қилган.

Лойиҳанинг Қорақалпоғистондан бошлангани ҳам бежиз эмас. У ердаги маҳаллий ёшлар ҳудуднинг мавжуд муаммоларидан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан самарали фойдаланиш, юқори ҳосилдорликка эришишда замонавий технологияларни қўллаш ва агротадбиркорликни ривожлантиришга интилоқда. Айниқса, Оролбўйида истиқомат қиладиган аҳоли учун бу янада долзарб аҳамиятга эга.

Охириги йилларда қорақалпоқ элида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар қишлоқ хўжалигида ҳам кўзга ташланмоқда. Ҳудудга аграр соҳани ривожлантириш учун кенг имкониятлар бериляпти. Аҳолига субсидия, имтиёзли кредит, грантлар ажратилияпти, томорқачиликни ривожлантиришга шароитлар яратилияпти. Аммо маблағни тўғри йўналтириш, ҳосилни бир неча баробар ошириш бугунги кун деҳқон ва фермеридан янги билимларга эга бўлишни талаб этмоқда. Шу боис ҳудудларда агробизнесда фаолиятни бошлашдан то барқарорликка эришишгача бўлган жараёнлар бўйича тренинглар ташкил қилиш муҳим. Бундай учрашувларда ёшлар ўзига керакли билимларни эгаллаш баробарида, ўзаро тажриба алмашиш имкониятига эга бўлмоқда.

– Бир неча йил олдин ишсиз бўлганим сабабли, қўшни давлатга ишлашга кетиб, 4 йил иссиқхонада меҳнат қилдим, – дейди Амударё туманидаги ёш агротадбиркор Азизбек Гаипов. – Доим қишлоғимда

Ўз ерим бўлса, болаликдан севган соҳам – деҳқончилик билан шуғуллансам, дердим. Вақт ўтиб юртимизда ёшларга шундай имкониятлар яратилди, ер ажратила бошлади. Буни эшитиб, 2019 йилда юртимга қайтдим. “Ёшлар дафтари”га киритилдим ва аукцион орқали укаларим билан бирга ер олдик. Оиламизда 6 нафар ёш бор. Ҳар биримизга 25 сотихдан ер ажратилди. Апрель ойи бошида ерни ҳайдаб, плёнка остида тарвуз етиштирдик. Ҳосилни сотишни июнь ойидан бошлаган бўлсак, яқингача давом этди. Агротадбирларни амалга оширишга 30 миллион сўмга яқин харажат қилганмиз. Лекин даромад анча кўп бўлди. Тарвузни бошқа вилоятларга ҳам сотдик. Яширмайман, даромадимдан, ҳатто автомобилга пул тўлаб ҳам қўйдим.

Деҳқончилик осон эмас, аммо қаловини топсанг, қор ҳам ёнади, дейди халқимиз. Ҳар ким ўзи тушунган ишни қилиши керак. Бу йил сабзи қиммат бўлди. Сабзи экаман, келаси йили карамни синаб кўраман, деган билан иш битмайди. Масалан, мен тарвуз етиштиришдаги агротехнологияларни яхши биламан, қовун ёки бошқа сабзавотни етиштиришда тажрибам йўқ.

Ҳозир деҳқончилик билимга таянпти. Ёшларга маслаҳатим, ер олишнинг ўзи етмайди, соҳани тушуниш ва меҳнат қилиш керак. Очиғи, ҳозирги 25 сотих ер мен учун камлик қилади. Давлатимиз раҳбари келаси йилдан ёшларга 2 гектардан ер ажратилишини айтди. Мен биринчилардан бўлиб олмоқчиман. Чунки бу биз, ёшлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантиришимиз учун катта имконият ва ундан тўғри фойдаланишимиз керак. Ҳозирги вақтда анча ривожланиб бораётган қишлоқ хўжалиги эса кўпроқ ўрганиш, янги билимларга эга бўлишни талаб этади. Бу борада бизга “Агротрансформация” лойиҳаси мутахассисларининг маслаҳатлари қўл келяпти. Лойиҳа давомида ўзимизга керакли маълумотлар, янги ғоялар олдик.

Катта мақсадлар учун кичик туртки

Лойиҳанинг кейинги кунлари ҳам қизғин руҳда давом этди. Беруний туманидаги Ёшлар марказида соҳа экспертлари агробизнесда бошланғич қадам ва барқарорликка эришиш ҳақида гапирди. Мавзулар ҳар бир туманинг ўзига хослиги, қишлоқ хўжалиги имкониятларидан келиб чиқиб танланган. Мўйноқ туманида амалга оширилган лойиҳалар таҳлил қилиниб, янги таклифлар кўриб чиқилди. Мутахассислар Кегейли, Чимбой, Бозатау ва бошқа



туманларда ҳам ёш фермерлар билан ўз билим ва тажрибаларини бўлишди.

Учрашувлар давомида кичик кўргазмалар ҳам ташкил этилди. Унда соҳа вакиллари маҳаллий ёшлар етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ва мазасига юқори баҳо берди. Полиздан олиб келган қовунларни меҳмонларга улашган деҳқон йигит 20 хилга яқин қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришини айтганида кўпчилик ишонмади. Экспертлар, ҳатто йигитнинг кетма-кет таҳланган маҳсулотлари турини эринмай санади. Чиндан ҳам 20 турга яқин мева-сабзавот бор экан. Бўлганда ҳам бари иштаҳани очадиган, сифатли ва маромида пишиб етилган.

Қорақалпоғистонда ана шундай ишнинг кўзини биладиган ёш агротадбиркорлар сони ортиб борапти. Тармоққа энди кириб келаётган йигитқизлар эса уларга ҳавас қилиб, эргашаётгани ҳам рост. Лойиҳа давомида бундай ёшлар билан суҳбатлар ўтказилиб, уларнинг янги ғоялари бўйича маслаҳатлар, амалий кўмак ҳам берилляпти.

Шундай қилиб, Қорақалпоғистоннинг 16 та туманида ўтказилган “Агротрансформация” лойиҳаси юқори кайфиятда яқунланди. “Агротрансформация” то йил охирига қадар бошқа ҳудудларда давом этади.

Бу гал мутахассислар семинар-тренинг, агротурлар ўтказишдан ташқари, каттароқ вазифаларни олдига қўйган. Яъни лойиҳа тадбирлари давомида замонавий қишлоқ хўжалигига оид 3 турдаги қўлланмани тайёрлаш ҳамда консултацион хизмат тизимини йўлга қўйиш режалаштирилган. Улар янада кўпроқ ёшларни қамраб олишга хизмат қилади.

Ирода ТОШМАТОВА,
журналист

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚАЙСИ ҲУДУДИ БОДРИНГНИ КЎПРОҚ ЭКСПОРТ ҚИЛАДИ?

Ўзбекистонда энг тансиқ салатларнинг ажралмас қисми бўлган бодрингнинг келиб чиқиши Ҳиндистонга бориб тақалади. Бугунги кунда ушбу маҳсулотнинг мингдан ортиқ нави ва ўнлаб тури мавжуд. Турли давлатларда уларнинг турли хилини севиб истеъмол қилишади. Хусусан, Марказий Осиё ва МДХда калта навли тури истеъмол қилинса, Хитой ва Жанубий Осиё давлатларида бодрингнинг узун ва ўртача узун навларини хуш кўришади.

Мамлакатимиз ички бозорида энг кўп истеъмол қилинувчи нави Орзу бўлиб, бу бодринг тури калта ва силлиқ пўстлоқли ҳисобланади. Бу турдаги навларни етказиб берадиган хориждаги етакчи уруф тайёрловчи компаниялар, жумладан, Enza Zaden, Nunhems (Нидерландия), Гавриш (Россия), Syngenta (Швейцария) каби компаниялар маҳаллий талабдан келиб чиқиб Софа F1, Суперина F1, Орзу F1, Мустанг F1, Аль бустан ва бошқа маҳаллий навларни тақдим этмоқда.

Тадбиркорлар ички бозор истеъмоли учун очиқ дала ва иссиқхоналарда силлиқ, калта, бодрингларни етиштиради. Экспорт учун ташқи бозор талабидан келиб чиқиб, ўрта узун ва калта усти силлиқ бўлмаган, транспортда узоқ масофага ташишга чидамли навларни экади. Экспорт учун энг кўп экиладиган навлар Аякс F1, Регал F1, Нева F1, Неймар F1, Илонара Рц F1, Мирабелл F1 ва бошқалар.

Ўзбекистонда 2021 йилда жами 25618 гектар майдонда бодринг экилган. Бу ушбу йилда умумий сабзавот экин майдонининг 10 фоиз қисмини таш-

кил этади (1-диаграмма). 2017 йилда эса Ўзбекистонда бодринг экилган майдонлар 2021 йилга нисбатан 30 фоиз камроқ бўлиб, жами 19,5 минг гектарни ташкил этган. 2017 йилда экилган майдонлардан олинган ҳосил 813 минг тоннани ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб ушбу кўрсаткич 890 минг тоннадан ортган. Бу ер майдонлари кенгайиши тенденциясига нисбатан 20 фоиз кам. Бунинг асосий сабаби мазкур маҳсулот етиштириш аксарият майдонларда янги ҳосил берувчи гибридлар ўрнига эски, кам ҳосил берувчи, аммо ҳали истеъмоли оммабоп бўлган навларни кўпроқ етиштириш билан боғлиқ.

2017–2021 йилларда республикаимизда бодринг етиштириш ва экспорт қилиш ҳолати (3-диаграмма) ўрганилганда етиштириш учун энг асосий ҳудудлар Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё, Андижон ва Фарғона вилоятлари экани аниқланди (2-диаграмма). Ушбу маҳсулотни барра ҳолатда экспорт қилишда охириги беш йилда Фарғона, Андижон ва Сурхондарё вилоятлари пешқадам бўлган.

Ўзбекистон охириги беш йилда барра бодринг



1-диаграмма



2-диаграмма



3-диаграмма



экспортида бозорлар географиясини деярли кенгайтирмади. 2017 йилда мамлакатимиз 5 та давлатга бодринг экспорт қилган бўлса, 2021 йилга келиб ушбу давлатлар сони бор-йўғи биттага кўпайди. Бунинг асосий сабаби Ўзбекистон дунёнинг етакчи импортёр давлатларидан жудаям узоқда жойлашган бўлиб, бодринг сифати энг тез бузилувчан маҳсулотлиги туфайли уни узоқ масофага сифатли ҳолатда етказиш имконсиз. Охирги 5 йилда Ўзбекистонда етиштирилган бодрингнинг 97-99 фоизи Қозоғистон, Қирғизистон ва Россияга экспорт қилинган (4-диаграмма). Лекин Қозоғистон ва Қирғизистон аксарият ҳолларда Россияга транзит вази-фасини ўтайди. Сабаби бугунги кунга қадар Россияга барра бодрингни тўғридан-тўғри экспорт қилишнинг ўзига яраша мушкул тарафлари бор. Хусусан, барра сабзавот импорт қилишда ҳар бир сотувчи ва оловчи учун, албатта, декларация сертификати очилиши, ҳар сафар турли санитария-эпидемиология ва ўсимлик карантини сертификатлари олиниши ва турли божхона текширувларидан ўтказилиши шарт. Қўшни давлатлар учун бундай талаблар минимал ва аксарият ҳолларда транзит маҳсулотлар қаттиқ назорат қилинмайди.

Ўзбекистонлик бодринг экспорт қилувчилар ва етиштирувчилар асосан ягона бозор учун фаолият олиб бормоқда. Бу маркетинг нуқтаи назаридан жудаям хатарли. Агар ягона импортчи бозорда бодринг импорти талаблари геосиёсий ҳолат ёки иқтисодий шароитдан келиб чиқиб ўзгарса ёки мураккаблашса, бу, биринчи навбатда, экспортчи ва етиштирувчига таъсир қилади. Агар давлатлар орасидаги муносабатда инқироз юз берса, ушбу маҳсулот етиштирувчилар ва экспортчилар фаолияти батамом тўхташи ҳам мумкин.

Юқоридагиларни инobatга олиб, Ўзбекистон бошқа яқин давлатлар, жумладан, Хитой ва Европа мамлакатларига бодринг маҳсулотини экспорт қилишга рухсат олиши лозим. Шу билан бирга маҳсулотни тез ва сифатли етказишда зарур бўладиган транспорт логистикаси масалаларини ҳам ҳал қилиши керак.

Ҳусан ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик
маркетинги бўйича техник кўмак”
лойиҳаси бош маслаҳатчиси



ХОРАЗМДА КУНЖУТ ЕТИШТИРИШ АМАЛИЁТИ

Мамлакатимиз аҳолисини кенг ассортиментдаги арзон ва сифатли ўсимлик мойи билан таъминлаш учун мойли экинларнинг уруғи таркибида мой миқдори юқори бўлган эртапишар, серҳосил, экологик стресс омилларга бардошли, экспортбоп янги навларини яратиш, бирламчи ва нав уруғчилигини ташкил этиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Шу боис мамлакатимизда пахта ва бошоқли донли экинлар учун яроқсиз бўлган майдонлардан унумли фойдаланиб, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳам жуда муҳим. Айнан шундай майдонларнинг катта қисми Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига тўғри келади.

Шимолий ҳудудлар бўлган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида тупроқдаги шўрланиш натижасида олинаётган даромад йилдан-йилга пасайиб бораётгани ва катта-катта майдонларнинг қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз ҳолатга келиб қолаётгани сир эмас. Бироқ шўрга нисбатан бардошли, кам сув талаб этадиган, харидоргир, экспортбоп экин турларини танлаш ҳамда улардан мўл ҳосил етиштириш орқали бундай ердан ҳам унумли фойдаланиш мумкин.



Кунжут асосий мой берувчи ўсимлик бўлиб, шифобахшлиги билан ҳам бошқа мойли экинлардан ажралиб туради. Шарқ мамлакатларида кунжутнинг янги барг ва новдаларидан турли хил мазали салатлар тайёрланса, маҳаллий табобатда оқ, оч сариқ рангли кунжутдан тайёрланган мойдан юз ва қўл териларини парваришлаш, ошқозон-ичак яраси, тананинг куйган жойини даволашда малҳам сифатида фойдаланилган. Марказий Осиё халқ табobatiда қора кунжут уруғидан жисмоний қувватни ошириш мақсадида дори тайёрланган.

Бугунги кунда кунжутдан истеъмолдан ташқари фармацевтика, парфюмерия, медицина ва косметология соҳаларида ҳам кенг фойдаланилмоқда. Шу сабабли кунжут мойи дунё бозоридаги энг қиммат мойлардан бўлиб, асосий истеъмолчилари Япония, АҚШ, Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия ва Европанинг қатор мамлакатларидир.

Истеъмолчилар доираси кенгайиб бораётгани (Россия, Қозоғистон, Болтиқбўйи мамлакатлари ва бошқалар) туфайли сўнгги тўрт йилда дунё бозорида кунжут нархи икки баробар ошгани кузатилди.

Республикамызда кунжут ҳар йили асосий ва такрорий экин сифатида 10-15 минг гектар майдонда етиштирилиб, ўртача ҳосилдорлик лалми ҳудудда гектарига 4,5-5 центнер, суғориладиган майдонларда эса 10-15 центнерни ташкил этади.

Муайян сабабларга кўра, кунжутнинг уруғини экиш ва ҳосилини йиғиб олиш жараёни механизациялаштирилмаган. Шу кунга қадар кунжутни экиш ва парваришларш ишлари қўл меҳнати ёрдамида бажарилади. Кунжут етиштиришда умумий харажатнинг 60 фоизи ҳосилни йиғиб олишга сарфланади.

Илмий гуруҳимиз томонидан 2016–2022 йилларда Хоразм вилояти иқлим шароитида экспортбоп кунжут навларини яратиш, бирламчи уруғчиликни ташкил этиш ва ресурстежамкор етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилди. Мақолада Амударё соҳилига яқин майдонларда кунжутдан юқори ҳосил етиштириш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари билан қисман таништирамиз.

Тадқиқотлар 2020–2022 йилларда Хоразм вилояти Урганч туманидаги “KIVA GROUP” МЧЖ далаларида ўтказилди. Тадқиқот учун кунжутнинг республикамызда районлаштирилган Қора





шаҳзода ва Тошкент-122 навлари танлаб олинди.

Экишдан олдин тажриба майдони ноябрь ойи охири ва февраль ойида икки марта ювилди. Экишдан олдин ер майдони чизель, борона қилинди, ишлов бериш вақтида 200 кг аммофос, 40 кг калий солинди. Тадқиқотлар 4 хил экиш муддатида, жумладан, 30 апрель, 10, 20 ва 30 май кунлари амалга оширилди. Кунжут уруғи 15 м² тажриба бўлмаларида 4 марта такроран экилди. Ўсув даври давомида тажриба вариантларида фенологик кузатувлар, ҳосил йиғим-терими пайтида эса услубга асосан биометрик ўлчовлар амалга оширилди ва умумий ҳосилдорлик аниқланди.


Кунжут уруғи 30 апрелда экилганда уруғлар 10 кунда униб чиқди, бироқ май ойининг бошида бир неча кун давом этган +4 +8°C дан паст ҳарорат ўсимликнинг ривожланишига салбий таъсир этиши кузатилди. Кўчатларнинг 50-55 фоизи касалланди ва кейинчалик нобуд бўлди.

Энг юқори натижа 10 ва 20 май кунлари экилган тажриба далаларида кузатилди. Ушбу вариантларда уруғни экишдан олдин униб чиққан бегона ўтлар чизеллаш орқали йўқотилди ва намликни сақлаш учун энгил мола босилди. Уруғ экилгандан кейинги тўртинчи-бешинчи кунлари табиий намликда бир текис униб чиқди.

Охирги муддат – 30 майда экилганда тупроқда намлик етишмаслиги туфайли кунжут уруғи экилганидан сўнг олтинчи-еттинчи кунлари униб чиқа бошланди, бироқ кўчат сони меъёрдан кам бўлгани кузатилди. Шунинг учун уруғни тўлиқ ёппасига ундириб олиш учун қўшимча суғоришга тўғри келди. Кунжут фузариоз касаллигига чалинмаслиги учун ер остидан захлатиш орқали суғорилди. Бунинг учун тупроқ таркиби, сув ўтказувчанлиги ва ерости сувининг сатҳини ҳисобга олган ҳолда, ҳар 30 метрдан вертикал ҳолатда ўқариқлар олинди ва сувга тўлдирилди. Ушбу суғориш усули оддий қаторлаб суғориш усулидан фарқли равишда сувни бир неча баробар иқтисод қилиши билан бирга ўсимликларнинг фузариоз билан касалланиши 70-80 фоизгача камайишини таъминлади.

Ўсимликлар қийғос униб чиққанда зараркунандалардан кўсак қурти ва симқурт билан зарарланди. Ушбу ҳашаротларга қарши 300 литр/га эритмага Dalate ва Protekt 5% + 3 кг карбамид қўшиб ишлов берилди.

Ўсув даври давомида ўсимликлар гуллаш босқичига ўтгунга қадар қатор оралари икки марта культивация қилинди ва икки марта баргидан биоўғит билан озиклантирилди.



Мавсум давомида тажриба даласида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти фермерлари учун 3 марта дала семинари ташкил этилди. Ушбу семинарларда фермер хўжаликлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Шимолий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти илмий ходимлари иштирок этдилар ва ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олдилар.

Кунжут ҳосили сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида техника ёрдамида йиғиб олинди. Ўртача ҳосилдорлик 10 май ва 20 майда экилганда энг юқори кўрсаткичга эга бўлди (1-диаграмма).

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида республикамизнинг шимолий ҳудудида ресурстежамкор янги технологияни қўллаш асосида кунжут экинидан қайта ишлашга яроқли, экологик жиҳатдан тоза ва экспортбоп маҳсулот етиштириш имконияти мавжудлиги аниқланди. Тадқиқотларни амалиётга жорий этиш ва кенг миқёсда тарғиб қилиш натижасида нафақат Хоразм вилояти фермер ва тадбиркорлари учун, балки кунжут ҳозир кенг миқёсда экилиб, экспорт салоҳияти ошиб бораётган қорақалпоғистонлик фермер ва ишлаб чиқарувчилар учун ҳам зарурий тавсиянома бўлиб хизмат қилмоқда.

МАНБА:

1. М.Э.Аманова, А.С.Рустамов //Мойли экинлар жаҳон коллекциясини ўрганиш бўйича услубий қўлланма // Республика ёшларининг "BIOEKOSAN" ўқув-услубий мажмуаси. Тошкент 2010. 20 бет.
2. Н.И.Бочкарёв, С.Г.Бородин //Рекомендации по семеноводству масличных культур и эфиромасличных культур// Краснодар. 2004 г.

Махфурат АМАНОВА,
Тошкент давлат аграр университети
профессори



Абдумалик РУСТАМОВ,
"Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик
маркетинги бўйича техник кўмак"
лойиҳаси иқтисодчиси



Руслан ҚАЛАНДАРОВ,
"KIVA GROUP" МЧЖ раҳбари



ХЎЖАБОБДАГИ "НАВИГУЛ"НИНГ МАҲСУЛОТЛАРИ

Бугунги кунда 1000 гектар ернинг 500 гектарида интенсив боғ яратиб, қолган 500 гектарида сабзавот маҳсулотлари етиштираётган Андижон вилоятининг Хўжаобод туманида жойлашган "Навигул" МЧЖ қўшма корхонасида етиштирилаётган маҳсулотлар дунё бозорида сотилмоқда.

Бир кеча-кундузда 200 тонна сабзавотни қуритиш имкониятига эга, замонавий ускуналар ўрнатилган корхона заводида қайта ишланган қизил сабзи, булғор қалампери, помидор каби сабзавот маҳсулотлари буюртмачилар талабига асосан экспорт қилинмоқда. Айти вақтгача Германия давлатига 100 тоннага яқин қуритилган сабзавот жўнатилди.

Мазкур заводда барра кўкатларни қуритиш ҳам йўлга қўйилган. Брокколи ва гулкаррам маҳсулотлари ҳам юқори даромад келтирмоқда. Уларни барра ҳамда музлатилган ҳолда талабгорларга етказиб бериш йўлга қўйилган.

7 минг тонна сиғимга эга музлаткичларда шок усулида сақланаётган брокколи ва гулкаррам маҳсулотлари Россия, Қозоғистон каби давлатларга экспорт қилинмоқда. Айти вақтгача 2 миллион АҚШ долларига яқин қийматдаги маҳсулот экспорти таъминланди.

"Нави гул" масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси директори ўринбосари Эркинжон Ёқубов билан суҳбатлашиб, корхона фаолияти билан янада яқинроқ танишиш имкониятига эга бўлди.

– 2016 йилда асос солинган қўшма корхонамиз фаолияти сўнгги икки йилда жадал ривожланиб, маҳсулотларни қайта ишлаш борасида ҳам кенг имкониятларга эга бўлдик, – деди суҳбатдошимиз. – Етиштирган ҳамда қайта ишлаган маҳсулотларимизни экспорт қилишдан аввал мутахассисларимиз муайян давлатлар бозорини ўрганади. Талабларни мукамал ўрганиш баробарида экспорт жараёнига киришилади.

Асосан Германия, Россия, Қозоғистон каби давлатларга брокколи карамининг 1 тоннаси ўртача 1,5 минг, қуритилган сабзавотларнинг 1 тоннаси эса ўртача 1,6 минг АҚШ долларидан сотилмоқда.

Етиштирилган мева ҳамда барра сабзавотлар май-июнь ойларида экспорт қилинади. Шок ҳолатида музлатилган маҳсулотлар ҳамда қуритилган сабзавотлар хариди жорий йилнинг сентябрь ойидан келгуси йил март ойигача амалга оширилади.

Корхонамизга қарашли ер майдони ҳамда қайта ишлаш заводи Хўжаобод тумани ҳудудида жойлашгани бизга анча қулайлик беради. Импорт қилувчилар ҳам, бошқа талабгорларимиз ҳам айнан

даланинг ўзида маҳсулот миқдорини, сифатини, қайта ишлаш учун хомашё базасини бир вақтнинг ўзида кўриб, ишонч ҳосил қилади. Шу боис ҳам маҳсулот сифатига эътироз ёки уларнинг экспортдан қайтган пайти бўлмаган. Маҳсулотларни қадоқлашга ҳам жиддий эътибор қаратамиз. Чунки сифати бузилмасидан харидорга етиб боришини таъминловчи асосий восита бу маҳсулотнинг қадоғидир, – дейди Э. Ёқубов.

– Корхонамизда логистика тўғри йўлга қўйилгани боис асосий ишлар автотранспортларимиз ёрдамида амалга оширилади. Дала юмушларини бажаришда ҳам, юкларни жўнатишда ҳам улардан унумли фойдаланамиз. Бундан ташқари, қўшимча равишда экспортчи давлатларнинг автотранспортларидан ҳам фойдаланиш масаласи режа асосида йўлга қўйилган.

Янги импортчи-харидорларни топишда бизда яхши тизим ташкил этилган. Раҳбарият чет давлатлардаги таниш-билиши билан доимий алоқада бўлиб, маҳсулотларимизга талабгорлар билан келишувни қийинчиликсиз амалга оширади.

Халқаро бозорлар тўғрисидаги маълумотлар ҳар бир тадбиркорни қизиқтириши табиий. Чунки эртанги кунни бугундан режалаштиришни шиддаткор давр тақозо этмоқда. Биз ҳам ижтимоий тармоқлар орқали ушбу маълумотларни ўрганиб борамиз.

Ер майдонимизнинг 85 фоиз қисмида замонавий технологиялар асосида томчилатиб суғориш йўлга қўйилган. Бунинг афзаллиги шундаки, ҳар бир экинга сув ва ўғит меъёрида етиб боради. Ортиқча сарфга йўл қўйилмайди. 500 гектар боғда шафтоли, ўрик, олма, гилоснинг 4 хил, олхўрининг 5 хил нави экилган. Жорий йилда 1 гектардан 10 тонна гилос, 40 тоннага яқин шафтоли, 25 тоннага яқин ўрик меваси терилиб, Россия ва Қозоғистонга экспорт қилинди.

Ҳар бир гектар ерда 15 тоннага яқин брокколи карами, 30–40 тоннага яқин гулкарам маҳсулоти етиштирилиб, сифати юқорилиги боис чет элга экспорт қилинмоқда.

Қўшма корхонамизда 6 гектар иссиқхона мавжуд. Бу ерда экин майдонлари учун кўчат етиштирилади. Бир гектар ерга 35 минг тупга яқин брокколи карами, 40 минг тупга яқин помидор, 70 минг тупга яқин булғор қалампери ниҳоли экиладиган бўлса, ана шу ниҳоллар барчаси иссиқхонада



«Навигул» МЧЖ қўшма корхонаси директори ўринбосари Эркинжон Ёқубов экинлар ривожидан мамнун



Корхонага қарашли иссиқхонада турли мева ва сабзавот кўчатлари етиштирилади.

парваришланмоқда. Бундан ташқари, иссиқхонада ободонлаштириш ишлари учун гул кўчатлари ҳам ўстирилади.

Деҳқон даласининг сир-асрори, аввало, юксак билим, ҳалол меҳнат, сара уруғ, оби тобида суғориш, ҳар бир экин турини талаб даражасида озиклантиришни талаб этса, даромад манбаини харидоргир маҳсулотлар таъминлайди. Бу сир-асрорларни пухта эгаллаб олгани боис йилдан-йилга даромади ошиб бораётган ишбилармонларнинг ишида унум, барака бор. Ҳар йили 500–600 кишини доимий ҳамда мавсумий иш билан таъминлаётган корхонада айни вақтда ишлар давом этмоқда.

Жамила ҲАЙДАРОВА,
“Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик
маркетинги бўйича техник кўмак”
лойиҳаси журналисти



МАШХҲУР ПАРКЕНТ УЗУМЛАРИ



Мамлакатимизнинг географик жойлашуви, иқлим шароити, қуёшнинг фаол ҳарорат йиғиндиси, ҳосилдор суғориладиган ери, ўзига хос тоғ ва тоғолди ҳудуди саноат миқёсидаги узумчиликни ривожлантиришга замин яратган.

Тарихга эътибор берадиган бўлсак, геопа-
лентологик ва ампелографик тадқиқотлар шуни
кўрсатмоқдаки, юртимиз ҳудуди аҳолиси узумчи-
лик билан 6 минг йиллар аввал шуғуллана бош-
ланган.

Ҳозир мамлакатимиз ҳудудида экиш учун
тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари давлат
реестрида узумнинг 45 хил нави мавжуд. Мана шу
навлар ичида қадимдан ота-боболаримиз эккан,
маҳаллий аҳоли томонидан яратилган навлардан
Ризамат, Кишмиш Сўғдиёна, Кишмиш Хишрау, Тар-
нау Қора жанжал, Андижон қора узуми, Буваки нор,
Буваки тош, Бишти, Қора ва Оқ кишмиш, Паркент ва
бошқа навлар ҳали ҳам ўз ўрнини йўқотмаган.

Жумладан, 2022 йилда 100,5 минг тонна, 2023
йили 162,4 минг тонна маҳсулот етиштириш кўзда
тутилган. 2024 йилга бориб 206,3 минг тонна си-
фатли узум етиштириб, қайта ишлаш корхона-
ларининг тўла қувват билан ишлашига эришилади.

Сизга маълумот бермоқчи бўлганимиз –
мазаси оғизда қолувчи Паркент узумлари. Таъми
шакардан тотли бўлган Ризамат, Кишмиш, Тойфи
каби бир-биридан мазали узум навларини татиб
кўрган ҳар бир инсонга албатта манзур бўлади.
Ҳатто хорижий давлатлар аҳолиси ҳам бизнинг
узумларни еб кўриб таъмига бефарқ бўлмайди. Бу

сафар ана шундай тотли узумларни етиштиришда
донг таратган Паркент туманида бўлди. Туман-
нинг Заркент қишлоғида узум етиштирадиган маш-
хур фермер аёллардан Гавҳар Ризаеванинг узумчи-
лик фаолияти билан қизиқдик.

Унинг боғида етиштирилаётган узумлар ўтган
йили Россия, Қозоғистон ва Қирғизистон давлат-
ларига 30 минг АҚШ доллари қийматида экспорт
қилинган. Деҳқончилик илмининг ҳадисини олган
Гавҳар опа сўнгги уч йилда ички бозор учун 165
миллион сўмлик маҳсулот етказиб берган.

**– Гавҳар опа, фермерлик фаолиятингиз
тарихи ҳақида гапириб берсангиз. Ишин-
гизни қачондан бошлагансиз?**

– Раҳматли қайнотам Тожибой Ризаев уста боғ-
бон, Ўзбекистон Қаҳрамони, республикада хизмат
кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими бўлган. 50 йил-
га яқин вақт Заркент қишлоғида раислик қилган.
Лалми, сувсиз ерларга узум экиб, етиштириб, бизга
ҳам боғдорчиликни ўргатган. Қишлоқнинг кўп аҳо-
лисини иш билан таъминлаган. Тоғли ҳудудларда
мўл-кўл ҳосил етиштириш борасида ўзига хос таж-
риба мактабини яратган. Кўп йиллар давомида хў-
жаликнинг тоғолди ҳудудидаги лалми ва шартли су-
ғориладиган ерларда тоқзор майдони 730 гектарга,
ғалла майдони 860 гектарга етказилди. Хўжалик

республикада лалми ғаллачиликда ҳар гектар ердан 18,7–20 центнер буғдой ҳосили олиб, ҳосилдорлик бўйича олдинги ўринни эгаллаган.

Ҳозир биз қайнотамнинг ишини давом эттириб келяпмиз. 2006 йили қишлоқ хўжаликлари фермер хўжаликларига тақсимлангандан кейин “Заркент гавҳари” фермер хўжалигимиз ташкил топди. Фермер хўжалигимиз кўп тармоқли бўлиб, 86 гектар ер майдонига эга. Унда чорва моллари, мевали дарахтлар, 40 гектар узумзор парваришланади. Хўжалигимизда 5 та нав, хусусан, майизбоп кишмиш, экспортбоп пушти тойфи, ички бозорга чиқариладиган ризамат, сугдиёна ҳамда винобоп узум етиштирилади. Бу ерлар лалми, яъни сув чиқмайдиган жой бўлгани боис, узум етиштиришга қулай. Чунки ток кўчати 5 йиллик новда ҳолатидан ўтиб, ўзини тиклаб олгач, деярли сўғоришни талаб қилмайди. Йилда бир марта – куз-қиш мавсумидаги қор-ёмғир сувига тўйиниб олса, кифоя.

Фермер хўжалигимизда 40 та оилавий пудратчи ишчи фаолият юритади. Ҳар бир оила бир гектардан узумзорни парваришлайди. Ҳосил пишгач эса тенг ярмини олади.

– Экспорт мавсумидаги нарх ўзгариб турадими? Маҳсулот айнан ғарқ пишган палла ва сақлаб қўйиб сотилгандаги нархларда фарқ борми? Масалан, узум аввал арзонроқ бўлиб, кейин эса юқори нархда сотилгани бўйича маълумот бера оласизми?

– Ҳа, албатта, бунинг ҳеч қандай яширадиган жойи йўқ. Узум пишган вақтда килосини 5 минг сўмдан сотган бўлсак, ҳозир сақлаб қўйиб сотганимизда 10–12 мингдан харидорларга етказмоқдамиз.

– Импорт қилувчилар маҳсулотнинг қайси сифат кўрсаткичига кўпроқ эътироз билдиради ванималарни талаб қилади?

– Харидорлар экспорт учун яхши сақланган, юқори навли, қадоғи чиройли, ранги тоза, худди янги узиб олингандек сифатли маҳсулотни талаб қилади. Биз нафақат экспорт учун, балки ички бозорга ҳам шундай сифатли маҳсулот етказиб беришга ҳаракат қиламиз. Шунингдек, барча харидорларнинг талаб ва таклифларини инобатга олган ҳолда иш тутиш фермер хўжалигимизнинг олий мақсадидир.

– Маҳсулотларни экспорт қилишда асосий дуч келинадиган муаммолар ҳам борми? Умун қандай муаммолар ҳал қилинса ва қандай имкониятлар берилса, фаолиятингиз учун янада яхши бўларди?

– Хўжалигимизда узумни териб олиш, яшикларга жойлаб, қадоқлаш ва уни махсус музлаткичи

омборхонамизда сақлаш қийин эмас. Санаб ўтганларим шу ернинг ўзидаги жараён бўлгани боис, бу босқичларда қийинчилик йўқ. Бизда асосий муаммо – ҳозир маҳсулотни етказиш учун керак бўладиган транспорт воситаси. Йилдан-йилга узумзоримиз ҳосили ортиб бораётганини ҳисобга олсак, экспортчиларнинг, узум кластерларининг янада кўпайишини истардим. Ана шунда биз – фермерлар етиштираётган маҳсулотларга харидор топиш янада осонлашади.

– Ҳосил йиғиб олингач, токни совуқдан сақлаш учун қандай усулдан фойдаланасиз?

– Узум ҳосили териб олингач, бошқа ҳудудлардаги каби токни ерга кўммаймиз. Бизда бироз бошқача, ток новдалари ерга ётқизилиб, ўзининг барглари билан ёпилади. Заркент қишлоғида аксарият фермерлар токни шу усулда совуқдан сақлайди.

Бундан икки ойча аввал “Аграр соҳа аёллари уюшмаси” аъзоси сифатида Навоий вилоятига бориб, узум етиштириш бўйича тажрибамиз билан ўртоқлашиб қайтдик. Навоийликлар ток новдаларини кўмишдан олдин токзорга қорамолларни ҳайдаб, баргларини едирар экан. Бу ҳолатда новдаларга шикаст етиши, келаси йили ҳосил яхши бўлмаслиги мумкин. Мен яна Навоийга бориб, айнан ўзимиз қўллайдиган усулни кўрсатиб беришни ният қилиб қўйдим.

Гавҳар Ризаева билан суҳбатимизни шу ерда ниҳоясига етказдик. Аммо келаси йили токзорларда узум кўмиш жараёнини кўрсатиб беришини сўрадик. Гавҳар опа албатта бунга рози бўлди. Келаси йили Заркент қишлоғига яна бир бор келишимизни айтиб, хайрлашдик. Ўзбекистонда етиштирилаётган сархил меваларни дунё бозорига олиб чиқаётган, ўз юрти равнақи учун сидқидилдан хизмат қилаётган фермерларимиз, айниқса, Гавҳар Ризаевадек фермерларимиз кўпаяверсин!

МАНБА:
www.uzwine.uz

“Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак” лойиҳаси журналисти
Наргиза КАРИМОВА суҳбатлашди.



Жаҳонгир Сайдалиев:

"ҚАДОҚ БОРАСИДА ТАЛАБГОРЛАР ҲАЛИ ЭЪТИРОЗ БИЛДИРГАНИ ЙЎҚ..."



Юртимизнинг дунё бозорида ўзига хос ўрин эгаллаётган экологик тоза маҳсулотлари тури кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Бу борада қайта ишлаш корхоналари ҳам ўзига хос ўринга эга.

Зангиота туманида жойлашган "Uzkand" бренди остида мева-сабзавотларни қайта ишлаётган "BEST TASTES TECHNOLOGY" МЧЖда директорнинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Равшан Икромов билан корхона фаолияти ҳақида суҳбатлашдик.

– "BEST TASTES TECHNOLOGY" МЧЖнинг асосий фаолияти ва "Uzkand" бренди остида қайта ишланаётган маҳсулотлар ҳақида гапириб берсангиз?

– "Uzkand" бренди остида мева-сабзавотларни қайта ишлаётган "BEST TASTES TECHNOLOGY" МЧЖ 2016 йили асос солинган. Автоматлашган замонавий қайта ишлаш ускуналаримиз Хитой давлатидан келтирилган. Мақсадимиз табиий, экологик тоза маҳсулотларни дунё бозорига чиқариб, юртимиз номини дунёга танитишга муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

Корхонамизда ўрик, олма, беҳи, олча, олхўри, гилос, қулупнай, анжир, малина, лимон каби кўплаб мевалардан тайёрланаётган мураббо, компот, мева қиёми, турли шарбатлар, помидор, бодринг, булғор қалампири каби сабзавотлардан маринадлар, қўзиқорин, ток барглари қўшилган сархил маҳсулотлар харидоргир бўлмоқда. Шунингдек, меваларни қуритилган ҳолда сотиш ҳам йўлга қўйилган.

– Қайта ишланаётган маҳсулотларнинг экспортдаги улуши неча фоизни ташкил этади ҳамда ўтган йили ва жорий йилда қанча маҳсулот қайта ишланди?

– Маҳсулотимизнинг 70 фоизи экспортга йўналтирилмоқда. ISO – 22000 озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича, НАССР тизимлари каби бир қатор сертифици-

катларга эга корхонамизда ўтган йили 2 минг тоннага яқин мева-сабзавот қайта ишланган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 3 минг тоннадан ошириш режалаштирилган.

– Маҳсулот экспортида унинг қадоғи асосий ўринни эгаллайди. Бу борада қандай ишлар бажарилмоқда ва улар қандай нархларда сотилмоқда?

– Қадоқланган ҳар қандай товар сифати, ташқи кўриниши билан инсонни ўзига жалб қила олиши лозим. Биз бунга эришдик деб ўйлайман. Чунки маҳсулот қадоғи борасида ўтган даврда талабгорлар эътироз билдиргани йўқ. Аммо изланишни ҳамиша давом эттирверамиз.

Қадоқ учун ҳар хил ўлчамли, кўриниши чиройли шиша банкалар Россия ва Қозоғистондан олиб келинади. Бундан ташқари, қуритилган мева маҳсулотларини 10 килограммлиқ махсус картон қутиларда ҳам жўнатамиз. Дастлаб иш бошлаган кезларимиз ишчиларимиз корхонамизга келган чет эллик мутахассислардан бир ой давомида тажриба ўрганиб, ўзлари иш жараёнини давом эттириб кетган эди. Энди уларнинг малакаси ҳар қандай чет эллик мутахассисликдан асло қолишмайди. Маҳсулотларимизнинг ярқоқлиқ муддати 2 йил. Бундай муддат экспорт учун ҳам қулай ҳисобланади.

Нархлар ўзгарувчан. Масалан, олма билан малинанинг нархи ёки лимон билан ўрикники ҳар хил бўлади. Мевали мураббаларимиз ўртача 15-17 минг сўм атрофида сотилмоқда.

Суҳбатимизни корхона раҳбари Жаҳонгир Сайдалиев билан давом эттирдик.

– “BEST TASTES TECHNOLOGY” масъулияти чекланган жамиятида маҳсулот экспорти жараёни қандай ташкил этилган ва асосий экспорт мавсуми қайси даврга тўғри келади?

– Маҳсулотимизнинг барчаси кимёвий қўшимчаларсиз, табиий тайёрланади. Ушбу экологик тоза маҳсулотлар учун талаб кундан-кунга ошиб бормоқда. Ўзбекистонда пишиқчилик пайти май ойидан бошланади. Ана шу даврдан маҳсулотни қайта ишлаб чиқара бошлаймиз. Июнь ойидан экспортни амалга ошириб, доимий давом эттираемиз. Асосий харидорларимиз Туркия, Жанубий Корея, Россия давлатларидир. Бундан ташқари, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон каби қўшни давлатлар ҳам доимий мижозимиз. Айти вақтда Европа давлатлари билан ҳам келишувга эришдик.

Мижозларимиз кўпроқ мураббо, мева қиёми, компот харид қилмоқда. Қури-тилган мевалардан тайёрланган маҳсулотларга Жанубий Корея, Россия, Туркманистоннинг талаби юқори бўлмоқда.

– Импорт қилувчилар маҳсулотнинг қайси сифат кўрсаткичларига кўпроқ эътироз билдиради?

– Ҳар бир ишни бошлашдан олдин унинг режасини тузиб оламиз. Маҳсулот сотуви борасида ҳам аввал мижознинг талаби ўрганилади. Корхонамиз маҳсулотларининг асосий қисмига шакар қўшиб тайёрланади. Асосий талаб унинг таъмидадир. Халқимиз кўпинча ўта ширали маҳсулотлардан тийилади ва ўртача меъёрни хоҳлайди. Айрим давлатлардаги харидорлар ўткир ширали маҳсулотларни, айримлари шўр маҳсулотларни хушламагани баробарида, бошқаларининг аччиқроқ маҳсулотга талаби юқори. Шу боис ҳам уларнинг талабини қондириб, экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарамиз. Маҳсулот сифати назорати бўйича корхона қошида махсус лаборатория фаолият юритади. Унда олий тоифали технологлар ишлайди. Ўз-ўзидан кўришиб турибдики, талаб даражасида қайта ишланган сифатли маҳсулот эътирозга асло ўрин қолдирмайди.

– Маҳсулотларни экспорт қилишда асосий дуч келадиغان муаммоларга ҳам тўхталиб ўтсангиз.

– Бу ишни амалга ошириш жараёнида ҳозирча муаммога дуч келганимиз йўқ. Чунки бизда тизим яхши шаклланган. Биргина логистикани оладиган бўлсак, мавжуд автотранспортлар катта ҳажмдаги иш кўламани ҳам режали равишда ортиқча муаммоларсиз бажаради.

– Қайси кўрғазмалар, сайтлар, ижтимоий тармоқлар янги харидорларни топишда кенг имконият яратмоқда?

– Кўрғазмаларда қайта ишланган маҳсулотларимиз намойиш этилаётгани қўл келмоқда. Жумладан, кўрғазмалар орқали Россия, Беларусь, Қозоғистондаги чет эллик харидорлар билан келишувларга



Директорнинг молиявий ишлар бўйича ўринбосари Равшан ИКРОМОВ.



Корхонанинг ёш ишчи ходимлари.

эришдик. Айти кунларда Франция давлатида ўтказиладиган кўрғазмада иштирок этиш учун тайёргарлик кўряпмиз. Албатта, бу давлатда ҳам янги келишувларга эришиш учун ҳаракат қиламиз.

– Бугунги кунда қайта ишланаётган маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида қандай изланишлар олиб борилмоқда?

– Ҳар бир корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотининг сотув ҳажмини ошириб бормас экан, рентабелликни таъминлай олмайди. Корхонамиз мутахассислари йўналишимиз бўйича дунё бозорида қайта ишланаётган қайси маҳсулот турига талаб юқорилигини ҳамиша ўрганиб келмоқда.

Шунингдек, яқин кунларда импорт қилинаётган киви, апельсин, мандарин каби меваларни ҳам қайта ишлаб, янги маҳсулотлар яратиш устида иш олиб боряпмиз. Бунда янги иш ўринлари очилиб, ишлаб чиқариш ҳажми ошади.

Дарҳақиқат, асосий хомашёни Фарғона, Андижон, Наманган, Сурхондарё, Тошкент вилоятларидан келтираётган корхонада иш кўлами кундан-кунга кенгайиб, эртанги кунга мустақкам замин ҳозирланмоқда.

“Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак” лойиҳаси журналисти **Жамила ҲАЙДАРОВА** суҳбатлашди.



ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ



Тошкент вилояти Зангиота туманининг Хонобод қишлоғи (ҳозир бу ер Тошкент шаҳрининг Сергели тумани таркибига киритилган)даги хонадонларнинг бирида Ўзбекистон бозорининг кўрки ҳисобланган Юсупов помидори кашфиётчиси, агроном Карим ота Юсупов яшаган. Отахон дунёдан ўтган бўлса ҳам унинг номи, насаби кашф қилган помидор навлари, эккан дарахт кўчатлари, барча эзгу ишлари яқинлари, фарзандлари тимсолида яшаб келяпти. Олимнинг оламдан ўтганига 13 йил бўлган бўлса ҳам номи ҳанузгача тилларда барҳаёт.

Ўтган асрнинг 50-йилларида Карим ота Юсупов Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги жамоа хўжаликларидан бирида кичик майдонда помидорнинг Чудо рынок ва Марглоб навларини эқди. Европадан келтирилган бу навлар иссиққа ва касалликка чидамсиз бўлиб чиқди. Шундан сўнг ота ҳар икки нави дурагайлаш асосида халқ селекцияси йўли билан 7 йилда янги помидор навини яратди. Унга номни отанинг ўзи қўймади. Бориб-бориб одамларнинг ўзи уни “Юсупов” дея номлай бошлади.

Ижодий гуруҳимиз билан Карим Юсупов яшаб ўтган хонадонга бордик. Фарзандлари, келинлари, набираларининг ота ҳақидаги илиқ хотираларини эшитиб, агрономнинг нақадар ажойиб инсон бўлганига ишонч ҳосил қилдик.

– 1963-64 йиллари дадам раҳматли помидорнинг Юсупов навини кашф қилган. Ўша пайтда у киши Шредер (ҳозирги М.Мирзаев) номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида агроном бўлиб ишлаган, – дейди олимнинг ўртанча ўғли Ўткир Юсупов. – Ўша йиллари отам Сабзавотчилик, картошкачилик ва полиз экинлари илмий-тадқиқот институтига янги помидор нави уруғини берди. Бу воқеага ҳам чорак асрдан ортиқ вақт ўтди. Ёшлик давримизда ҳов-лимизда экин экиладиган жуда катта (30 сотих) ер майдони бўлар эди. Отам мана шу ерга турли мевали дарахтлар, сабзавот

экинларини экарди. Кечгача шу ерда кетмон кўтариб, экинларда турли тажриба-синовлар ўтказар эди. Бошқа-бошқа навларни ўзаро пайвандлаб, чатиштириб, янгиликлар қилишни яхши кўрарди.

Яна бир воқеани эслайман: ҳовлида картошка экиб юрган вақтларимиз отам таги картошка, усти помидор бўлган янгица нави кашф этди, лекин оммага тақдим этишга ҳаракат қилмади. Чунки унда ёши 90 дан ошиб қолганди. Мана шу нав 2014 йили Нидерландияда ишлаб чиқилди, ваҳоланки отам бунини 25 йил олдин ўйлаб топган эди...

1960 йилдан бошлаб помидорнинг янги Юсупов нави уруғи Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида кўпайтирилиб, республика хўжаликларида экиш учун тавсия этилди. Агроном Карим Юсупов шу институтнинг уруғчилик бўлимига ишлаш учун таклиф қилинди. 1967 йили у ўзи яратган навга муаллифлик гувоҳномасини олди.

– Дадам жуда ҳам олижаноб одам эди. Эсимизни таниганимиздан бери у кишининг фақат меҳнат қилаётганини кўрардик. Дадамни бутун дунё таниди, десам муболаға қилмаган бўламан, – дейди олимнинг

кенжа ўғли Мирза Юсупов. – Отамдан қолган мана шу ширин помидор нави доим бизга у киши қилган ишларни эслатиб туради. Барча қариндош-уруғларга, яқинларга, кўни-қўшниларга ўзи кашф қилган помидор уруғидан, лимон, шотут, хурмо дарахти кўчатидан берарди. Ҳозир дадам берган мана шу кўчатларни экканлар ҳанузгача ҳосилдан баҳраманд бўлмоқда. Дадамни доим эслаб, дуо қиладилар. Шундай вақтларда мен отамдан янада фахрланиб кетаман. Шунчалик халққа фойдаси теккан инсоннинг зурриёди эканлигимдан жуда хурсандман. Дадам фақат яхши ном қолдириб кетди.

Янги помидор нави берилган таърифга биноан, Юсупов помидори нави бироз кечпишар, серҳосил, йирик мевали. Бир дона меваси ўртача 700–800 гр, баъзи йирикларининг меваси 1–1,5 кг. гача боради. Бир тупидан ўртача ҳисобда 8–10 кг, гектаридан 30–33 тонна гача ҳосил олиш мумкин. Пишган мевасида 5–6 фоиз қанд, кўп миқдорда С витамини мавжуд.

– Раҳматли қайнотам ширин нарсани яхши кўрардилар. Шунинг учун ҳам Юсупов навли помидорни есангиз, ширин таъмини сезасиз. Жуда тиниб-тинчимас инсон эди. Ҳатто ҳовлимизда асалари ҳам парваришланарди. Қайнотамнинг, айниқса, табиий нарсаларга қизиқиши жуда баланд эди. Ўзи парваришлаб, етиштирган табиий маҳсулотларни бизга ҳам илиниб, ҳаммамизга тортиқ қиларди. У киши етиштирган олма, нок, шотут, хурмо, лимон меваси жуда ҳам мазали, серсув бўлар эди. Шундай ажойиб, меҳнаткаш инсоннинг келини бўлганимдан хурсандман, – дейди Мунира Юсупова.

– Умрининг сўнгги йилларида қайнотамнинг ёнида бўлдим. Қайнонамнинг вафотидан кейин у кишининг иссиқ-совуғига қарадик. Қайнотамнинг ёши ҳатто юзга яқинлашиб қолганида ҳам қўлидан кетмон тушмасди. Ҳовлимизда деҳқончилик қилиб, экинларга қараб юрарди. Уғиллари “Кўйинг, бундай ишларни қилманг, томорқага ўзимиз қараймиз”, дейишса ҳам қайнотам кетмонда ер чопишни қанда қилмасди. Бозордан ҳеч қандай мева-сабзавот сотиб олмас эдик. Барча керакли маҳсулотлар ҳовлимизнинг ўзида етиштирилди, – дейди олимнинг кенжа келини Муқаддам Юсупова.

Юсупов помидори ҳақида “Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак” лойиҳаси экспертлари шундай дейди:

– Ҳозир Юсупов помидорининг уруғчилиги йўлга қўйилмаган. Аксига олиб, ўсимликларнинг турли касалликларга чалинишининг олдини олиш тобора мурракбашмоқда. Айниқса, Юсупов нави помидор куяси каби зараркунандаларга чидамсиз эканини эътиборга олсак, уни деҳқон хўжаликлари томонидан кичик ер майдонларида экиб, кўпайтиришни таклиф қилган бўлардим, – дейди лойиҳа иқтисодчиси Абдумалик Рустамов. – Чунки кам ҳажмда экилса, зараркунандаларга қарши курашиш ҳам осон бўлади. Бу навнинг йўқолиб кетишига йўл қўймаслик керак. Чунки ушбу помидор нави ажойиб таъми, йирик ҳажми, ранги, табиийлиги билан маҳаллий аҳолининг меҳрини қозониб улгурган. Бу навдан Ўзбекистон агротуризмни ривожлантириш учун фойдаланса ҳам бўлади. Хориждан келган сайёҳларга ўзбек миллий помидор нави деб Юсупов помидорини кўрсатиш, ундан барча севиб истеъмол қиладиган “аччиқ-чучук” салатини



Буюк олим К. Юсуповнинг фарзандлари.

тайёрлаб дастурхонга тортиш орқали сайёҳларни жалб қилиш мумкин. Юсупов помидори экспортга чидамсиз бўлса-да, таъми унинг мазасига тенг келадиган бошқа помидор нави ҳали кашф этилмади, десам муболаға қилмаган бўламан!

– Бу нав ҳақиқатан ҳам ўзига хос. Камчилиги меваси етилганда жойида истеъмол қилиш керак. Ташишга яроқсиз, лекин жуда этли, серсув ва ёқимли таъмга эга. Яна битта камчилиги поясининг жуда катталиги, яъни метр куб ҳисобида ҳосилдорлик ҳисобланса, ҳосилдорлиги паст. Намгарчиликни кўтара олмайди, касалликларга нисбатан чидамсиз, – дейди лойиҳа эксперти Парҳод Назаров.

– Юсупов нави иштирокида жуда кўп навлар яратилган, лекин ушбу навлар ҳақида умуман маълумот йўқ. Ўзбекистонда яратилган навлар бўйича бор, лекин чет элга олиб чиқиб кетилган. Дурагайлар яратишда Юсупов нави қатнашган, аммо ушбу нав иштирокини инкор этишади.

– Юсупов помидори кечпишар ҳисобланиб, экилгандан сўнг 120–130 кунда пишади, индетерминат, пояси баланд, меваси йирик (айрим ҳолларда меваси 1 кг. гача келади). Қанд миқдори юқори, уруғи кам, гўшти помидор. Бозорларда ҳар доим нархи 1–1,5 баравар қиммат сотилади, – дейди лойиҳанинг ҳудудий иқтисодчиси Норжигит Нишоннов. – Уруғчилиги билан шуғулланмаганлик туфайли шундай қимматли хусусиятга эга помидор йўқ бўлиб кетиш арафасида. Ҳозирги кунда Россиянинг помидор экиладиган кўплаб ҳудудида рус коллекционерлари томонидан сақланиб, экиб келинмоқда.

Карим ота нафақат помидор, балки бошқа кўп мева-сабзавотларнинг янги навларини ҳам кашф қилган. Ўзбек заминида мана шундай буюк олим, дунёга машҳур Юсупов помидори нави кашфиётчиси етишиб чиққани ўзбекларнинг нақадар ақлли ва билимли, изланувчан халқ эканидан далолатдир.

Наргиза КАРИМОВА,
“Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик
маркетинги бўйича техник кўмак”
лоyiҳаси журналисти



ЎЗБЕКИСТОНДА ЯРАТИЛГАН ЦИТРУС МЕВА НАВЛАРИ



Цитрус мева дунё бўйлаб кенг тарқалган мевали ўсимлик бўлиб, ФАОнинг 2021 йилги маълумотига кўра, уларнинг жаҳон миқёсида умумий майдони 10 миллион гектардан ошади. Ялпи ҳосилнинг 62 фоизи эса 4 та мамлакат (Ҳиндистон, Бразилия, Нигерия ва Мексика) ҳиссасига тўғри келган.

Ўзбекистон шароитида цитрус ўсимликлар ҳимояланган ер (иссиқхоналар)да ҳамда сунъий иситилмайдиган хандақларда етиштирилмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда жами цитрус майдони 1308 гектар бўлиб, ҳосилга кирган цитрус ўсимликлар 519 гектарни ташкил қилади. Етиштирилган ялпи ҳосил 9852 тоннани ташкил этади (Статистик бюллетень, 2022).

Цитрусчилик республикаимиз қишлоқ хўжалигининг сердаромад тармоғи ҳисобланади. Шу билан бирга соҳани интенсивлашда муҳим омил янги навларни яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий қилишдан иборат. Жумладан, Академик М.Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти деярли 70 йилдан буён цитрус ўсимликларни ўрганиш, янги навларни яратиш ҳамда етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш билан шуғулланиб келинмоқда. Цитрус ўсимликлар мевасини сақлаш ва қайта ишлаш долзарб масала бўлиб, бу борада институтнинг мева ва узумни сақлаш ва қайта ишлаш бўлимида

бир қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Қуйида Ўзбекистон шароитида ўрганиш натижасида цитрус ўсимликлардан лимон, апельсин ва мандарин навларининг тавсифи келтирилади.

Лимоннинг Мейер нави. Нав лимон ва апельсиннинг табиий дурагайи ҳисобланади. Бу кучсиз ўсувчи дарахт бўлиб, тиканчалар билан бироз қопланган ёки тикансиз. Барглари овалсимон шаклда бўлиб, барг бандида бироз қанотчасимон ўсимталар бор. Ҳосилга 2-3 йилда киради. Ҳосили октябрда пишади. Меваси турли шаклда бўлиб, овалсимон, юмалоқ ёки ноксимон, ўртача ёки йирик ўлчамда, вазни 80-100 гр бўлади. Мева пўсти юпқа, силлиқ, тўқ сариқ рангда, ўзига хос ҳидга эга. Мева эти нозик, кўп миқдорда кучсиз нордон шарбат беради. Уруғи кам – 6-10 донани ташкил этади. Меваси узоқ сақланмайди. Ҳар йили мўл ҳосил беради.

Лимоннинг Ўзбекистон тўнғичи нави. Нав Академик М.Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида селекция йўли билан яратилган.

Тупи кучсиз ўсувчи бўлиб, тиканчалар билан бироз қопланган ёки тикансиз, бўйи 2-2,5 метрга, шох-шаббасининг эни 2 метргача етади. Шох-шаббаси ихчам бўлади. Танаси ва асосий шохлари ўртача йўғонликда, танасининг диаметри 7,5-8 см, шохларда сийрак жойлашган майда тиканлар мавжуд. Бир йиллик новдалар тўқ яшил рангда, ўртача узунликда, ингичка, учи бурчаксимон, сербарг бўлади.

Меваси турли шаклда бўлиб, овалсимон, юмалоқ ёки ноксимон шаклда, ўртача ёки йирик ўлчамда, вазни 90-100 гр. Пўсти силлик, ялтироқ, юпқа, этидан осон ажралади, етилиши олдидан ранги сариқ, тўлиқ етилганда қовоқранг бўлади. Эти оч сариқ, нозик, серсув. Мевасининг таъми яхши, ёқимли нордон ва хушбўй. Таркибида 1 фоиздан кўпроқ пектин моддаси, 0,5 фоизга яқин ҳар хил минерал туз, 60-90 мг/фоиз С витамини, маълум миқдорда А, В1, В2, РР витаминлари мавжуд.

Нав хусусияти. Ҳосили октябрь-ноябрь ойида пишади. Меваси узоқ сақланади ва ташишга қулай. Ўзини-ўзи чанглатувчи ҳисобланади. Эрта, яъни иккинчи-учинчи йили ҳосилга киради. Бешинчи йили тўлиқ ҳосилга киради. Ҳар йили мўл ҳосил беради. Дурагайларни олишда бирламчи нав. Апельсин, мандарин учун пайвандтаг ҳисобланади.

Лимоннинг Академик М.Мирзаев нави. Ушбу нав Академик М.Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида селекция йўли билан чатиштиришдан олинган табиий дурагай ҳисобланади.

Тупи ўрта бўйли – 2,5-3 метр, шох-шаббасининг эни 2 метргача етади. Шох-шаббаси ихчам, тарвақайлаган, бироз тиканли, сербарг бўлади.

Меваси йирик тухумсимон, вазни 110-150 гр. Пўсти силлик, ялтироқ, юпқа, этидан осон ажралади. Етилиши олдидан ранги оч сариқ, таъми яхши, ёқимли нордон ва хушбўй бўлади.

Нав хусусияти. Меваси октябрь ойида пишади. Ҳосилга тўртинчи йили киради. Дурагайларни олишда бирламчи нав. Апельсин, мандарин учун пайвандтаг ҳисобланади.

Апельсиннинг Гамлин нави. Италиянинг серҳосил, эртапишар нави бўлиб, ўрта ер денгизи гуруҳига киради.

Тупи паст бўйли бўлиб, бўйи 2-2,5 метрга, шох-шаббасининг эни 1,5-1,7 метргача етади. Шох-шаббаси тик ўсувчи, жуда сершоҳ, танаси ва асосий шохлари ўртача йўғонликда, танасининг диаметри 13-18 см. Бир йиллик новдалар тўқ яшил рангда, ўртача узунликда, ингичка, сербарг бўлади.

Меваси ўртача йирикликда, вазни 100-130 грамм келади. Шакли ясси-юмалоқ ёки шарсимон. Мева асоси ва учи юмалоқ, баъзан бироз ясси.



Учида кўпинча бироз ботик доирача бўлиб, диаметри икки сантиметрга яқин. Пўсти юпқа, юмшоқ, ялтироқ, тўқ сариқ ёки тўқ сариқ-қизғишранг, этидан яхши ажралади. Эти очик рангда – тўқ сариқ, майин, серсув, хушбўй ҳидли, нордон-чучук, жуда мазали. 10-13 паллага ажралади, паллаларни ўраб турган пардаси юпқа. Мевасидан умумий вазнига нисбатан 45-50 фоиз шарбат чиқади. Шарбатида 6,5-7 фоиз қанд, 1-1,1 фоиз кислота ва 50-55 мг/фоиз С витамини бор. Мевасида 4-6 дона уруғ бўлади.

Нав хусусияти. Экилганидан кейин тўртинчи йили ҳосилга киради. Меваси ноябрь охирида пишади. Бу хандақларда ўстириш мумкин бўлган энг яхши нав. Тўлиқ ҳосилга кирганда ўртача йиллик ҳосилдорлиги ҳар тупдан 13-20 кг ёки гектарига айлантириб ҳисоблаганда (ўсимликлар қалинлиги гектарига 700 туп бўлганда) хандақларда 91-140 центнерни ташкил этади ёки иссиқхоналарда

(ўсимликлар қалинлиги гектарига 1050 туп бўлганда) 130-210 центнерни ташкил этади.

Апельсиннинг Вашингтон Навел нави.

АҚШда яратилган нав. Тупи ўрта бўйли, бўйи 3-4 метрга етади, шох-шаббаси юмалоқ шаклда, баъзан кенг ёйилган, тикансиз бўлади. Шохларнинг бўғим оралиғи узун. Ёш новдалари оч яшил, бироз тукли. Барги ўртача йирик, тўқ яшил рангда, ялтироқ, чўзиқ-овалсимон шаклда.

Меваси йирик, вазни 130-150 гр, баъзилари 250-300 гр ва ундан ҳам оғир бўлади. Деярли юмалоқ, учига томон бироз ингичкалашган. Учи тўмтоқ, жуда кичик чуқурча жойлашган етилмаган қўшимча мевача билан тугайди. Бу ушбу навнинг ўзига хос хусусиятидир. Киндиги (маркази) очик ёки пўсти билан ўралган. Пўсти қалин, юзаси ғадир-будир, баъзан тўқ сариқ ёки тўқ сариқ-қизғиш тусли, ўртача серсув, баъзан қуруқ ва дағал бўлади. Эфир мойи чиқарадиган безчалар пўстига ботиб кирган ёки пўсти юзасида бўлади. Паллалари орасидаги парда ўртача қалинликда. Паллалар 9-13 та, ўтмас понасимон, йирик донатор оч қовоқранг. Мевасидан 45-50 фоиз шарбат чиқади. Эти нордон, чучук, ёқимли. Шираси таркибида 7-7,5 фоиз қанд, 0,8-1 фоиз турли кислота, 40-45 мг/фоиз С витамини бор.

Нав хусусияти. Мевасининг айримидагина уруғ бўлади. Кўпинча мевасининг эти қуруқроқ – бу навнинг камчилиги ҳисобланади. Ҳосилдорлиги – ҳар бир дарахт йилига 5 кг.дан 24 кг.гача мева беради.

Апельсиннинг Королёк грушевидный нави. Грузиядан интродукция қилинган. Испан королёк апельсин навларига киради. Тупи паст бўйли – 2-2,5 метр, кенг ёйилган, сербарг, шох-шаббаси ғуж бўлиб ўсади.

Меваси вазни 100-120 гр, шакли юмалоқ, бироз чўзиқ ёки ноксимон, учи овал. Асоси ҳам овалсимон, баъзан чўзиқ, бурмали бўлади. Пўсти ўртача қалин, ғадир-будир, тўқ сариқ ёки қизғиш. Эти қизил, серсув, майин, 8-13 паллага осон ажралади. Этининг таъми нордон чучук, хушбўй, жуда мазали. Таркибида 5-6 фоиз қанд, 1,3 фоиз кислота, 52 мг/фоиз С витамини бор.

Нав хусусияти. Экилгандан кейин учинчи йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги ўртача, меваси жуда кеч – декабрнинг ўртасида ёки охирида пишади.

Апельсиннинг Гладкокорый нави. Грузиядан интродукция қилинган. Тупи кучсиз ўсувчи дарахт, шох-шаббаси ёйиқ бўлиб, новдалари тикансиз.

Меваси ўртача катталиқда – 110-140 гр, юмалоқ, чўзиқ шаклли. Жуда кичик чуқурча жойлашган, билинар-билимас етилмаган қўшимча (киндик)

мевача билан тугайди. Пўсти силлиқ, ялтироқ, тўқ сариқ, дарахтда турган сари қизғиш тусга киради. Эти сершарбат, мазаси ширин-нордон, хушбўй, жуда мазали. Кам уруғли (5-7). Ҳар йили мўл ҳосил беради.

Хулоса қилиб айтганда, цитрус ўсимликларни ўрганиш, янги навларни яратиш, хорижий навларни тадқиқ қилиш қишлоқ хўжалигининг долзарб масаласидир. Цитрус ўсимликлардан лимон, апельсин ва мандариннинг маҳаллий ва хорижий навларини экиш, етиштириш фермер ва деҳқон хўжалиқларининг даромади ошишига ҳамда экспорт салоҳиятини кўтаришга имкон беради.

ТАРИХГА НАЗАР

Ўтган асрнинг 60-70-йилларида ўзбек селекционери Зайниддин Фахриддинов томонидан лимоннинг Тошкент-1 нави яратилди. Аслида Ўзбекистонда лимон етиштириш фикри 1949 йилда пайдо бўлган. Ўзбек олимлари Грузиядан кўчат олиб келиб, улар асосида 10 йил мобайнида мамлакатимизда лимон ўстиришга ҳаракат қилган. Лекин лойиҳа муваффақиятсиз кечди ва охир-оқибат тугатилди. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг кескин континентал иқлимида лимон етиштириш умуман мумкин эмас деган хулосага келинди. Аммо бир киши фикридан қайтмади. Бу инсон ўзбек селекционери, академик Зайниддин Фахриддинов эди. У Грузиядан янги кўчатлар олиб келиб, бир неча йил давомида деярли ойликсиз ишлади.

– Мен эрта тонгда туриб, бутун ёки яримта нонни олиб, эски қора чопонимни кийиб, кечгача ишлардим. Ўша пайтда ҳеч ким бу ишимни жиддий қабул қилмади. Ҳамма мени бефойда иш қиляпти, деб ўйларди. Беш йил давомида сабр-тоқат билан маошимнинг ярмига, яъни 1 сўм 25 тийинга ишладим. Ўша пайтда Яратгандан фақат битта нарсани – ишим муваффақиятли тугашини сўрадим, – дея ўша йилларни эслаган олим.

1967 йилда сенсация юз берди — лимоннинг янги Тошкент нави дунёга келди. У хандақ усулида Хитойнинг Мейер ва Новогрузинский навларидан олинди.

Қуёш каби ялтираган чиройли лимонлар Зайниддин Фахриддиновни бутун мамлакатга танитди. Ҳатто бу лимонлар космосга ҳам бориб қайтди. Машҳур космонавт, Фахриддиновнинг воҳадоши – Владимир Жонибеков ўзбек лимони космосда инсон танасига қандай таъсир қилишини синаб кўриш учун уни фазога олиб чиқди.

Шу даврдан бошлаб ёрқин тўқ сариқ рангли, нозик, юмшоқ пўстлоқли, серсув ва хушбўй Ўзбекистон лимони лимонарийларда етиштирила бошлади. Сўнг Тошкент ва Юбилейний навлари ҳам яратилди. Олимнинг ишини ўғли Ўзбекистон Миллий





Зайниддин Фахриддинов ўзбек лимончилик мактабининг асосчиси.



университети қошидаги Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-тадқиқот маркази илмий ходими Муҳаммадазиз Фахриддинов давом эттирмакда.

Шу пайтгача Тошкент лимони Ўзбекистондан ташқари Қримда етиштирилаётган эди. Бугунги кунда эса Қозоғистоннинг Атирау вилоятида ҳам етиштириляпти. Қозоғистонлик фермерлар 100 туп

дарахтдан 1 кг ҳосил олмакда. Шуниси эътиборга лойиққи, барча навлардан кўра Тошкент лимони Қозоғистон иқлимига мослашган. Лимонлар ниҳолдан ўстирилади ва томчилатиб суғорилади.

– Отам томонидан 1967 йилда яратилган ва фазода синовдан ўтказилган Тошкент лимони Ўзбекистонда лимон етиштириб бўлмайди, деган фикрни мутлақо рад этди, – дейди Муҳаммадазиз Фахриддинов. – Меванинг вазни ўртача 450 граммни ташкил этган. Таркибидаги лимон кислотаси бошқа навларникига нисбатан 4 фоиз кўп эди. Уч йил ўтгач, Юбилей гибрид нави яратилиб, ушбу нав йилига тўрт мартаба ҳосил беради. Унинг қобиғида 12 фоиз лимон кислотаси ва бошқа лимонларга қараганда уч баравар кўп эфир мойи мавжуд.

Ўзбекистонлик селекционер-олим яратган лимоннинг 10 га яқин нави, апельсиннинг Ўзбекистон, мандариннинг Тошкент навлари бугун нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам етиштирилмакда. Масалан, Уфада 2 гектар лимонарийга Ф-1 Тошкент ва Ф-2 Юбилей навлари экилиб, мўл ҳосил олинмакда. Уларнинг кўчати аҳоли орасида катта талабга эга.

Ўз вақтида Зайниддин Фахриддинов серкўёш юртимизда қачонгача плёнка остида лимон етиштирамиз, деб лимоннинг 30 дан ортиқ совуққа чидамли навини ҳатто пахта, қора қалампир ўсимликлари билан чаптиштириш бўйича тинимсиз иш олиб борган эди.

Таниқли селекционернинг совуққа чидамли, эртапишар лимон етиштириш орзуси унинг ўғли Муҳаммадазиз томонидан амалга оширилди.

Олим Зайниддин Фахриддинов ҳақидаги маълумотлар интернетдан олинди.

Нодир ЖАЛИЛОВ,
“Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак” лойиҳаси иқтисодчиси



Жамшид АГЗАМХЎЖАЕВ,
М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг цитрусчилик ва иссиқхоналарни ривожлантириш бўлими бошлиғи



Гўзал ПИРЖАНОВА,
“Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак” лойиҳаси журналисти



ЎЗБЕКИСТОННИНГ АНОР ЕТИШТИРИШ САЛОҲИЯТИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида таркибида фойдали витаминларга бой анор етиштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, бир қатор қарорлар ва дастурлар ишлаб чиқилди.

Анор етиштирувчи хўжаликларни ташкил этиш, илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда илмий иш олиб бориш, инновацион, ресурс тежайдиган технологияларни қўллаш, қайта ишлашни комплекс ривожлантириш, соҳанинг экспорт салоҳиятини янада юксалтириш, аҳоли даромадини ошириш, янги иш ўринларини яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 4 октябрдаги “Фарғона вилоятида анор етиштиришни кўпайтириш ва соҳани ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан Фарғона вилояти Қува туманида Анор етиштирувчилар уюшмаси ташкил этилган.

Республикада барча тоифадаги хўжаликларда жами 15,5 минг гектар анорзор мавжуд. Шундан 12,3 минг гектари фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналари, 3,2 минг гектари деҳқон ва аҳоли томорқалари ҳиссасига тўғри келади.

Шундан тўлиқ ҳосилли анорзорлар 6,4 минг гектар (3,6 минг гектар фермер ва қишлоқ хўжалиги

корхоналарида, 2,8 минг гектар деҳқон ва аҳоли томорқаларида) ҳамда янги анорзорлар 9,1 минг гектар бўлиб, уларнинг ўртача ҳосилдорлиги гектарига 160-170 центнерни ташкил этади.

Барча тоифадаги хўжаликларда 2021 йилда 81,9 минг тонна анор етиштирилган. 2022 йилда 109,1 минг тонна (45,8 минг тоннаси фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида) анор маҳсулотларини етиштириш прогноз кўрсаткичи белгилаб олинган.

Мамлакатимиз ҳудудида экиш учун тавсия этилган ва қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрига анорнинг 5 та, жумладан, Аччиқ-дона, Десертный, Казаке-Анар, Туя тиш ва Қизил уллученный каби маҳаллий навлар киритилган.

Худудларнинг тупроқ-иқлим шароитини инобатга олиб, анор етиштиришга ихтисослаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, Масалан, Сурхондарё вилоятида Шеробод ва Музработ туманлари, Қашқадарёда Китоб тумани, Наманганда Чуст тумани, Сирдарёда Мирзаобод ва Сардоба туманлари ҳамда

Фарғонада Қува ва Тошлоқ туманларининг айрим ҳудуди анорчиликка ихтисослаштирилди.

2021-2022 йилларда фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан 6,9 минг гектар анорзор барпо этилди. Ҳудудларда анорзорлар барпо этиш ишлари ноябрдан давом этади. Бундан ташқари, 2022-2023 йилларда Қашқадарё вилоятидаги туманларда 20 минг гектар анорзор барпо қилиш белгиланган.

Айни пайтда дунёда анорнинг 140 дан зиёд нави мавжуд бўлиб, Фарғона вилояти Қува туманида қишлоқ хўжалиги соҳаси олимларини жалб этган ҳолда, ташишга яроқли, экспортбоп янги навларни парваришlash, маҳаллийлаштириш, ўзаро чатиштириш орқали янги навлар яратиш устида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, соҳада тизимли ишларни ташкил этиш учун "Қува анори агрофирмаси" анорчилик кластери ташкил этилиб, унга жами 409 гектар ва 56 та аноретиштирувчи фермер хўжалиги бириктирилган.

Айни пайтда Қува туманида анорнинг 30 дан ортиқ нави парваришланмоқда. Эътиборлиси, етиштирилган ҳосилнинг ички эҳтиёждан ортган қисми Корея Республикаси, Россия ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Жумладан, 2018 йилда 9,6 минг тонна, 2019 йилда 13,5 минг тонна, 2020 йилда 17,5 минг тонна ва 2021 йилда 17,7 минг тонна (2018 йилга нисбатан 1,8 баробар кўп) анор экспорт қилинган.

Ҳозирги кунда Жанубий Корея, Малайзия, Эрон, Чили, Озарбайжон сингари ўнлаб мамлакатларда Фарғона анорчилиги тажрибасини ўрганишга қизиқиш катта. Ватани Фарғона вилояти бўлган Қажум ва Қозоқи каби анор навлари бугунги кунда АҚШ ва Европа давлатларида маҳаллийлаштирилмоқда.

Бугунги кунда Қува туманида мутахассислар анорнинг антиқа – ичида уруғи йўқ навини маҳаллийлаштириш ва кўпайтириш билан шуғулланмоқда. Қувалик миришкор деҳқонлар томонидан етиштирилаётган уруғсиз анор ичида уруғи йўқлиги, мазаси ҳам бошқа анорлардан таъми билан фарқ қилади.

Фермер хўжалигида парваришланаётган данаксиз анор нави Ўзбекистоннинг тупроқ-иқлим шароитига мослаштирилган III авлод ҳисобланиб, ҳар бир тупдан ҳозир 50-100 кг. гача ҳосил олинмоқда.

Жорий йилда фермер хўжалиги дала майдонларида янги анорзорлар ташкил қилиш учун 10 мингдан зиёд данаксиз анор кўчати парвариш қилинмоқда.

Бугунги кунда инновацион технологияларни жорий этган ҳолда, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, анорнинг маҳаллий серҳосил, вирусдан холи бўлган соғлом, касалликка, қурғоқчиликка, совуққа чидамли, жаҳон андозаларига мос ва уруғсиз анор кўчатларининг янги навларини яратиш ҳамда районлаштириш бўйича соҳа олимлари ва фермер хўжаликлари билан биргаликда илмий ишлар олиб борилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда.

Жумладан, Академик М.Мирзаев номидаги



Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ҳамда унинг Сурхондарё илмий-тажриба станциясида 2020 йилдан буён "Анорнинг интродукция қилинган навларини in vitro шароитида микрклонал кўпайтиришда озуқа муҳитларини такомиллаштириш" мавзусида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Бу жараёнда хорижий давлатлардан келтирилган Ҳиндистон (Ҳиндистон), Wonderful (АҚШ), Ал-ширин (Озарбайжон), Зубайда 667 (Озарбайжон) ва Гюлаше (Озарбайжон) навларидан in vitro шароитида кўчат кўпайтириш ва маҳаллий шароитга мослаштириш бўйича илмий тадқиқотлар давом эттирилмоқда.

Шунингдек, Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтида 2019 йилдан буён "Анорнинг асосий замбуруғли касалликлари ва уларга қарши такомиллашган кураш тизимини яратиш" мавзусида илмий иш қилинмоқда.

Бахтиёр ШЕРМАТОВ,
Ўзбекистон анорчилар ассоциацияси
раиси ўринбосари



160 ХАЛҚАРО КОМПАНИЯ ВАКИЛЛАРИ ЖАМЛАНДИ



Тошкент шаҳридаги «Ўзэкспомарказ» мажмуасида ўтказилган «UzAgroExpo – 2022» XVII халқаро қишлоқ хўжалиги кўрғазмасида «ShirinMeva» журнали асосий ҳамкор сифатида иштирок этди. Тадбирда озиқ-овқат бозорини ривожлантиришнинг замонавий ечимлари ва тенденциялари намоиш этилди.

Уч кун давом этган кўрғазмада мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, иқтисодий либераллаштириш, минтақавий йирик бозорлар билан мақбул савдо-иқтисодий алоқалар ўрнатиш, шунингдек, хорижий инвесторлар учун давлат томонидан берилган кенг имкониятларни намоиш этилди. Беларусь, Бельгия, Болгария, Германия, Нидерландия, Дания, Италия, Корея Республикаси, Қирғизистон, Қозоғистон, Малайзия, Польша, Россия, Туркия, Туркменистон, Хитой, Ҳиндистон, Чехия, Эрон, Япония давлатларининг соҳа вакиллари иштирок этди. Россия ҳудудидан энг кўп ва катта экспозициялар тақдим этилди.

Кўрғазмада Ўзбекистон анорчилар ассоциацияси ҳам ўз стенди билан иштирок этиб, кўплаб ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга муваффақ бўлди.

Айтиш жоизки, мазкур тадбир соҳа вакиллари учун ўзаро ҳамкорлик борасида катта имконият эшиklarини очди. Шунингдек, озиқ-овқат, қайта ишлаш ва совитиш ускуналарини ишлаб чиқарувчилар ҳамда етказиб берувчилар учун намоиш майдончаси бўлди.



Ушбу кенг кўламли тадбир иштирокчи корхоналарга янги ишбилармонлик алоқаларини ўрнатиш, керакли маҳсулотларни сотиб олиш, ўз маҳсулотларини таклиф этиш, янги товар белгилари, энг муҳими, бозордаги замонавий тенденциялар билан танишишга қулай имконият яратди.



Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотларни қандай баҳолайсиз, деган саволимизга жавобан барча меҳмонлар ижобий фикр билдирди. Шунингдек, улар қишлоқ хўжалигини, хусусан, экспортни ривожлантириш учун ҳукумат томонидан тадбиркорларга кредит, турли имтиёз ва енгилликлар берилиши, шунингдек, солиқни камайтириш каби қулайликлар яратилишига хайрихоҳлик билдирди.

**Гўзал ШИРИНОВА,
Жамила ҲАЙДАРОВА,
Саида АЛИМОВА,**

“Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маркетинги бўйича техник кўмак” лойиҳаси журналистлари

11 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

“ЎзэкспоМарказ” қишлоқ хўжалиги ходимлари куни муносабати билан ташкил этилган катта тадбирда аграр соҳани молиялаштириш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоқларига тегишли ахборот ва статистика маълумотларини қайта ишлашни мувофиқлаштириш, ҳудудлардаги кластерлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳақида сўз борди.

Жумладан, 2020–2022 йилларда аграр соҳа йўналишлари бўйича қишлоқ хўжалиги субъектларига харажатининг бир қисмини қоплаш учун давлат бюджети ҳисобидан 2 триллион 696 миллиард сўм субсидия ажратилгани диққатга сазовор. Шунингдек, бўш ерларни ўзлаштириш, тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлигини ошириш, ер ажратиш орқали аҳоли бандлигини ҳамда барқарор даромад олишини таъминлаш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш самарадорлиги муҳокама этилди.

Қолаверса, халқаро молиявий ташкилотларнинг грантлари билан ишлаш бўйича маърузалар ҳам тингланди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш соҳасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, маҳсулотларни сақлаш, экспорт қилиш ва карантин масалалари, халқаро стандартлардан фойдаланишга ҳам кенг урғу берилди.

Байрам тадбирида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган соҳа вакилларининг қишлоқ хўжалиги бўйича кўргазмалар намоиши бўлиб ўтди.





Тадбирда мукофотга сазовор бўлган иштирокчилардан бири - Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги "Хўжақия" маҳалласида жойлашган оилавий деҳқон хўжалиги раҳбари Алишер ҲУСАНОВ байрам ҳақида хурсандчилик билан гапирди:

"Икки гектарга яқин майдонда оилавий деҳқончилик қилиб, мева-сабзавот етиштирамиз. Бу йил қовун, тарвуз, помидор, картошка каби сабзавотлардан мўл ҳосил етиштириб, 70–80 миллион сўм атрофида соф даромад олдик. Асосий маҳсулотларимизни Россия ва Қозоғистонга экспорт қиляпмиз.

Ҳукуматимиз томонидан аграр соҳа вакилларига қаратилаётган эътибор ва қўллаб-қувватловидан жуда ҳам мамнунмиз. "Ўзэкспомарказ" мажмуасида ўтказилган қишлоқ хўжалиги вакиллари билан учрашув доирасида "Меҳнаткаш деҳқон" кўкрак нишони билан тақдирландим".

Жамила ҲАЙДАРОВА,
"Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик
маркетинги бўйича техник кўмак"
лойиҳаси журналисти



КАЛЕНДАРЬ МЕЖДУНАРОДНЫХ ВЫСТАВОК

2023

5-7 апреля

**UZBEKISTAN
INDUSTRIAL
EXHIBITIONS 2023**

МЕЖДУНАРОДНЫЕ
ПРОМЫШЛЕННЫЕ ВЫСТАВКИ

5-7 апреля



UZMININGEXPO

ТЕХНОЛОГИИ И ОБОРУДОВАНИЕ ДЛЯ
ГОРНОДОБЫВАЮЩЕЙ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ

5-7 апреля



UzMetalMashExpo

МЕТАЛЛУРГИЯ.
МАШИНОСТРОЕНИЕ. СВАРКА

5-7 апреля



СПЕЦТЕХНИКА. ТРАНСПОРТ.
АВТОИНДУСТРИЯ. ЛОГИСТИКА.

5-7 апреля



UzChemPlastExpo

ХИМИЧЕСКАЯ ПРОМЫШЛЕННОСТЬ.
ПРОИЗВОДСТВО ПЛАСТМАСС
И РЕЗИНЫ

5-7 апреля



ТЕХНОЛОГИИ БЕЗОПАСНОСТИ.
ОХРАНА ТРУДА. ИТ БЕЗОПАСНОСТЬ.

20-22 сентября



МЕДИЦИНСКОЕ ОБОРУДОВАНИЕ.
СТОМАТОЛОГИЯ.
ФАРМАЦЕВТИКА. УСЛУГИ

25-27 октября



UzEnergyExpo

ЭНЕРГЕТИКА. ОСВЕЩЕНИЕ.
КАБЕЛЬ

25-27 октября



UzStroyExpo

СТРОИТЕЛЬСТВО. МЕБЕЛЬ.
ОТОПЛЕНИЕ И ВЕНТИЛЯЦИЯ.

22-24 ноября



UzAgroExpo

СЕЛЬСКОЕ
ХОЗЯЙСТВО

22-24 ноября



UzProdExpo

ПИЩЕВАЯ
ПРОМЫШЛЕННОСТЬ

22-24 ноября



INTERPACK EXPO

ТАРА И УПАКОВКА.
ЭТИКЕТИРОВАНИЕ



Организатор: ООО «International Expo Group»
Адрес: г. Ташкент, ул. А. Темура 107Б, МБЦ, офис 4с-02

☎ (+99871) 238-59-59

☎ (+99871) 238-59-87



✉ info@ieguzexpo.com, info@ieg.uz

🌐 www.ieg.uz

🌐 InternationalExpoGroup

🌐 ieg_uz

🌐 ieguzbekistan

🌐 IEGUz



Журналимизнинг келгуси – 23-сони Финляндия аграр бозорига бағишланади



Telegram kanal uchun:



@SHIRINMEVA